

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

«ИЖТИМОЙЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

**«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш
назарияси ва амалиёти» фанидан**

МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ

**Тузувчи: катта ўқитувчи
Ю.Ю.Тохтаева**

Тошкент – 2006 й.

Ушбу маъруза матни мустақилигимизни қўлга киритганимиздан кейинги ўтган қисқа вақт ичида республикамизда демократик адолатли ва хуқуқий давлатчиликни шакллантириш, б ҳалқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг маънавий руҳи й тикланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитилар яратилмоқда. Жумладан, тараққиётимизнинг хуқуқий асослари яратилди, бозор муносабатларини шакллантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар вужудга келтирилди, аждодларимиздан қолган барча моддий ва маънавий бойликлар ҳалқимизнинг ўзига қайтаrilмоқда, миллий урф-одатларт, анъаналар, қадриятлар тикланмоқда. Миллатимизнинг ўзлигини англаш жарёнлари жадал ривожланмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг ҳақаро миқиёсда обрў-эътиборининг ошишига ва миллтимизнинг жаҳон цвилициясидаги муносиб ўрнини қайта тиклашга ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбу маъруза матнлари _____ таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

КИРИШ

Мустақилигимизни қўлга киритганимиздан кейинги ўтган қисқа вақт ичида республикамида демократик адолатли ва ҳукуқий давлатчилакни шакллантириш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг маънавий руҳий тикланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, тараққиётимизнинг ҳукуқий асослари яратилди, бозор муносабатларини шакллантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар вужудга келтирилди, аждодларимиздан қолган барча моддий ва маънавий бойликлар халқимизнинг ўзига қайтарилимоқда, миллый урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар тикланмоқда. Миллатимизнинг ўзлигини англаш жарёнлари жадал ривожланмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг ҳақаро миқиёсда обрў-эътиборининг ошишига ва миллтимизнинг жаҳон цвилизациясидаги мунособ ўрнини қайта тиклашга ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Аммо қўлга киритилаётган ютуқларимиз қанчалик соалмоқли бўлмасин, навбатда тараққиётимизни таъминлаш борасидаги вазифаларнинг кўлами каттаэканлиги бир дақиқа ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги керак. Ана шу вазифаларимиз қаторида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун бошлаган ислоҳотларимиз ва миллый тикланишимизнинг муҳим омилларидан бири бўлган янги маънавий-мафкуравий салоҳиятни вужудга келтиришdir. Чунки маънавий-мафкуравий салоҳият жамиятда одамларни уюштирувчи, давлатнинг маънавий қудратини мустаҳкамловчи, халқимизнинг яратувчилик фаолияитини жадаллаштирувчи ва миллатимиз улуғлигини таъминловчи қудратли кучdir. Маънавий-мафкуравий салоҳиятга эътиборсизлик жамиятни поракандаликка олиб келади ва амалга оширилиши керак бўлган вазифаларнинг халққа етиб бормаслигига. миллый ғурур ва миллый ўзликни англаш жараёнлари ўсишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Худди шунинг учун ҳам давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ маънавият, мафкура масалаларига алоҳида эътибор бериб, укелжагимизнинг ҳал қилувчи омили эканлиги юксак даражада эътироф этилди. Бу масалаларнинг ечими билан боғлиқ чора-тадбирлар давлат сиёсатининг бош йўналиши этиб белгиланди. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг барча асарларида бу масалага алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари" китоби "Тафаккур" журнали, "Туркистн " газетаси, "Туркистон - пресс" ахборот агентлиги вакилларининг саволларига берган жавоблари ва кўпгина нутқлари фикримизнинг далили бўла олади. У "Бундан кўзланган асосий мақсад - юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу-корга мансуб бўлган кенг оммани огоҳликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидиларни моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, милий ғоя, миллый мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир" деб таъкидлайди. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" курсининг ҳам асосий мақсади кишиларни давлат мустақиллигининг моҳиятини англаб олишларида, шаклланаётган бозор иқтисодиёти муносабатларининг моҳиятини тушуниб

етища миллий-мафкуравий салоҳиятнинг ролини илмий ва амалий жиҳатдан асослашдан иборат.

1-Маъруза: Халқимизнинг мустақиллик учун кураши ва унинг босқичлари.

- 1.1. Мустақил давлат тузиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш - ҳар бир халқнинг муқаддас орзуси, қонуний ҳукуки.
- 1.2. туркистонда миллий мустақиллик ғоясининг шаклланиши, халқимизнинг чоризм мустамлака сиёсатига қарши кураши ва унинг босқичлари.
- 1.3. Собиқ иттифоқ йилларида мустақиллик учун олиб борилган кураш шакллари.

1.1.Мустақил давлат тузиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш - ҳар бир халқнинг муқаддас орзуси, қонуний ҳукуқи.

Ўзбек халқи, республикамизнинг барча меҳнаткашлари Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллик муборак тўйини зўр тантана билан муносаб нишонладилар. Баъзи "каромадгуйлар" Ўзбекистонда мустақилликка гүё бир тарихий тасодиф оқибатида осонгина, хеч кандай курашсиз ва кон тукилмасдан эришилди, деб давво киладилар. Бу - тарихий ҳакикатни инкор килиш, соҳталаштириш демақдир. Мустақилликка биз тасодифий равишда ёки булмаса осонликча эришганимиз йук. Унга халкимиз куп йидлар давом этган жиддий ва машакатли кураш эвазига эришди.

Маълумки, кадимги Туркистоннинг мислсиз табиий ресурслари, моддий ва маънавий бойликлари бир неча юз ва минг йиллар оша ажнабий мамлакатларнинг диккат-эътиборини узига тортиб, боскинчилик иштахаларини ошириб келган. Милоддан аввалги 104-101 йилларда Хитой истилосини ёки V асрда Эфталитлар боскинини, Эрон шохларининг, Юонон-Македон императорларининг, араблар ва татар-мугулларнинг истилочилик харакатларини ёдга олиш бунинг учун кифоядир.

Шу туфайли Туркистон энг кадимий даврлардан бошлаб душманларга қарши курашда буюк жасорат майдони булиб келди. Кайхусрав бошчилигидаги Эрон боскинчиларига Томарис томонидан курсатилган мардлик, эркесвар, ватанпарвар Широкнинг Доро күшинларини ақл-идрок билан енгганлигини тарих хеч качон унутмайди. Юртимизга килинган - ҳарбий тажовузга халкимиз узининг муносаб жавобини берган. Халкимизнинг асл фарзандлари, Спитаменning Александр Македонскийга қарши, арабларга қарши Муқанна бошчилигидаги кузғолон, Чингизхон бошчилигидаги татар-муғул галаларига қарши Жалолиддин Мангуберди, Темур Малиқ, Махмуд Торобий, халкимиз асл фарзандларининг Ватанимиз, халкимиз озодлиги ва мустақиллиги учун кураши йулидаги тарихий хизматлари бунинг ёркин мисолидир.

Демак, биз ўз тарихимизни чукур билишимиз, утмиш авлод-аждодларимизнинг эркин ва озод хаёт учун, порлок истиклол учун боскинчи ажнабий золимларга қарши олиб борган курашларини кенг тасаввур этишимиз Жалолиддин Мангуберди сингари довюрак, матонатли ҳалқ йулбошлилари ва қаҳрамонлари ёркин сиймоларини калбимизга жо этишимиз, она диёrimиз тарихининг мана шу оловли лахзалари тугрисида бир овоз билан баралла куйламогимиз хам фарз, хам карздир.

1.2. Туркистонда миллий мустакиллик ғоясининг шаклланиши, халқимизнинг чоризм мустамлака сиёсатига қарши кураши ва унинг босқичлари.

Миллий мустакиллик учун олиб борилган хаёт-мамот жанглари чор Россияси Туркистонни босиб олгандан кейин хам давом этди. Дур-жавохирлар улкаси булган Туркистонга булган кизикиш Рус давлатида Петр Биринчи давридаёк бошланган. Князь Александр Бекевич-Черкасский бошчилигигида 1714 йилда ва 1715 йилда капитан Иван Бухгалтис бошчилигигида Хивага килинган иккита юриш маглубиятга учраган. Чор хукуматининг Туркистонга карши кенг микёсдаги юришлари 1852-1876 йилларни уз ичига олади. 1864 йилда Туркистон, Чимкент, Авлиё Ота, 1865 йилда Тошкент босиб олинди 1867 йилда Еттисув вилояти ташкил этилди. 1868 йилда Самарканд, 1876 йилда Фаргона вилояти Россия тасарруфига утди. 1867 йилда Куқон ва Бухородан тортиб олинган ерлар хисобига Туркистон генерал-губернаторлиги тузилди. Туркистон шу тарика чор Россиясининг том маънодаги мустамлакасига айланди. Махаллий халқ учун мустакиллик утмишга айланда бошлади.

Чор истилочилари Туркистон ерларини эгаллаш учун хар кандай вахшийлик ва котилликдан тап тортмаган. 1881 йил 12 январида генерал Скобелев буйруги билан Куктепада 22,5 мингдан зиёд бегуноҳ туркман, козок, узбек, киргизларни чопиб ташланиши ёки 30 майдан 1 июнга утар кечаси Самарканд укка тутилиб ва батамом ёкиб юборилиши бунинг исботидир. Чор амалдорлари Туркистон табиий ва иктисадий бойликларини талаш билан чекланмай, моддий ва маънавий маданият бойликларини хам Россияга мажбуран олиб кета бошладилар.

Туркистонда мустамлакачилик зулми, иктисадий, синфий-сиёсий, миллий тахкирлашлар, чор амалдорлари ва махаллий хукмдорлар томонидан килинган адолатсизлик ерли ахолини қаҳр-газабини ошириб юборди.

Конида эркка, мустакилликка булган интилиш туркистонликларни мустамлакачилик зулмига карши курашга чорлади. 1856 йилда Сирдарёда Хонхужа Нурмухаммад, 1871 йилда Эшмухаммад Эшон бошчилигигида, 1878 йилда Андижонда Етимхон, 1882 йилда Дарвишон, 1893 йилда Куқонда Шокирхон, 1893 йилда Андижонда Дукчи Эшон раҳбарлигидаги кузголонлар, 1916 йилда Жиззах кузголони ва шу каби юзлаб мисолларни келтириш мумкин.

Ушбу халқ харакатлари эрк, озодлик ва миллий мустакиллик учун курашда халқ оммаси янада жипсрок ва мустаҳкамрек булишни, бир ёқадан бош чикариб дадил харакат килиши зарур ва лозимлигини очик-ойдин курсатди.

1.3. Собиқ иттифоқ йилларида мустақиллик учун олиб борилган кураш шакллари.

1917 йил Октябрь инкилобидан Туркистон халклари катта умидлар кутган эдилар. Халклар Шуро хокимияти меҳнаткашларга чинакам баҳт-саодат ато этади, турмушни фаровон килади, эксплуатация, синфий ва миллий зулмни, мустамлакачиликни абадий тугатади, миллатларнинг уз такдирини узи хал

этишини таъминлайди, инсон хукуклари ва эркинликларини амалга оширади, деб астойдил ишонганди. Шуро хокимиятига ишонган Туркистоннинг асл фарзандлари, миллат пешволари озодликка чиқдик, деб ишониб улкамизда мустакил давлат тузиш, миллий халк вакилларидан иборат хокимият тузилмалари барпо этиш харакатида булдилар.

Туркистоннинг миллий раҳбарлари 1917 йилда Кукон шахрида мусулмонларнинг ЙУ курилтойида Туркистон Мухтор Жумхуриятини эълон этишиди ва хукумат тузишди. Туркистондек бой-бадавлат улкани кулдан чикаришни сира истамаган янги киёфадаги мустамлакачилар Кукон мухториятини йукотишга киришдилар. Конга ботирилган муҳториёт халкнинг миллий мустақиллик учун олиб бораётган курашининг янгитдан бошланиши ва авж олиб кетишига мукаррар равишда кенг йул очди. Тарихга "босмачилик" харакати деб киритилган миллий озодлик харакати 16 йил давом этди.

Собик Иттифокнинг дастлабки кезларидан бошлаб мустакилликка эришгунимизга кадар узбек халкининг - миллатпарвар зиёлилари, атокли давлат арбоблари, етук миллий кадрларимиз катагонлик йиллари курбонлари булган булсаларда узларини мардонавор тутишлари, халк, миллат манфаатларининг содик химоячилари булиб колдилар. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, - "бизнинг халкимиз ана ўндан оғир кунларни бошидан кечирди. Уруш жароҳатларидан кам булмаган кора кунларнинг гувоҳи булди. Бирок бу кунлар хам бизга тарихдан, кечаги кунимиздан сабок булиб колиши керак. Биз оку-корани танидик, одамларни одамлардан ажратишга муюссар булдик".

+исқача хулосалар:

Хулоса килиб айтганда, авлод-аждодларимиз томонидан олиб борилган курашлар булмаганда биз хеч качон озодликка эришаолмасдик, мустакил булаолмасдик. Халкимиэнинг асл фарзандлари яратиб кетган тагзамин булмаса, мустақиллик касрининг тамал тоши куйилмаганда орзуларимиз рӯёбга чикмасди. "Мустақиллик пойdevорига халкимизнинг бошига тушган оғир кунларда катагонларга учраб, гунохсиз курбон булган минглаб забардаст, унтилмас фарзандлари тамал тошларини куйган".

Таянч иборалар:

Миллий мустақиллик, ғояси, кураш босқичлари, кураш шакллари, жадидичилик, сиёсий қатағонлик.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистон кейинги 130 йил давомида мустамлака , қарам мамлакат эди, халқ асоратда яшарди, деб куйиниб айтамиз, +арамликдегани нима ўзи?
2. Мустақилликка халқимиз куп йиллик жиддий ва машакқатли кураш эвазига эришди. Ўзбекистон бир тарихий тасодиф оқибатида осонгина мустақилликни қўлга киритди деган фикрлар бор . Буларни қайси бири

тўғри , асосли?

3. Жадидчилик реакцион, миллатчилик ҳаркатдир, деган концепция мустаҳкам ўрин олган эди , Бу қандай концепция, моҳияти нима?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли»-Т.: "Ўзбекистон",1992.
2. Каримов И.А. «Миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура». Т.: "Ўзбекистон", 1996
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари».- Т.: "Ўзбекистон", 1997.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» - Т.: "Ўзбекистон",1999.
5. Жалолиддин Мангуберди ўзбек халқининг миллий қаҳрамони. "Халқ сўзи".
- 6.Ж.Туленов, З.Гафуров. Мустакиллик ва миллий тикланиш. Т.: "Ўзбекистон", 9-30 бетлар.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Том IX, 2001.
8. Каримов И.А. Ватанимз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга халқимизни ҳамжиҳатлигига ва букилмас иродасига боғлиқ. XIV сессия, 29 апрель, 2004.
9. www.google.ru
- 10 [www.rambler .ru](http://www.rambler.ru)

2-Маъруза: Ўзбекистон - суверен демократик республика, унинг маъмурий-териториал тузилиши ва бой имкониятлари.

- 2.1. Ўзбекистон - суверен давлат, демократик Республика.
- 2.2. Республика нинг територияси ва чегараси, унинг маъмурий бўлиниши.
- 2.3. Ўзбекистон бой имкониятларга эга бўлган мамлакат.
- 2.4. Ўзбекистон давлатчилигининг хуқуқий асоси - Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг рамзлари: байроғи, герби, гимни.

2.1. Ўзбекистон - суверен давлат, демократик Республика.

Маълумки, XX асрнинг сўнгти ўн йиллиги жаҳон тарихига туб ўзгаришлар даври, улкан ва унитилмас воқеаларга бой давр сифатида кирди. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. XX асрнинг энг асосий, ўзига хос белгиларидан бири - ер юзининг турли минтақалардаги миллий - озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб, ўзга давлатларга тобе бўлиб келинган мамлакатлар бирин-кетин эркинликка эриша бошлаганлигидир. Бу даврнинг иккинчи ўзига хос белгиси-социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумнинг тугатилиши, собиқ совет жамияти ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидан иборатdir.

Президентимиз айтганларидек "...аср ардоғига келиб тарих тақозоси билан оламдаги йирик ва сунги империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Ҳар қанча олижаноб шоирлар билан безаб бўясада, моҳият эътиборига кўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттифоқи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди".

Бутун жаҳонни титратиб, ларзага солиб турган, жаҳондорлик дағдағаси билан яшаган Шўро давлати 74 йилдан кейин парчаланиб, қум устига қурилган бинодек тарих қарига абадул-абад кетди. Дунёning олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан халос бўлдилар ва ўзларининг миллий давлатларини барпо этишга киришдилар. Бошқа жумҳуриятлар каби Ўзбекистон ҳам ўзининг мустақиллигига эришди. Озодлик, мустақиллик ўзбек халқининг азалий орзу армони эди, у ниятига етди.

"Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" ги +онунда ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёнотида" ва бошқа расмий ҳужжатларда айтилишича, Ўзбекистон халқи эндилиқда тамомила суверендир. У ўз заминининг, ўзининг озод ва мустақил Ватанининг, давлат ҳокимиятининг бирдан - бир тўла тўла хуқуқли соҳибидир. Ўзбекистон халқи ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

Биз мустақиллик, суверенитет, эркинлик тушунчалари ҳақида сўз юритмоқдамиз, шуни айтиб ўтишимиз жоизки, улар бир хилдаги тушунчалар сифатада талқин этилади. ВА, давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини юргизишда, давлат қурилишини, ҳокимият ва бошқарув тизимларини белгилашда ҳеч кимга тобе бўлмаган олий хуқуққа эга эканлигини, худуднинг

дахлсизлигини ва унда жойлашган барча ишлаб чиқариш, фан-техника ва табиий бойликлар, маданий қадриятлардан ва тасарруф этиш ҳеч қандай чекланмаган эгалик хуқуқини билдиради. Шундай бўлса ҳам, ҳалқаро ва давлат ичкарисидаги сиёсий тажрибалар бу тушунчалардаги бир қадар изчил босқичма-босқичликни ва уларнинг муайян сиёсий-иктисодий белгилар ва аломатлар билан шартли боғланишни кўрсаташга асос беради.

Мустақилликни эълон қилиш бир зумлик врќеа холос, аммо унинг амалда ташкил топиши, мустаҳкамланиши ва ривожланиши кўпқиррали ва босқичма-босқич жарён бўлиб, унинг амалга ошиши билан жуда катта ижтиомий, сиёсий, иктисодий, хуқуқий аҳамиятга эга бўлган муҳим масалалар ҳал этилади.

Мақсадимиз "демократик, адолатли, фуқоролик жамиятини қуриш. Бу бизнинг эгзгу орзуимиз, стратегиямиз". Конституциямизда демократик жамият қуришнинг дунёда эътироф этилган бир қатор тамойиллари, ўз миллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўз аксини топган. Унга инсоннинг ўз ҳоҳиш иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқороларнинг teng ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият ишларида қонун устиворлиги, давлатнинг асосий органларининг сайланиши ва бошқалар биз қурмоқчи бўлган демократик давлатнинг асосий белгиларидир.

2.2. Республика нинг територияси ва чегараси, унинг маъмурий бўлиниши.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг (Марказий Осиёнинг) марказий қисмидаги Амударё ва Сирдарё оралиғидада жойлашган. Унинг ҳудудининг каттагина қисми шимолий-гарбда Турон паст текислигини; жанубий-гарбда (Амударёнинг ўнг соҳилида) қизил қум чўлларининг бир қисмини эгаллайди, майдони 447.4 минг квадрат километр, аҳолиси 24 млн киши.

Республика чегараларининг умумий узунлиги 5300 кмдан ортиқ бўлиб, унинг кўп қисми текисликлардан ўтади. Шарқий чегарамизда тоғ водийлари, дарралар, ҳамда қор ва қисман музликлар билан қопланган баланд тоғлар бор. +озогистон Республикаси билан бўлган чегара бутун чегарамизнинг деярли ярмига teng. Ўзбекистоннинг Турманистон билн чегараси деярли Амударё орорқалиётади. Бу республикалар Амудаёда кема қатновининг яхшиланиши ва ирригация иншоотларининг барпо этилишидан манфаатдордирлар. Жанубда Ўзбекистоннинг Афғонистон билан бўлган қисқа масофали чегараси ҳам Амударё орқали ўтади.

Республика таркибида ўн икки маъмурий вилоят (Тошкент, Сирдарё, Самрқанд, Навоий, +ашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм) ва +орақалпоғистон Республикаси мавжуд. Жумхурият таркибида 157 қишлоқ райони,

123 шаҳар, 104 шаҳар типидаги посёлка мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси - кўп миллатли давлат бўлиб, бу ерда 129 миллат ва элатлар истиқомат қиласи. Шу жумладан ўзбеклар (71.4%), руслар(8.3%), тожиклар(4.7%), қозоқлар(4.1), татарлар(2.4%), корақолпоклар(2.1%), қирғиз, корейс, туркман, украин ва бошқа миллатларнинг

вакиллари яшайдилар. Шаҳар аҳолиси 10 млн.га яқин, қишлоқ аҳолиси 14 миллион кишини ташкил қиласди. (40% ва 60%).

Бугунги қунда ҳалқаро ҳамжамиятининг тўла хуқуқли аъзоси бўлган ёш мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси бутун куч-ғайратини мустақил, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқишига мужассамлаштирум оқда. Бу сиёсат ҳаётни янгилашга, ҳалқ хўжалигини ривожлантиришга, ҳалқ фаровонлигини оширишга ҳамда жаҳон иқтисодиёти интеграциясига тезроқ қўшилишига қаратилгандир.

2.3. Ўзбекистон бой имкониятларга эга бўлган мамлакат.

Ўзбекистон жуда катта табиий ва иқтисодий потенциалга эга бўлган мамлакат. Ноёб табиий хом ашё имкониятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Ўзбекистон заминида мавжуд бўлган бойликларга эга давлатлар жаҳон харитасида кўп эмас.

Ўзбекистонда Менделеев даврий системасининг деярли барчпа элементларитопилган. Ҳозирга қадар 2.7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конларива маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хом ашё турлариини ўз ичига олган. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900дан ортиқ кон қидириб топилгпи бўлиб, уларнинг тасдиқланган заҳиралари 970 миллиард А+Ш долларини ташкил этади, шу билан бирга умумий минерал ашё потенциали 3.3 триллион А+Ш долларидан ортиқроқ баҳоланганди.

/оят стратегик манбалар - нефть ва газ конденцати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металлар бўйича - 40, кончилик-кимё хом ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган.

Ҳар йили республика конларида тахминан 5.5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6-7 миллиард долларлик янги заҳиралар қўшилмоқда.

Олтин заҳиралари бўйича республика дунёда 4 ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7 - ўринда, мис заҳиралари бўйича 10-11 ўринда, уран заҳираси бўйича 7-8- ўринда туради. Ҳозир қидириб топилган заҳиралар негизида 400 га яқин кон, шахта, карьер, нефть-газ конлари ишлаб туирбди.

Республика Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ичидаги қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқлилиги билан бир қаторда кенг тармоқли саноати билан ажralиб туради. Саноатда ҳозирги замоннинг бир қатор энг муҳим тармоқлари ривожланиб бормокда. Ўзбекистоннинг иқтисодий потенциалида оғир саноатнинг ҳиссаси салмоқли ўрин тутади. Унинг ярмидан зиёди тарспорт, автомобильсозлик, элетр техника, тўқиачилик ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги, киё ва тоғ-кон саноати тармоқлари ташкил этади.

Ўзбекистондаги умумий узунлиги 4000 километрдан зиёд бўлган темир йўллар амалда республиканинг барча иқтисодий марказларини бир-бири билан боғлайди. Республикадаги устки қаттиқ қопламали автомобиль йўлларининг узунлиги 40 минг километрдан зиёддир. Республика ҳамдўстлик мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг кўпгина пойтахтлари билан автомобиль йўллари орқали боғланган.

Илмий тадқиқот ишлари кенг миқиёсда ривожланиб бормоқда. 1943 йилдан бери республика фанлар Академияси ишлаб турибди. Мустақиллик йилларида янги академиялар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Банк молия Академияси ташкил этилди 1992 йилдан Ўзбекистон Республикасининг +ишлоқ хўжалиги фанлар Академияси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хуллас, Республиканинг илмий-тадқиқод мажмуи академия, олий ўкув юртлари ва тармоқ йўналишидаги 362 муассасани, шу жумладан, 101 илмий тадқиқот институти, олий ўкув юртларидағи 55 илмий-тадқиқод бўлимлрни, 65 лойиха-конструкторлик ташкилотини, 32 илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхоналарини, 30 ахборот ҳисоблаш маказини ўз ичига олади. Ўшбу илмий даргоҳларда 100 мингдан зиёд илмий ходимлар меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон олимлари физика, механика, электроника, математика, кибернетиканинг фундаментал муаммолари соҳасида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Улар қишлоқ хўжалик фанлари соҳасида биофизика, биохимия, микробиология, атроф мухитни муҳофаза қилиш ва фаннинг бошқа турли йўналишларида салмоқли натижалрга эришдаилар.

Республиканинг энг муҳим бойлиги унинг одамлариdir. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, умамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан илгарилаб боришини таъминлабберади. Ўзбекистоннинг муҳим хусусити шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. 1990 -1996 йилларнинг ўзида мамлакат аҳолисининг сони 13.3 фоиз қўпайди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1996 йилда 2.0 фоизни ташкил этди ёки аҳоли бир йилда 450 минг кишига қўпайди. Ҳозир республикада 24 миллирн аҳоли яшамоқда.

Ҳозир республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат заҳиралар бугун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210-220 минг кишига қўпайиб бормоқда. Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти - унинг ёш ва касб таркибидадир. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга teng. Бу XXI аср бўсағасида меҳнат заҳираларлари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажralиб турадиган одамлар кўпчиликни ташкил этишига имкон беради.

2.4. Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий асоси - Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг рамзлари: байроғи, герби, гимни.

Ҳар қандай давлатнинг юзи, оърў-эътиибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусдир. Шу маънода асосий қомусимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва иаданияти акс эттиради.

Ҳаммамизга маълум Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 12 чақириқ Ўзбекистон Республиаси Олий Кенгашининг 11 сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олти бўлимдан ва 26 бобдан иборат бўлиб, уларда давлат суверенитети, фуқоролиридининг асосий ҳуқуқлари,

эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс манфаатлари, муносабатлари, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши, давлатлар ҳокимиятини ташкил этиш билан боғлиқ қонуний-хуқуқий нормалар тўлиқ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясиниг асосий принциплари

- Давлат суверенитети.
- Халқ ҳокимиятчилиги.
- Фуқоро эркинликлари ва ҳуқуқларининг даҳлсизлиги ва устиворлиги.
- Демократизм.
- Давлат ва шахснинг ўзаро маъсуллиги.
- Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши.
- Махаллий ўз-ўзини бошқариш.
- Суд (идоралари) тузилиши ва судлов.
- Халқаро муносабатларда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алаоқаларнинг фаоллиги.

ДАВЛАТ БАЙРО/И.

"Ўзбекистон Республикасиниг Давлат байроғи тўғрисида" қонун 1991 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккинчи сессиясида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рамзи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроқларига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республика табиатига хос хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаворанг- зангори осмон ва мусаффо сув рамзидир. Мовий-ложувард-ҳаворанг Шарқда азалдан қадрланади, вақтида буюк Амир Темур ҳам ўз байроғига бу рангни танлаган.

Оқ - ранг тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат ўз йўлида баланд давонлардан ошиб ўтиши керак. Байроғимиздаги оқ ранг йўлимизнинг мусаффо ва ҷароғон бўлиши учун яхши ният рамзидир.

+изил йўллар - бу ҳар бир тирик жоннинг кон томирида уриб турган ҳаётий куч, ҳаёт рамзидир.

Яшил ранг - сернеъмат ва оромбахш табиат тимсоли. Ҳозирги вақтда бутун дунёда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатлари кенг ёйилмоқда: уларнинг рамзи ҳам яшил рангdir.

Яримой - Ўзбекистон халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. яримой ва юлдузлар - мусаффо осмоннинг ва тинчликнинг рамзлариidir.

Байроғимизда 12 юлдуз тасвири бор. 12 рақами қадимдан буён мукаммаллик тимсоли ҳисобланади.

Давлат байроғи - бизнинг ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва келажагимиз рамзидир.

ДАВЛАТ ГЕРБИ.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида" қонун 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 13 сессиясида қабул қилинди.

Гербнинг марказида тасвирланган - қанотларини кенг ёзиб турган ХУМО қуши - бахт-саодат ва эркесварлик рамзидир. Буюк бобокалонимиз А.Навоий Хумо қушини барча тирик мавжудотлар ичида энг саҳоватлиси деб таърифланган.

Гербнинг юқори қисмида республикамизнинг сабит ва барқарорлигининг амзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Унинг ичида яримой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган.

+уёш тасвири - давлатимизнинг йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган яхши ният тимсоли. Айни пайтда у Республикаимизнинг ноёб табиий иқлим шароитини кўрсатиб туради.

Бошоқлар - ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилган пахта чаноқлари- серқуёш юртимизнинг донгини бутун дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзидар. Буғдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганлиги - бу республикада яшайдиган халқлар яқдиллигининг тимсолидир.

Герб рангли тасвирда бўлиб, Хумо қуши кумуш рангда; қуёш, бошоқлар пахта чаноғи ва "Ўзбекистон" деган ёзув тилла рангда; ғўза шохлари ва барглари, водийлар яшилрангда; тоғлар ҳаворангда; чаноқдаги пахта, дарёлар, яrimoё ва юлдуз оқ рангда; Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил ранда берилган.

ДАВЛАТ МАДХИЯСИ.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси тўғрисида" қонун 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11 сессиясида қабул қилинган.

Шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мутал Бурхонов томонидан таклиф этилган вариант тасдиқланди.

Давлат мадхияси, давлат мустақиллигининг тимсадли бўлиб, у Ўзбекистон фуқоросида ватанпарварлик туйгусини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси жамоатчилик олдида ижро этилганида иштирокчилар уни тик туриб, эркаклар бош кийимларини олиб ёки унга қўлини "чест" қилиб туриб эшитадилар.

+исқача хулосалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг халқи эндилиқда тамомила суверендор. Уўз замининг, ўзининг озод ва мустақил Ватаннинг, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир тўла ҳуқуқий соҳибидир.
2. Ўзбекистон географик ва табиий шароити қулай, зарур бўлган табиий бойликлар, ҳосилдор ерлар, меҳнат ресурслари, қудратли иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий имкониятлар билан таъминланган келажаги буюк давлатdir.

3. Ватанимиз рамзлари Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассмлаштирилган. Уларни эъзозлаш-қадр қимматини, мамлакатга ва шахсга бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.

Таянч иборалар:

Давлат мустақиллиги, референдум, муқобиллик, маъмурий-худудий тузилиш, суверен, рамзлар, табиий ресурслар, илмий-техникавий, маънавий салоҳият.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистон қандай тарихий вазиятда давлат мустақиллигини қўлга киритди? Мустақилликни тинч, парламент йўли билан қўлга киритишнинг афзаллиги нимада?
2. Мустақилик деганда нималарни тушунамиз? Унинг маъсулияти қандай? Суверен деган сўз қандай маънони англатади?
3. Ўзбекистон Республикасининг худуди, чегаралари, маъмурий худудий тузилиши қандай?
4. "Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат" деганда унинг бой табиий ва иқтисодий потенциали назарда тутилганми?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Ркспубликасининг Конституцияси -Т.: "Ўзбекистон", 1992
2. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т"Ўзбекистон", 1992
3. Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" -Т.: "Ўзбекистон". 1992
4. Каримов И.А "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ватараққиёт кафолотлари". -Т.: "Ўзбекистон" 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекстонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари «Ўзбекистон овози» 31 август, 2002.
6. Каримов И.А. «Адолат қонун устуворилигига» Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис VI сессия маъruzаси.
7. М.Шарифхўжаев «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сенати», 2005.
8. www.google.ru
9. [www.rambler .ru](http://www.rambler.ru)

3-Маъруза: Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуриш йўлида.

- 3.1. Ҳуқукий давлат тушунчаси, унинг асосий белгилари ва хусусиятлари.
- 3.2. Давлат хокимиятининг конун чикрувчи, ижро этувчи, суд хокимиятларига ажратилиши.
- 3.3. Давлат жамият иктисадий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларини ислоҳ қилишнинг асоси.

3.1. Ҳуқукий давлат тушунчаси, унинг асосий белгилари ва хусусиятлари.

Давлат мустакиллигини қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси инсонпарвар демократик тузумга утиш йулини узи учун макбул деб билди. Бу фукаролик жамияти ва ҳукукий давлатни қуриш ва мустахкамлаш йулидир.

Ҳукукий давлат шаклан давлатнинг утмишдаги тарихий типларига ухшасада, узининг мазмуни, туб моҳияти, кенг ҳалқ оммаси максад ва манфаатларини узида чукур акс эттириши, ижтимоий базисининг кенг ва турли-туманлиги, кандай ижтимоий кучга таяниши, фукаролар олдидаги бурчи ва масъулиятининг нихоятда катталиги ва бошқа фазилат хамда хусусиятларига кура ҳукукий булмаган давлатдан кескин фарқ килади.

Жамият ва давлатни бошқариш учун конун керак. Конунчиликнинг юраги эса Конституциядир. Ўзбекистондаги ҳукукий давлатда биринчи уринга ҳукукни, иккинчи уринга давлатнинг куйилиши бежиз эмас. Ҳукукий давлатнинг асосий тамойили - ҳукукнинг олий ҳукмронлигидир. Ҳукукий давлатда конун давлат, унинг барча органлари, шахслари учун мажбурийдир. Конуннинг устиворлиги - ҳукукий давлатнинг принципидир. У хаётнинг барча жабхаларида конуннинг катъян ҳукмронлигини назарда тутади. Конун барчага баробар. Конуннинг устиворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иктисадий муносабатлар конун билан тартибга солинади, унинг барча катнашчилари эса ҳукук нормаларни бузганлиги учун жавобгар булади.

Ҳукукий давлатда конуннинг устиворлиги шуни билдирадики, Конун Ўзбекистон Республикасидаги барча фукароларга хам, сиёсий партиялар, табакалар, ижтимоий гурухларга хам, юртимизда истекомат килаетган жамики ҳалқ, элат, миллат вакилларига хам тула тааллуклидир.

Ҳукукий давлатда инсон олий кадрият хисобланади, унинг ҳукуклари конун изми билан муҳофаза килинади.

Ҳукукий давлат фукаролар тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза этади. Тартиб ва интизомга амал килиш, миллий аньаналарга, миллат тилига, дин, тарих ва кадриятларга узаро хурматда булиш, ҳукукий давлат фукароларининг мухим бурчи ва масъулиядидир.

Хулоса килиб айтганда, ҳукукий давлат - конун асосида қуриладиган, конун асосида нафас оладиган, конун белгилаб берган чизикдан хар кандай холатда хам чикмайдиган давлатдир. Ҳукукий давлатнинг энг олий сўзи, обру-эътибори хам, калби, жон-тани ва тириклиги хам - конундадир. Ҳукукий давлатни бошқача хам изохлаб, таърифлаб булмайди.

3.2. Давлат ҳокитиятининг конун чикарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларига ажратилиши.

Ўзбекистон узининг асосий конунида давлат тузилиши принципларини ривожлантиришнинг негизларини ва стратегик йуналишларини мустахкамлаб куйган суверен давлатдир.

Конституцияга мувофик, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлако фарқ киладиган, ҳокимиятларнинг, яни конун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг тузилиши принципларига асосланган тизими яратилди. Уларнинг хар бири фаолиятида хукукий асос-да автотаризм ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этувчи чинакам демократик меъёрлар ва йул-йурисклар карор топтирилди.

Ташкил топган ижро этувчи ҳокимият органлари тизими олдингиларидан тубдан фарқ килади. Улар режалаш-таксимлаш вазифаларидан холи булган иктисадий сиёсатни мувофиклаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Куплаб вазирликлар урнига давлат муносабатларига мос булган хужалик бирлашмалари, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялари ташкил этилди.

Конституцияга мувофик, янги сайлов тизими асосида Ўзбекистон тарихида биринчи марта Республика парламенти - Олий вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органларига куппартиявилик асосида сайлоб, конун чикарувчи Олий Мажлис вужудга келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бошкарувида жорий этилган Республика президенти институти янги Ўзбекистон ҳокимияти органлари тизимида марказий уринни эгаллайди. Бу эса жамиятда баркарорликнинг ва Ўзбекистон ислохотлар йулидан муваффакиятли олга боришини кўзлаган холда, янги узбек давлатчилиги биносининг асосий таянчидир.

3.3. Давлат жамият иктисадий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларини ислоҳ қилишнинг асоси.

Мустакиллик йилларида давлатнинг мохияти бутундай, тубдан узгарди. Давлат дастлабки боскичда жамиятни янгилашнинг энг фаол холда, ислохотларнинг ташаббускори ва йуналтирувчиси, ижтимоий хаётдаги янги, асосий амалга оширувчиси булиб колди.

Янги ўзбек давлатчилигини карор топтиришнинг биринчи боскичидаги вазифалар Ўзбекистоннинг халкаро майдонда обрусининг ортиши ва куплаб дустлик ва биродарлик ришталарини баглаш ва ривожлантиришда узифодасини топди.

Хозирги пайтда демократик сиёсий тизимнинг энг муҳим субъекти булмиш давлатчиликни ислоҳ қилишда янги вазифалар кундаланг турибди. Бу аввалибор, хозирги боскичда сиёсий институтларнинг ва нодавлат ижти-моий уюшмаларнинг хилма-хиллиги хамда уларнинг роли мустахкамланиши, шунингдек ахолининг сиёсий фаоллиги асосида жамият хаётини янада демократиялаш вазифалари муҳим ва долзарб бўлиб қолганлиги билан изоҳланади. Бу давлатчиликни ривожлантириш соҳасидаги стратегик вазифадир. Бу биз танлаб олган жамиятни демократик ривожлантириш

тамойилига асосланади.

+исқача хулосалар:

1. Ўзбекистонда қурилаётган давлат ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устиворлигига асосланган, инсонпарварлик қоидаларини тан олган демократик давлатdir.
2. Фуқоролар осоишталиги ва миллий тотувликни таъминлашни ўзи учун мақсад қилиб қўйган тинчлик севар давлатdir.
3. Ўзбек халқининг бой ижтимоий-маънавий меъросига, миллий, маданий-маънавий, ахлоқий, тарихий қадриятлари, миллий урф-одат, удум ва анъаналарга таяниб иш тутадиган инсонпарвар давлатdir.
4. Хозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак маъсулиятни чуқур англаб ва хис қилиб фаол ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган давлатdir. Хозирги пайтда Ўзбекистонда қарор топаётган давлат - бу демократик хуқуқий давлатdir.

Таянч иборалар:

Хуқуқий давлат, эркин, очик, демократик давлат, миллий давлатчилик, давлат хокимияти тизими, демократик жамият, хуқуқий асос.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Давлат сиёсий тизимининг энг асосий бўлаги эканлигини исботланг?
2. Сиёсий хокимият тушунчасини аниқланг. Ўйлаб кўринг, у нима учун ташкил қилинади?
3. Давлат қайси холларда ва кимларга нисбатан мажбур этиш қуролидан фойдаланади?
4. Ўзбекистон Республикасида қандай бошқарув шаклига асосланган тартибот (парламент ёки президентлик тартиботи) жорий этилган. Уларнинг қайси бири афзал хисобланади, фарқлаб беринг?
5. Хуқуқий давлат принципларини изохлаб беринг?
6. Сиз Олий Мажлис депутатлари қандай асосда сайланишини истар эдингиз. Синфиийлик асосидами, кўппартиявийлик асосидами ёки професионаллик асосидами? Ўз фикрингизни асосланг.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси мустакил давлатининг бунёд бўлиши. Т.: "Ўзбекистон", 1992. 3-16, 48а-48б, 51-52, 54-57, 59-67 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида. Т.: "Ўзбекистон", 1997. 137-156 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: "Ўзбекистон", 1998. 19-22 бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т.: "Ўзбекистон", 1999. 9, 31, 99-100 бетлар.
5. Н. Жураев. Агар орох сен. Т.: "Шарқ", 1998.

6. Б. Илюхин. Кабоҳат ёхуд... ("узбеклар иши" деган уйдирма хусусида) - Т.: "Ўзбекистон", 1993
7. Каримов И.А. «Адолат қонун устуворилигига» Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис VI сессия маъruzаси.
8. М.Шарифхўжаев «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сенати», 2005.
9. www.google.ru
10. [www.rambler .ru](http://www.rambler.ru)

4-Маъруза: Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларнинг вужудга келиши ва фаолияти. Кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши.

- 4.1. Ўзбекистон сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг омиллари сифатида.
- 4.2. Кўппартиявийлик жамиятни демократиялашни муҳим шартидир.
- 4.3. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришда жамоат бирлашмаларининг туган ўрни ва роли.

4.1. Ўзбекистон сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг омиллари сифатида.

Ўзбекитсонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари, ҳалқ характларининг вужудга келиши ижтимоий-сиёсий тараққиёт махсусидир.

Собиқ Иттифоқда 1985 йиллардан бошланган демократиялаш ва ошкоралик жамиятни тубдан янгилаш, унинг ҳамма соҳаларини ва қатламларининг сиёсалашувини жадаллаштириди, ҳаётда янгидан- янги ижтимоий- сиёсий характларни, бирлашма ва ташкилотларни юзага келишига йўл очди. Бу жараён Ўзбекистоннинг мустақиллик арафаси ва мустақиллик даврига ҳам хосдир.

1988-90 йилларда ижтимоий- сиёсий ташкилотларни интенсив равища сон жиҳатдан кўпайиб бориш жараёни пайдо бўлди. Жумладан «Бирлик» ҳалқ харакати, «Эрк» демократик партияси ва х.к. Аммо улар ўз фаолиятларида конструктив, сиёсий нуфуз ва ақл- идрок билан сиёсий маданият доирасида иш қурмадилар.

Сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар ва харакатларнинг фаолиятини таъминловчи ҳукуқий асоснинг яратилиши мамлакатда кўп партиявийлик тизимини шакллантириш ва давлатни демократик йўлдан барқарор ривожланиши имконият яратди. Тўла ҳукуқий асосида ташкил топган партиялар ўзларининг демократик мазмун ва тамойилидаги дастурлари билан чиқиб муҳолифатлар сифатида демократик жараёнларни ривожлантиришда, мамлакат ижтимоий- сиёсий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Сўзимиз охирида партия тушунчасига аниқлик киритиш мақсадида унинг моҳиятини очишга эътиборни қаратамиз. «Партия» лотинчадан олинган бўлиб «қисм» деган маънони англатади. Сиёсий партия бирон бир ижтимоий синфнинг қисми, аникроғи унинг энг фаол, онгли ва уюшган қисмидир. Маълум мафкурага, сиёсий йўналишга суюнган ҳолда ва аниқ социал синфиий манбаатлардан келиб чиқиб, партия ҳокимиятини қўлга олиш ва амалга ошириш мақсадида ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол қатнашишга интилади.

4.2. Кўппартиявийлик жамиятни демократиялашни муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикасида кенг ижтимоий гурухларнинг мифаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган бешта сиёсий партия ва битта ҳалқ харакати мавжуд. Булар: Ўзбекистон Ҳалқ Демократик партияси (ХДП); Ватан тараққиёти партияси «Адолат» социал Демократик партияси; Ўзбекистон

миллий тикланиш демократик партияси; Ўзбекистон «фидокорлар» миллий демократик партияси, «Бирлик» ҳалқ харакати.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси - ташкилий жиҳатдан тўла тўкис шаклланган, (1991 йил 1 ноябрь) ғоявий сиёсий томондан ўзининг аниқ йўли ва мафкурасига эга, жамиятда муносаб уринни эгаллаган нуфузли сиёсий куч-парламент хилидаги партиядир. 1999 йил 5 декабрь Олий Мажлисга, 2000 йил 9 январь Президент сайлови мазкур партия учун жиддий имтихон бўлади. Партия меҳнат ахли, ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий, баркамол бўлишига имконият яратиш, унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолотлаш, барча фуқаролар шаъни, қадр- қиммати, тинч ҳаётини ишончли химоя қилиш- мазкур партиянинг бош сиёсати, унинг кундалик фаолиятининг мухим вазифаси ҳамда олий дастурний мақсади.

«Ватан тараққиёти» партияси 1992 йил 24 майда ташкил топди. Партиянинг дастурини мазмуни ва партиянинг олий мақсади, сиёсий йўли Ватан тараққиётига хизмат қилишdir.

«Адолат» социал- демократик партияси 1995 йил февралида ўзининг қурилаётган чақириб, партия низоми ва дастурини қабул қилди. Партиянинг асосий мақсади мустақил Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган сиёсий, иқтисодий демократик тамойилларга асосланган янги ижтимоий муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини қуришdir.

Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси 1995 йилнинг 3 июнида ташкил топди. Партия миллий истиқлол ва миллий тикланиш қояларини ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Партия ўз харакатларининг асосий йўналишлари деб қуидагиларни билади; миллатларнинг маънавий бирлиги; Ватан (Туркистон) - ягона оила; кучли демократик давлат; миллий қадриятлар; илмий-техника тараққиёти ва умумжаҳоний интеграция; замон кишиси; миллий истиқлол.

Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси 1998 йил декабрида ташкил топди. Партия ўзининг дастурида мамлакатда долзарб муаммоларни ҳал этишда фидойилик вазифасини қўйган. Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ва ҳилқимизнинг маънавиятли маърифатли қилиб тарбиялашда ҳамда жамиятда ҳалоллик, поклик қадриятларини қарор топтиришда фидокорлик кўрсатишдек улкан вазифани ўз дастурига киритган.

«Бирлик» ҳалқ харакати 1995 йил 9 июнда ташкил топди. Харакат Республикадаги ижтимоий- сиёсий барқарорлик, ислоҳотларнинг қатъий ва изчили бўлишига кўмаклашиши, Ўзбекистон заминида яшаётган аҳолининг барча табакалари, барча миллат ва элатларнинг дўстлиги, ахиллигини ва фуқаролар тотувлигини таъминлашга ўз хиссаларини қўшиш, ҳалқни шунга даъват этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

4.3. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда жамоат бирлашмаларининг туган ўрни ва роли.

Кўп partiya viylikni mamlakatda, jamiyatda mavjud bўlgan ikki va undan ortik partiylar mажмуи tarzida oddiy tushuniш mumkin. Кўп partiya viylik ҳозирги ijtimoiy siёsий ҳаётning узвий қисмидir. Turli partiylar, ularning daстурлари, tadbirlar orқали ҳозирги замонning boy va sermazmun ҳаёти ўз ifodasini topadi, jaхондаги ilgor mamlakatlarда, жумладан Ўзбекистонда turli siёsий partiylar ning фаoliyati mamlakatdagi muайян қонун- қоидаларга суяниди. Shu қонун қоидалардан chekinish, jamiyat manfaatlariga zid, deb topiladi va siёsий partiya shu aсосда takiklanadi.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57 moddasida aйнан shu сўзлар ёзиб kўйилган.

Kўp partiya viylik жамият madaniyatning kўrsatkiчidir. Kўp partiya viylik madaniyati deganda biz siёsий partiya nima, uning қандай daстuri va xarakat usuli tўғri, siёsий partiya ga aъzo bўlish kishiغا қандай burch va xукуклар beradi, жамиyatga, uning raxbariga қандай munosabatda bўlish kerak kabi maъlumot bilimlar ni билиш va unga riоя қилиshni tushunamiz.

+isqacha xulosalar:

1. Ўзбекистонда siёsий partiylar va жамоат birлашmalari ning vujudga келиши ijtimoiy-siёsий taraққiётning obъettivi жараёни bўlib u жамият ijtimoiy-siёsий tizimi bilan boglik
2. Kўp partiya viylik жамиyatda soglomlikka, trlicha ёnda shuvga muқobillikka, soғlom raқobatga va samarali tanqidga olib keluvchi muҳim omildir.
3. Жамoat birlaшmalari respublika ҳaёtiда, жамият iшlariini boшkariш roli tobora ortib bormoқda . Ulар ўз vazifalari ni фаol bажariш bilan давлат siёsитani amalga oshiришga, жамиyatni янгilaш iшига tobora kuproq xисса kўшmoқdalar, ular uyoшgan mehnatkaшlar ning manfaatlarini ҳар tomonlama ifodalashga фаol қatnaшmoқdalar.

Tаянч иборалар:

Cиёсий partiya, kўp partiya viylik, kўp goяlik, muқobillik, xalқ xarakatilari, расмий va norasmiy tashkilotlar жамoat birlaшmalari.

Nazorat va muхокama учун саволлар:

1. Siёsий xilmal-xilllik nima? Siz uni қanday tushunasiz va қanday sharoitda шакllanadi ҳамda rivожланади?
2. Tushuntirib berинг, nima учун kўp partiya viylik xilmal-xilllikning ajralmas қismi xisoblidanadi?
3. Ўйlab kўring қaisi xolatlarda siёsий-partiya viylik xilmal-xilllik жамиyatda taribiszlikni kuchaiishiiga olib keladi? Misollar bilan isbotlashga xarakat қiling.

4. Сиз қандай ўйлайсиз, бизнинг ошкора ҳаётимизда ўз дастурларида куч ишлатмасдан ижтимой тузумни ўзгаришишга чақирувчи ташкилотлар, сиёсий партиялар учун йўл очиқми?
5. Ўзбекистонда келажакда янги сиёсий партиялар вужудга келиши мумкинми? Агар вужудга келса, сиз уни қандай далилларга асосланиб исбот қилган булар эдиниз?
6. Жамоат ташкилотларининг жамиятни янгилашдаги роли қандай? Улар тузумимиз учун қандайдир янгилик берадими?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: «Ўзбекистон», 1992, 15,19-21 бетлар.
2. «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида» ги қонун. - Т.: 1992.
3. Сиёсий партиялар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ҳалқ сўзи, 7 январь 1997
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида - Т.: «Ўзбекистон», 1997. 170-188 бетлар.
5. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларнинг чукурлаштиришнинг энг муҳим вазифалари - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда - Т.: «Ўзбекистон», 1999. 20-30 бетлар.
7. М.Шарифхўжаев «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сенати», 2005.
8. Каримов И.А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Том XII, 2005.
9. www.google.ru
10. www.rambler.ru

5- Маъруза: Ижтимоий- сиёсий барқарорлик, миллий тотувликнинг таъминланиши янги жамият кўришнинг муҳим омили.

- 5.1. Ўзбекистонда ижтимоий- сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминланиши мустақил тараққиётнинг асосий ютуғи эканлиги.
- 5.2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда ижтимоий ҳаёт тузилмаларини қарор топтириш асосий омил эканлиги.
- 5.3. Ўзбекистон ҳалқига муносиб ҳаёт барпо этишнинг тўрт шарти.

5.1. Ўзбекистонда ижтимоий- сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминланиши мустақил тараққиётнинг асосий ютуғи эканлиги.

Нима учун жамиятда ижтимоий-сиёсий брқарорлик муаммоси ўта долзарб муаммога айланди? Бунинг сабаларини ўтмишимиз тарихидан изланишимиз керак. 1985 йилларда бошланган демократия, ошкоралик, хилма хил расмий ва норасмий ташкилотлар ҳамда харакатларни юзага келтирди, кейинчалик улар ўзларини сиёсий партиялар деб эълон қилдилар. Бу партиялар ва ижтимоий харакатлар сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун курашни авжига миндириб, амалпарамастликдан иборат мақсад- мудаоларини биринчи ўринга қўйиб харакатларни бошладилар. Митингбозлик қилишди, шовқин сурон солишди. Айрим сиёсий ташкилотларнинг баъзи вакиллари жумхуриятимизда қилинаётган ишлардан тўла хабардор бўлмаган ёшларни нотўғри йўлга солишга харакат қилдилар. Улар вазият қанча оғир бўлса, бизга шунча яхши бўлади қалбida иш қўриб вазиятни кескинлаштироқчи бўлдилар. Бундай бебошлиқ, сохта демократик харакатларнинг олди олинди, бунда мамлакат раҳбариятининг, аввало И.А. Каримовнинг роли катта бўлди.

Ички омиллар билан бирга ташқи омиллар ҳам жуда тезлик билан ривожланмоқда эди, бу ўта хавфли омиллар ҳисобланади.

Мамлакатда ижтимоий- сиёсий барқарорликни сақлашнинг асоси ва энг муҳим омили бу кўп миллатли фуқаролар ўртасидаги бирликни, миллий тотувликни таъминлай олишда эди. Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидаёқ бу масалани ташкил топиши мустахкам қилиб қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 боб 8- моддасида «Ўзбекистон ҳалқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, дейилса, у боб 18- моддасида «Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга.... » дейилади. Бу 100 дан ортиқ миллатга эга бўлган Ўзбекистонда миллий тотувликни таъминлашга хизмат қиласди. Бугунги кунда Республикада фаолият кўрсатаётган 100 дан ортиқ миллий маданий марказлар дўстликни мустахкамлаш, ижтимоий- сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

5.2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда ижтимоий ҳаёт тузилмаларини қарор топтириш асосий омил эканлиги.

Хар қандай жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни қарор топтиришда иқтисодий ҳаёт тузилмаларининг базис ва усткурмасидан ўрин

олган асосий тизимларнинг бир бирига муносиб келиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий ҳаёт тузилмасидаги элементларнинг ўзаро мутаносиблиги жамиятни қайта қуришга бўлган уринишларда ёки жамиятни янги босқичига ўтиши шароитида бузилади. Бундай шароитда эски базис ва усткурма ўрнига янгисини вужудга келиши жараёни бошланади. Ана шундай шароитни эски ижтимоий тузилмани бутун элементлари билан йўқ қилиб ташлаш янгисини вужудга келтириш учун уриниш табиий равишда социал портлашга сабаб бўлиб қолади. Бундай шароитда субъектнинг роли сезиларли даражада ортади. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш реформатерларнинг иқтидорига, уларнинг ижтимоий онгига ва савиясига қўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолади.

Гап базис ва усткурмадаги тизимларнинг мутаносиблиги ҳақида борар экан, ижтимоий тузилмани ҳамма тизимларини умумий йўналиши бир нарсага, яъни инсонга, унинг манфаатларига ва давлат мустақиллигини сақлашга, энг яхши ва эзгу ниятларни амалга оширишни таъминлаб беришга, муҳим омил ҳисобланган ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаб боришга қаратилганлигидадир.

Республиканинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги давлатимиз жойлашган минтақадаги тинчлик осойишталикка ҳам қўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини кўрсатиб И.А. Каримов Марказий Осиё минтақасида барқарорликка таҳдид солувчи қандай хавф- хатарлар борлигини, бу хавф- хатарларнинг олди ўз вақтида олинмаса у газак олиб кетишини ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари», «Ўзбекистон XX асрга интилмоқда» асрларида илмий назарий ва амалий жиҳатдан очиб берган. Шунингдек уларда минтақада ижтимоий- сиёсий барқарорликни сақлаш шартларини жуда асосли қилиб кўрсатиб берган.

5.3. Ўзбекистон ҳалқига муносиб ҳаёт барпо этишнинг тўрт шарти.

Ўзбекистон ҳукуматининг олий мақсади мамлакат ичкарисида ва ташқарисида бўладиган хавфсизликка, барқарорликка таҳдид солувчи ҳар қандай омилларни бартараф этиб бориш, ҳалқларнинг ҳаёт даражасини доимий равишда кўтариб бориш, Ўзбекистон ҳалқига муносиб турмуш тарзини яратиб беришdir. Ўзбекистон ҳалқига муносиб ҳаёт барпо этишнинг Президентмиз кўрсатиб ўтгандек , тўртта шартини бажаришни таъминлашга устиворлик берилиши ва элатлар ўртасидаги тотувликни кўз қорачигидай асраш, бундан ҳар бир инсон манфаатдор эканлигини доимо эсдан чиқармаслик лозим иккинчидан, мулкка янгича муносабатда бўлиш, уни авайлаб асраш, кўпайтириб бориш, талон-тарожликка йўл қўймаслик, мулкнинг ҳамма формаларини тинимсиз ривожлантириб бориш, учинчидан, фуқаро, аввало фаоллар тафаккурини ўзгартириш зарур. Тафаккурни ўзгартириш ўзига хос мураккаб жараён, лекин эскича тафаккур юритиш тараққиётимизга катта туsicидir. Шунинг учун ҳам ҳамма соҳада бўлаётган катта ўзгаришларни хис қилиш, замон ва даврни ўзгариб бораётганлигини, инсонлар, давлатлар, миллатлар ўртасидаги объектив ўзгаришлар жараёни субъектни таъсирисиз ўз

қонуниятлари асосида давр, макон ва замон қонунига бўй сундирилганини тан олиш ва тафаккуримизда кескин ўзгариш ясашимиз зарур. Тўртингидан, бу жамиятимиз тафаккурида юрт озодлиги ғоясининг устиворлиги, миллатимизга, халқимизга берилган озодликни, мустақилликни Оллоҳ Таолонинг иноми деб тарифласак муболаға бўлмайди. Чунки бу ҳалқимиз учун берилган маънавий неъматдир. Инсон табиатан озод ва эркин яратилиб, ҳалқ ва миллат сифатида қарор топган экан, миллатнинг мустақиллиги ҳар қандай зўровонликдан, давлатлар зулмидан озод ящаши унга берилган неъматдир. Озодлик, мустақиллик туйғуси ҳар бир Ўзбекистон фуқороси учун муқаддас тўйғуга айланиши керак. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини тафаккурида мустақиллик ва озодлик тушунчалари қатъий ўрин олиши ва қарор топиши мустақиликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиши билан бирга мамлакатда соғлом муҳитни яратишда катта хизмат қиласди.

+исқача хulosалар:

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақланишида ва жамиятнинг бир текисда иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан ривожланиб боришида ҳақиқий демократик жараёнларни қарор топиши муҳимдир. Бунинг учун, Президентимиз Ислом Каримов илгари сураётганидек халқимизнинг маънавий баркамоллиги, саводхонлиги, интеллектуал юксалишига эришиш асосида ҳалкнинг иймон ва эътиқодини бақувват қилиш орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш мумкин.

Таянч сузлар.

Барқарорлик, миллий тотувлик, тарафкашлик, сиёсий бузғунчилик, сиёсий устқурма, тотувлик, тафаккур, юрт озодлиги тафаккури.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш қандай ёндашувлар асосида ҳал этилди?
 - а. босқичма-босқич муаммоларни ҳал этиш
 - б. муаммоларни инқилобий тарзда қисқа вақт ичда ҳал этиш.

Бу икки ёндашувни қайси бири афзал эканлигини тушунтириб беринг?
2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларига нималар киради?
3. Жамиятда иқтисодий-сиёсий барқарорликни қарор топишида ижтимоий ҳаёт базиси ва устқурманинг роли қандай?
4. Ўзбекистон ҳалқига муносиб ҳаёт барпо этишнинг тўрт шарти қайсилар?
Уларга қисқача изоҳ беринг.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда - Т.: «Ўзбекистон», 1999.
5. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар ортга қайтмайди. «Халқ сўзи», 2002.
6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, том IX, 2001.
7. www.google.ru

6-Маъруза: Ўзбекистон Республикасининг кадрлар сиёсати.

6.1. Кадрлар сиёсати жамият тараққиётининг мухим омили, бебаҳо бойлиги эканлиги.

6.2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг олдига қўйган асосий мақсади.

6.1. Кадрлар сиёсати жамият тараққиётининг мухим омили, бебаҳо бойлиги эканлиги.

Жамият ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг энг долзарби бу кадрлар масаласидир. Чунки жамиятни идора этишнинг янги муносабатлари механизми ва усуслари тамомила бошқача тус олган ҳолда ўзига хос мураккаблашиб боради. Ана шундай шароитда кадрлар сиёсати яна ҳам мухим ахамият касб этиб, жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланади. Бу долзарб муаммони ҳар жиҳатдан пухта ва мукаммал ҳолда оқилона ҳал этиш ҳар қандай давлатнинг, у қайси ижтимоий- сиёсий тизимда бўлишидан қатъий назар, энг зарурий ва маъсулиятли вазифаларидан бирига айланиши объектив қонуниятдир. Чунки ҳаёт оқимини, жамият иқтисодий- сиёсий ривожланишидаги йўлини белгилаб олиш ва амалий ҳаётда тўғри йўналтириш ҳар томонлама билимдонликни, катта ҳаётий тарзини тақозо этади. Шунинг учун ҳам юксак ақлий камолотга эришган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, танлаш улардан тўғри ўз ўрнида билиб фойдаланиш ҳар қандай давлатнинг ютугини таъминловчи, ривожига ривож қўшувчи бош омил ҳисобланади.

Сиёсий ва ижтимоий боқарув тизимларида ишлайдиган ишбилармон мутахасисларни тайёрлаш, тарбиялаш ва улардан фойдаланишнинг илмий назарий ва услубий жиҳатдан пухта ва аниқ режаларни ишлаб чиқиш ҳамда ундан адолатлик қоидаларига тўла амал қилган ҳолда уни амалга ошириш катта ахамиятга эга. Кадрлар сиёсати масаласида изчил ва аниқ режа асосида, маъсулиятни тўла ҳис қилган ҳолда иш юритилмаса, у давлат ижтимоий- иқтисодий тараққиётдан орқада келади ва бошқариш дастакларига путур етади, мамлакат таназулга учрайди. Бундай ҳолатни биз собиқ Иттифоқнинг инқирози билан боғлиқ жараёнларида яққол кўришимиз мумкин.

Собиқ Иттифоқнинг элитаси етмиш йил давомида аристократлашиб борганлиги оқибатида жамиятни идора этувчи гурухнинг сафи заифланиб ноқобил, иқтидорсиз кадрлар билан тўлдирилиши унинг инқирозининг асосий сабабларидан бири бўлди. Собиқ Иттифоқ даврида кадрлар сиёсати қўпол равишда тузилди, айниқса бу миллий ва махаллий кадрларга нисбатан сиёсатда кўринди. Кадрларни танлашда ва жой- жойига қўйишда таниш билишлиқ, ошна- оғайнигарчилик, қариндош- уруғчиликнинг авж олиши кадрларни гоявий, сиёсий, маънавий жиҳатдан бушаштириб юборди ва сифати бузилди.

Мустақиллик туфайли юртимизда кадрлар сиёсати ярамас иллатлардан ҳоли бўлишлиги, жамият равнақи йўлида фидойиллик кўрсатишга қобил, қалби вижданни тоза бўлган, ташаббускор кадрларни тайёрлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш учун йўл очилди.

Мустақилликнинг маъсулияти жуда оғир. Бу маъсулиятни чидамли, ўтмиши бақувват ҳалқигина, миллатгина эплайди. Бугунги мустақил мамлакатимизнинг кадрлар сиёсати аждодларимиз ўгити, маънавий қадриятлар асосида яратилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш концепциясини назариядагина эмас, шунингдек амалиётда ҳам ўз ечимини топмоқда. Биринчи навбатда катта илмий салоҳиятга эга эканлигимизни ҳисобга олиб янги институтлар, университетлар, академиялар ташкил топди. Ўзбекистонда ўқув юртларининг кенг тармоғи вужудга келди. Жумладан, 59-олий, 258 та ўрта маҳсус ўқув юртлари ишлаб турибди. Шулардан 75 таси коллежлардир.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлатлар ва жамият қуриш академияси, Банк- молия академияси ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларини тайёрлайдиган, малакасини оширадиган бош муассасадир.

Ёшларни жаҳон билимлари хазинасидан баҳраманд этишга катта эътибор берилмоқда Республиkaning чет эллардаги ўқув марказлари билан алоқалари кучайди. Таълим соҳасида Ўзбекистон Америка колледжлари консорциуми, Тинчлик корпуси (А+Ш), Конрад Аденауэр фондига (Германия), Британия кенгаши каби ҳалқаро ташкилотлар ва бошқа нохукумат ташкилтотлари билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

Ўзбекистон Америка ва Ўзбекистон - Корес Университетларини ташкил этиши устида иш олиб борилмоқда. Иқтидорли ёшларни чет элларда ўқитишини қўллаб қувватловчи «Умид» жамғармаси, «Устоз» жамғармаси ва «Улугбек» фонди ташкил этилди. Буларнинг барчаси Республикада амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли олиб бориш учун уларни кадрлар билан мустаҳкам таъминлашга, меҳнат ва ақл заковат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва оширишга қаратилгандир.

6.2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг олдига қўйган асосий мақсади.

Ўзбекистонда кадрлар сиёсатини кенг қўлламда амалга оширишда ташланган катта қадам 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрда «Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш» тўғрисидаги қабул қилган фармони бўлди.

Президент И.А. Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусида Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган маъруzasи кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонунга асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу дастурни қабул қилишдан асосий мақсад, энг аввало, таълим соҳасини ислоҳ қилиш асосий фуқаролар онгидаги сақланиб қолган эски собиқ империк мафкуравий қарашлар саркитларидан батамом ҳоли бўлиш, таълим тизимининг энг ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш асосида кадрларни маънавий баркамол инсон, теран фикрловчи, кенг тафаккур қилувчи шахслар қилиб тарбиялашдан иборат. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, жуда

улкан вазифалар хал этилиши кўзда тутилган бўлиб, мақсад ва вазифаларимизни босқичма- босқич рўёбга чиқариш белгиланди.

Биринчи босқич 1997- 2000, Иккинчи босқич 2001-2005, Учинчи босқич 2005 ундан кейинги йиллар. Ҳар бир босқичнинг олдига қўйган асосий вазифаси аниқ белгилаб берилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида миллий модель беш таркибий қисмдан: давлат, жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришдан иборат деб белгиланди. Она шу таркибий қисмларнинг аниқ, йўналишлари, мақсадлари, вазифалар белгилаб берилган бўлиб, жамият тараққиётининг бугунги, эртанги куни тўлиқ хисобга олинган.

Миллий дастурда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида ахамият берилади. Бу таълим турлари ўз ичичга олади: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта маҳсус, касб- ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртларидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим ижодкорлар, ижтимоий фаол, маънавий бой шахснинг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун шарт-шароит яратади.

Мавзуга хulosса тарзида шуни айтишимиз мумкин: Таълим тизимини ислоҳ этиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгига демократик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равищда узи белгилайди.

Президентимиз таъкидлаганлариdek,-«жамиятни янгилаш, эркин демократик давлатни шакллантириш, тараққиёт ва равнақ йўлидаги барча сайхаракатларимизни биз айнан мана шу тамоили адосида ташкил этишимиз керак».

+исқача хulosалар:

Мавзуга хulosса тарзида шуни айтишимиз мумкинки: Таълим тизимини ислоҳ этиш вазифаларини муфаққатли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онигда демократик -адриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равищда ўзи белгилайди.

Президентимиз таъкидлаганлариdek,-«жамиятни янгилаш, эркин демократик давлатни шакллантириш, тараққиёт ва равнвқ йўлидаги барча сайхаракатларимизни биз айнан ана шу тамоили адосида ташкил этишимиз керак».

Таянч сўзлар:

Мутахассис, раҳбар маъсулияти, истеъдод, иймон, билимдон, ташаббускор, касб-ҳунарли ходим.

Назорат ва муҳокама учун саволллар:

1. Давлатга уюшган жамиятда кадрларга нисбатан олиб бориладиган муайян сиёsat ҳар доим бирдай бўлмайди, сабаби нимада?

2. Ҳозир кадрларнинг жамиятдаги роли. ўрни ва вазифаларини янгитдан мушоҳада қилиш жараёни бошланди. Бу нима дегани?
3. Ҳозирги кунда ходимларга қўйилган талаб қандай?
4. Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад нимада?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 1992,
2. Каримов И.А. Ёшлар мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлиши учун қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Ҳалқ сўзи, 1993, 20 июнь.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида - Т.: «Ўзбекистон» 1997. 252-278 бетлар.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: «Ўзбекистон» 1999. 8-30, 49-85 бетлар.
5. Н. Жўраев. Агар огох сен. Т.: «Шарқ», 1998. 109-114 бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакланитиришнинг асосий йўналишлари. «Ўзбекистон овози», 31 август, 2002.
7. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Том 13, 2005.
8. www.google.ru

7-Маъруза: Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурияти, қонуниятлари ва хусусиятлари.

- 7.1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари.
- 7.2. Ўзбекистонинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги асосий тамойиллари.
- 7.3. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш мустақил Ўзбекистонинг ички сиёсатининг негизидир.

7.1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари.

Иқтисодий -сиёсий халокатга юз тутган собиқ иттифоқ таркибидан ўз мустақиллигини эълон қилиб, миллий республикалар чиқиб кета бошладилар. Жумладан, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қиласар экан, қайси йўлдан бориши, қандай жамият яратиши керак деган муаммоларга жавоб топиши керак эди.

Президентимиз И.А. Каримов етук иқитсадчи ва сиёсатчи, тажрибали давлат арбоби сифатида масалага жиддий ёндошиб, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш йўлларини ўрганиб, таҳлил этар экан, ўзининг бир қатор рисолаларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини илмий-назарий жиҳатдан белгилаб берди. Жумладан «истиклол йўли; муаммолар ва режалар; «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» ва бошқа асарларида ислоҳотларнинг илмий-назарий асосларини, миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ йўналишларини очиб берди.

Иқтисодий ислоҳотларни мустақил бошланганига қадар бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳолати жуда оғир вазиятда эди. Бундан кўркўона бирор бир давлатни иқтисодий моделига асосланган ҳолда чиқиб кетиб бўлмас эди. Иқтисодий кризисдан чиқиши учун ҳар томонлама пухта ўйланган бир неча давлатларнинг ижобий тажрибаларига суюнган ҳолда, миллий хусусиятларни ва республикадаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ҳисобга олиб, кенг миқёсидаги туб иқтисодий ислоҳотлар дастурининг назарий асосларини яратиш керак деган хulosага асосланиб иш олиб борилди.

7.2. Ўзбекистонинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги асосий тамойиллари.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг модели, иқтисодий кризислардан чиқиб кетишининг турли йўллари бўлсада, уларнинг биронтасини тўғридан-тўғри асосий йўл қилиб олишнинг ўзи муаммога юзаки қараш бўлар эди.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар борасида изланиш олиб борилар экан, жаҳон цивилизацияси ривожланиш йўлидаги муқаррар босқич- бозор иқтисодиётидир, деган хulosага келинди ва мана шу умумий қонуниятдан келиб чиқиб, фақат бозор муносабатларигина республикани инқироздан олиб чиқибгина қолмай, балки ривожланиши учун кучли иқтисодий ва сиёсий омил яратиши мумкин деган хulosага келинди ва бу услубий илмий хulosани амалга ошириши учун киритилди.

Бозор иқтисодиётининг моҳияти нимадан иборат, нима учун иқтисодий тараққиёт учун кафолат бўлиш мумкин? Бозор муносабати мураккаб ва жамият тараққиёти учун ўта аҳамиятлидир.

Бозор товар айрибошлиш соҳаси миқёси жиҳатидан ички (маҳаллий, миллий) бозорга ва ташқи (жаҳон) бозорларига бўлинади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш мулк эгаларига айланиши бозорни вужудга келишига асос бўлади. мамлакат ичкарисида ва ташқи дунё билан бўлаётган турли муносабатларда фаоллик жараёни юзага келади. Биринчи навбатда товар айрибошлишда тезкорлик юзага келади. Товар айрибошлишнинг турли формаларидан фойдаланиш асосида қўшимча қиймат олиш муҳим омил бўлиб қолади. Агар бозор шароитида қайси давлат ўз қобиғида ўралиб қолса албатта иқтисоди ҳалокатга олиб келади шунинг учун шу йўлни танлаган давлат турли мамлакатлар билан иқтисодий алоқани кучайтиришга мажбур. Айни пайтда умум жаҳон ривожланиш оқимиға қўшилиб кетади.

Бозор муносабатлари ўз моҳиятига кўра кўп қиррали система бўлиб, ижтимоий ҳаётни ҳамма жабхаларини тўлалигича қамраб олади ва ўз таъсирини ўтказади, бозор иқтисодиёти муносабатларининг қонуниятларига бўйсунишга жамиятни мажбур қиласди.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтар экан ўзига хос йўлни танлади яъни пухта ўйланган дастур бўйича учта асосий нарсага эътибор берилди:

1-чиси иқтисодиётни тўлиқ инсон манфаатларига хизмат қилишига мослаб, яъни инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш.

2-чиси эски иқтисодиёт юритиш механизmlарини бирданига бузиб ташламасдан, секин аста янгисини яратиш.

3-чиси пировард мақсад Ўзбекистонни импорт мамлакатидан экспорт мамлакатига айлантириб бориш.

Давлат қурилиш дастурининг ва Ўзбекистонни иқтисодий ислоҳ этишнинг бутун ўзаги мамлакат Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойилдир. Улар:

1-дан иқтисодиётни мафкурадан устинлиги;

2-дан давлат бош ислоҳочилиги;

3-дан +онунлар устиворлиги;

4-дан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;

5-дан ҳеч қандай сакрашларсиз босқичма-босқич ўтиш.

Ушбу қоидалар бозор иқтисодиётимизга ўтиш асослари қилиб олинди.

7.3. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш мустақил Ўзбекистонинг ички сиёсатининг негизидир.

Ички сиёсатнинг асоси аҳолининг ижтимоий начор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қилишдан иборат бўлди.

Бозор муносабатларини вужудга келтиришнинг дастлабки босқичларида нархларни эркинлаштириш ва пулнинг қадирсизланиш даражасини ортиб бориш муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш энг устун йўналишлардан бири бўлиб қолди.

Нодавлат ва хайрия ташкилотларини тузилиши ҳам катта рол ўйнайди.

«Наврўз», «Махалла», «Соғлом авлод» ва бошқа қатор жамғармалар ҳам намунали ишларни амалга оширидилар.

1992-1999 йиллар мобайнида иш ҳақи ва нафақаларнинг энг кам миқдори бу даврда 428 баробардан 1230 баробар кўпайди. 1999 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори 1320 сўм бўлган ҳолда, қарилик нафақанинг энг кам миқдори 2520 сўмни, ногиронларники эса 1530 сўмни ташкил этди.

16 ёшгача болалари бўлган оиласалар учун нафақалар ота-онасининг умуман оиласининг даромадидан қатъий назар барча оиласаларга тўланадиган бўлди.

Иқтисодий сиёсатнинг марказида ҳалқ манфаати турар экан бу Ўзбекистон давлатининг буюклигидан даракдир.

+исқача холосалар:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муҳим ҳаётй эҳтиёждир.
2. Бозор иқтисодиётини танглиқдан олиб чиқиш воситаси, ҳалқ турмуш фарафонлигини юксалтириш механизмидир.
3. Бозор одамларни янгиликка сезгир қиласди, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ҳаётга дадил ва ғайрат билан жорий этишини, илфор мамлаатлар тажрибаларидан ҳар доим хабардор бўлиб туришни тақозо этади.
4. И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта асосий қоида давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзагини ташкил этади.
5. Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсатининг негизи - инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантиришнингкучли механизмига эга бўлган ва ижтимоий ночор қатламларни давлат йўли билан ҳимоя қиласидан бозор иқтисодиётини қуришдир.

Таянч сўзлар.

Ижтимоий йўналтирилган бозор, «Ўзбекистон миллий модели», бозор тамойиллари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Бозор иқтисодиётини белгилаб баерувчи шарт-шароитлар қандай? Унга ўтишнинг зарурлигини қандай изоҳлаш мумкин?
2. Ўзбекистонга хос ҳар томонлама самарали йўлни ишлаб чиқиш учун Республика жойлашган минтақага оид хусусият ва шарт-шароитларни ҳисобга олиш керак. Айтингчи, яна қандай омиллар назарга олиниши шарт?
3. Нима учун Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади?

Адабиётлар:

1. И.А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й. 210-212 бетлар.
2. И.А. Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» Т.: «Ўзбекистон» 1993 й. 16 бет.
3. И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли» Т.: «Ўзбекистон» 1992. 43 бет.
4. И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т.: «Ўзбекистон» 1997.
5. Ш. Шарифхужаев «Истиқлол истак болалари» Т.: «Ўзбекистон» 1994.
6. А. +одиров, А. Турсунов «Иқтисодий назария» Т.: ТДТУ. 1997.
7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакланитиришнинг асосий йўналишлари. «Ўзбекистон овози», 31 август, 2002.
8. Бизниг бош мақсадимз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизаця ва ислоҳ этишдир, 28 январь, 2005.
9. www.google.ru

8-Маъзуа. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунлари ва иккинчи босқичининг устувор вазифалари.

- 8.1. Иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йуналишлари , дастлабки якунлари ва сабоқлари.
- 8.2. +ишлоқ хужалигини ислоҳ қилиш, агарар муносабатларнинг янги турини шакллантириш.
- 8.3. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш иккинchi босқичининг устивор вазифаси эканлиги.
- 8.4. Чукур таркибий ўзгаришларга эришиш - барқарор ўсишнинг асосий шарти эканлиги.

8.1. Иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йуналишлари , дастлабки якунлари ва сабоқлари.

Биринчи босқичда иккита ҳал қилувчи вазифани бирданига ҳал қилишга тўғри келди.

Бу вазифалар;

маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

-республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат.

Мана шу вазифаларни ҳал қилиш учун устивор йўналишлар сифатида қўйдагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш талаб қилинди.

1-дан, ўтиш жараёнини хуқукий асосларини шакллантириш. Янги конститутцияни қабул қилиш бош вазифа бўлди.

2-дан, қишлоқ шўжалигига мулкчиликни янги шаклини вужудга келтириш, кичик ва ўрта корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш.

3-дан, ишлаб яиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий ахволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Биринчи босқичда биринчи даражали чора-тадбир сифатида қўйдагилар илгари сурилди. +аттиқ молиявий сиёsat, бюджет маблағлари даромад тушгач тақсимланиш, ҳалқ хўжалигининг айrim корхоналарини ривожлантириш учун бюджетдан маблағ ажратиш солиқ тизимини такомиллаштириш, марказий банк бошчилигига тижорат ва хусусий банклар икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш, республикада чет эл банклари бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш, барқарор пул муомласини таъминлаш, унинг массасининг асоссиз ўсишини чеклаш, Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомлага киритиш учун зарур шарт-шароит яратиш; нархнинг ролини мустаҳкамлаш, улгурчи ва чакана нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш, ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари нархини давлат томонидан вақтинча сақлаб туриш; қишлоқ хўжалик нархларини жаҳон нархлари даражасига етказиш, монополияларга қарши курашиш, нархни сунъий равища ўсишига йўл қўймаслик.

Иқтисодий ислохатлар хуқуқий негизининг барпо этишда янги қонунлар туркумини ишлаб чиқиши зарур эди, сабаби қўйдагилар; 1-дан, илгариги қонунлар маъмурий буйруқбозликка асосланган, хусусий мулк хуқуқи ва рақобатни истисно этар, 2-дан, Умумиттифоқ талабига мослаштирилган қонунлар, республика минтақавий хусусияти ҳисобга олинмасди, 3-дан, биз янгиланиш ва тараққиёт йўлимизни, иқтисодиётни ислох қилиш учун ўз андозамизни танлаб, экспертизадан ўтказдик.

Хуқуқий йўналиш бўйича давлатни бошқариш қоидалари, мулкчилик тўғрисида, ер тўғрисида, хўжалик юритиш, Ўзбекистонни халқаро муносабатлардаги teng хуқуқли субъектлигини таърифловчи, инсоннинг ишончли конститутцион ва юридик хуқуқларини, ижтимоий кафолатлар ва ахолини ижтимоий қуватловчи қонунлар яратилди.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича 20 мадан ортиқ давлат дастурлари қабул қилиниб амалга оширилди. Айниқса, 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 1994 йил 15 марта қабул қилинган «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги фармонлари хусусийлаштириш сифат жихатидан янги поғонага кўтарди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилда ёқ тугатилди. 1995 йилга келиб савдо-сотиқ хажми ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 82 фоиздан ортиғи давлатга қарашли бўлмаган секторга туғри келди.

Ким ошди савдоси орқали савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари дўконлар, ресторанлар, меҳмонхоналар ва бошқалар сотилди. 1995 йилга келиб 54 мингдан ортиқ корхона ва обьект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шуларнинг 18,4 мингги хусусий, 26,1 мингги акциядорлик 8,7 мингги жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айлантирилди. 1995 йилга келиб давлатга қарашли бўлмаган секторда 4 млн киши меҳнат қилди.

8.2. +ишлоқ хўжалигини ислох қилиш, аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш.

Аграр муносабатларда ҳам кўпгина ўзгаришлар бўлди. 1995 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 24% аграр секторга туғри келди. Ҳалк хўжалигига банд бўлганларнинг 37% аграр секторда меҳнат қилишди. 1995 йилга келиб 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилди. Бундан ташқари 1516 та қорамолчилик фермаси меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. 1996 йилнинг 1 июлида қишлоқ хўжалигига етиштирилган маҳсулотнинг 95,1% и давлатга қарашли бўлмаган секторда яратилди.

Шахсий томорқа учун 700 минг гектар ер ажратилиб, 9 миллиондан ортиқ одам ана шу ер хосилидан фойдаландилар. Давлат буюртмаси фақат пахта ва донда қолиб улар 60-50% ташкил этди. +ишлоқларга минглаб км газ ва сув қувурлари ўтказилиб, олис қишлоқлар сув ва газ билан таъминланди.

8.3. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш иккинчи босқичининг устивор вазифаси эканлиги.

Узбекистон 1995 йилда иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Биз ислохотлар стратегияси йўлини танлаган эдик. Шунингдек хар бир босқичнинг уз стратегик мақсадлари ва устивор йуналишлари хам бўлади. Хар бир босқичнинг муддатини муайян чегара билан белгилаш майда, у хал қилиши лозим бўлган муамолар қуламига боғлиқ бўлади. Иккинчи босқич бу қонунятли ва бизнинг бош стратегиясидан мантиқан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгиланиш йулидан олға томон бориш давридир.

а) иккинчи босқич бозор тизимларининг шакилланиши туталланадиган давридир. Бу даврда бир қатор асосий вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

1. Вазифаларнинг биринчиси-давлат мулкининг хусусиятлаштиришни охирига етказиш, куп укладли иқтисодиётни шакиллантириш ишларини давом эттиришдан иборат, мулқдорлар синфи шакилланиши.

Хусусийлаштириш иқтисодий ислохат натижаси эмас, унинг йуналишларидан биридир. Хусусийлаштириш натижасида иккита масала хал қилинади;

1. Мулк узининг хақиқий хужайинига эга бўлади (текинга берилмайди, сотилади) инсоннинг яширин куч-ғайрати юзага чиқади.

2. Куп укладли иқтисодиётни рағбадлантирувчи рақобатчилик мухити вужудга келади.

Мулкка давлат монополияси тугайди, якка хокимлик урнига эркин иқтисодиёт ва рақобатчилик мухити вужудга келади.

Хусусийлаштирилиши чекланган корхоналар сони қисқаради. Хусусийлаштирилган корхоналар авволги фоалиятини сақлаб қоладими? Шарт эмас. Махсулот тартиби талаб ва эҳтиёжга қараб белгиланади. Давлат уларга кумаклашади.

Кичик корхоналар купайиши керак, улар хар бир кишига узини синаб куришга, истеъодини, имкониятини номоён қилишга имкон берувчи манбадир.

Иқтисодий ислохотлар даврида давлат корхоналари хам сақланиб қолади. Хусусийлаштирмайдиган корхоналар доираси аниқ белгилаб олинган булиши зарур. Аммо уларнинг узи хам эркин булади, фоалияти тижоратлаштирилади.

Хусусийлаштирилиш жараёнини чуқирлаштиришнинг асосий йуналишлари; 1-дан, давлат мулкини бошқа мулк шаклига утказиш маҳсус тармоқ ва маҳаллий (минтақавий) дастур асосида амалга оширилади. Ёқилғи энергетика, машинасозлик, пахтани қайта ишлаш компеликлари, транспорт корхоналарининг хусусийлаштириш кенг тус олади.

2-дан, Хусусийлаштириш ишларининг маркази умум Республика тармоқ даражасидан худудий даражага кутирилади. Худудий идоралар хуқуқи ва масулияти ошади.

3-дан, Йирик ва урта корхоналар кенг куламда акциядорликга утказилади. (ёпик ва очик) Аҳолининг кенг қатламлари қимматли қоғозлар бозори орқали акцияга эга булади, улар буйича дивидентлар олади.

4-дан, +ишлоқдаги хусусийлаштириш ишларига шароит яратиш долзарб вазифа. Дехқон хужаликларини ривожлантиришни давлат инвестиция дастури ишлаб чиқилади ва дехқонга умирбод хусусийлаштириш механизмнинг узини янада токомиллаштириш зарур. Аҳолини хамма табақалари тортилиши керак.

8.4. Чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш - барқарор ўсишнинг асосий шарти эканлиги.

Иқтисодий барқорорлик, молиявий барқарорлик таркибий узгаришлар иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий шароитидир.

Барқорорлаштириш сиёсати, аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни саклаш ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йул қўймаслик сийсатидир. Жаҳон тажрибасида барқорорлаштириш сиёсатини амалга оширишда бир қанча ёндашувлар таркиб топганлиги маълум.

1) Биринчидан - монетор ёндашув. Бу пулнинг қадирсизлантириш даражасини пасайтириб туришга асосланган, пул масаласини хамда толовга қадар булган жами талабни кескин камайитириш ҳисобига пул муомиласини барқорорлаштиришга асосланган. Бу ишлаб-чиқаришнинг моддий хажимлари камайишига инфляция фаолиятини тухтатишига олиб келади.

2) Иккинчиси-ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантиришни раҳбатлантиришга, таркибий катта ўзгаришларни амалга ошириш қитисодий номуносабликларга бархам беришга асосланган ёндашув. Бунда бир меъёрда қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати утказилади, товар билан қоплашнинг иложи булмаган ортиқча талаблар чекланади.

«Барқорорлаштириш дастурини ишлаб чиқариш чоғида деб таъкидлайди» И.А.Каримов -ана шу қаттиқ монетаризмга таянмаслик керак. Балки мувозанатга келтирилган монетар сиёсатга асосий тармоқларни ва ишлаб чиқариш таркибини қайта ташкил қилиш қуллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга олиб бориш зарур (201-202 бетлар).

Иқтисодиётда барқорорликка эришишнинг асосий мезонлари қуидагилардан иборат.

1. Ишлаб чиқариш хажмини, агар у таркибий узгаришлар ва технологиялар билан боғлиқ булмаса, камайишига йўл қўймаслик.

2. Устивор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шартлар яратиш, ишлаб чиқаришни раҳбарлантирилишига кўмаклашиш.

3. Давлат бюджети ва корхоналар молиявий ахволининг барқарорлигини мумкин бўлган даражада таъминлаш. Бюджет интизомига риоя қилиш.

4. Пулнинг қадрсизланиши жараёнларини тўхтатиб қолиш.

5. Тулов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш.

6. Ижтимоий ахволни барқорорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

7.Солиқ сиёсатини такомиллаштириш,ислоҳ қилиш зарур.

8.Солиқ турли хазинани тўлдириш (фискал), қайта тақсимлаш ва рақобатлантириш вазифасини бажариш керак.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириб бориш зарур.Даромад солигидан,фойдадан ундириладиган солиққа ўта бориш лозим. Ер ости бойликлари,ер,сув ва қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан солиқ олиш зарурияти бор.

Умум Республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара бўлиши зарур.Солиқ тизими иқтисодиётни барқарорлаштишининг асосий шартидир.

3.Миллий валюта қадрини ошириш иқтисодий ислоҳатлар иккинчи босқичининг хал қилувчи вазифасидир.

Миллий валюта барқарорлигига эришмоқ учун тўртта дастур ишлаб чиқарилди ва амалга оширилмоқда.

1-дан,валютани товар билан барқарор таъминлаш дастури. Айниқса истемол моллари ишлаб чиқариш ошади, бозор товарга тўйиниши зарур.Хозирча молларни четдан олиб келиш буйича барча божхона солиқлари бекор қилинган. 2-дан, етарли валюта захираси булиши керак. Шунда валюта эркин алмашина оладиган булади. Бунинг учун Экспорт имконияти кенгайиши керак.

4-дан Инфляцияга қарши бақувват пухта уйланган сиёsat юритиш лозим.Хар бир сум муайян миқдорода моллар ва хизматларда намоён бўлиши керак.Харид қилиш учун етарли моллар булмаса инфляция булади, ички бозорни мол билан таъминлаш зарур.

Чуқур таркибий узгаришларга эришиш мухим вазифа хисобланади.

Хом ашё этиштиришга мослашган иқтисодиётни тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаб қайта ташкил этиш керак.Шундагина мамлакат мустақиллиги мустахкамланади.

Иқтисодиёт тузилишидаги узгаришларда қўйдаги вазифалар хал этиш билан боғлиқ:

1-дан,бошқа мамлакатдан хом ашё ресурслари бутловчи маҳсулотлар, озиқовқат олиб келишни қисқартириб ана шу маҳсулотларни узимизда ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш.

2-дан, маҳсулотларнинг ва халқ истеъмоли молларининг мухим турларига булган талабларни уз вақтида узимизда ишлаб чиқариш.

3-дан Иқтисодиётни муносиб ва барқорор ишлашни таъминлаш.

4-дан /оят бой маънода хом ашё ресурслари ва корхонани хом ашёсини узимизда чуқурроқ, мукаммалроқ ишлашни ташкил этиш ишлаб чиқаришни маҳсулотни бутлик даражасини ва рақобатбордошлигини ошириш.

5-дан, Республика Экспорт имкониятини кенгайтириш, олтин- валюта захирасини мустахкамлаш

6-дан Меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш.

7-дан Республика худуди буйича ишлаб чиқариш кучларини жадал жойлаштириш.

Ўзак тармоқларини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг асосий шартидир.

Энергетика ёқилғи, қора ва рангли метоллургия машинасозлик автомабилсозлик, самалётсозлик, радиоэлектроника, саноати ривожланишининг мухимлиги .

+исқача хулосалар:

1. Бозор иқтисодиёти тизимини босқичма-босқич шакллантириш бу қонуний жараён бўлиб у бир вақтнинг ўзида бўладиган тадбир сифатида амлга оширилиши мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига оловчи узоқ даврни талаб этади.
2. Бозор муносабатларининг бутун механизми давлат томонидан кўрсатиладиган ва қонун билан мустаҳкамланадиган бозор шартшароитлари доирасидагина амалга оширилади.
3. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилади.
4. Ислоҳотлар биринчи босқчининг ғоят муҳим вазифасини амалга ошириш яъни давлат мулки яккаҳокимлигини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига Республикада кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиради.
5. Мустақиллик йилларида иқтисодий соҳада теран ўзгаришлар рўй берди. Бу борада асосий якунлар қўйидагилар:
 - ◆ иқтисодий муносабатларда, айниқса мулк масалаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда қўп тармоқли иқтисодиёт шакллантирилди, нодавлат сектори мустаҳкамланди ва у иқтисодиётимизда фаол роль ўйнай бошлади;
 - ◆ хўжали юритишнинг маъмурий- буйруқбозлик усули, режали бошқариш ва таҳсимлашнинг ўта марказлашган тизимиға барҳам берилди, иқтисодий рағбатлантиришга, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигига ва рақобат тамойилларига асосланган бозор механизмлари тобора кенг жорий этила борди;
 - ◆ бозор инфраструктураси умуман шакллантирилди, янги банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар хом ашё биржалари, сугурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмалари тармоғи барпо этилди, қимматли қоғозлар бозори фаолияти кучайтирилди;
 - ◆ ўзимизнинг миллий пул тизимимиз яратилди, ўм мамлаатимизда ягона тўлов воситаси бўлиб қолди. Миллий сўмимиз бу вақтга келиб, барқарор жорий операцияларда эркин алмшиб қувватига эга бўлган пул бирлигига айланди;
 - ◆ иқтисодий молиявий барқарорликка эришилди, инфляция даражаси кескин пасайди, ишлаб чиқаришнинг пасийиши тўхтатилди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва биринчи навбатда чет эл сармоясини жалб этиш асосида инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари белгиланди;
 - ◆ иқтисодиётнинг тузилма жихатдан янгиланиши таъминлана бориб, республиканинг ёқилғи-энергия мустақиллигига эришилди, ўзимизнинг

ташқи бозорда рақобат қилишга қодир бўлган тайёр маҳсулотларимиз улуши ошди, саноат ва қишлоқ хўжалигининг бутунлай янги тармоғи барпо этиш - иқтисодий ислоҳотларнинг энг мҳим яқунларидан биридир.

6. 1996 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг барқарор юксалиши ва ахоли турмуш даражасининг яхшиланиши қўзга ташланди.

Таянч сўзлар:

Бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ҳуқуқий негиз, устивор йўналиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, агарар ислоҳот, ижтимоий муҳофаза, кафолатлаш.

Макроиқтисодий вазифалар, хусусийлаштириш, устивор вазифалар, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, бюджет сиёсати, миллий валюта қадрини ошириш, туб таркибий ўгариш. Кучли ижтимоий сиёсат.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Бозор иқтисодиётiga икки йўл билан ўтиш мумкин:

- а) «фалаж билан даволаш усули »
- б) босқичма-босқич

Айтингчи, Ўзбекистон қаси йўлни танлади ва нима учун, танлаган йўлининг афзаллиги нимада?

2. +андай йўналишларда бозор иқтисодиёти ҳуқуқий негизи яратилди?
Йўналишлар бўйича таърифланг.

3. Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг биринчи босқичида қайсилар асосий устивор йўналишларэтиб белгиланди?

4. Бозор иқтисодиёти биринчи босқичининг натижалари қандай якунланди, ечилмай қолган вазифалар бўлдими?

5. Икинчи босқичнинг қандай вазифалари устивор қилиб белгиланди?

6. Сўмнинг барқарорлигини, харид қуввати ва алмашув қадрини оширишга қаратилган тўрт дастур қайсилар?

7. Таркибий тузилиш сиёсатининг асосий йўналишларини айтиб, уларга қисқача изоҳ беринг?

8. Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини қучайтириш мақсадида қандай ишлар амалга оширилди ва уларнинг натижалари қандай?

9. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва мунтазам равишда чуқурлашиб бораётган иқтисодий ислоҳотларнинг ютуқлари, сабоқлари ва келиб чиқадиган вазифалар И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида қандай изҳланган?

Адабиётлар:

1.И. А. Каримов «Узбекистон: бозор мунасобатларига утишнинг узига хос йули», Т.: «Узбекистон», 1993.

2. И. А. Каримов «Узбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари», Т.: «Узбекистон».
3. И.А. Каримов «Деҳқончилик тараққиёти- фаровонлик манбаи», Т.: «Узбекистон».
4. И.А. Каримов «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида», Т.: «Узбекистон», 1995.
5. И. А.Каримов «Хозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари», «Халқ сузи »,1996. 30 август.
6. И.А. Каримов «Узбекистон XXI аср бусағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»-Т.: «Узбекистон», 1997.
7. И.А.Каримов.Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида-Т.: 1995,
8. И.А. Каримов. Узбекистоннинг ижтимоий -сиёсий ва иқтисодий истиқлонининг асосий тамоиллари УзРОМ биринчи сессиясидаги маърузаси.1995й 23 феврал - Т.: 1995,
9. И.А. Каримов. Вазирлар Махкамасида 1995йил якунлари хамда жарий йиллардаги вазифаларига бағишиланган мажлисдаги нутқи - Т.:1996» Халқ сўзи»1996, 20 феврал.
10. И.А. Каримов.»Узбекистон бозор муносаботларига утишнинг узига хос йули»-Т.: «Узбекистон»1993.
11. И.А.Каримов. «Келажакни жасоратли одамлар қуради», «Халқ сузи», 1999.17феврал.
12. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакланитиришнинг асосий йўналишлари. «Ўзбекистон овози», 31 август, 2002.
13. Бизниг бош мақсадимз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир, 28 январь, 2005.
14. www.google.ru

9-Маъруза. Демократик жамият барпо этишда фан ва таълимнинг роли.

- 9.1. Мамлакатимиз фанининг тарихий илдизлари.
- 9.2. Мустақиллик шароитида фан ва таълимдаги узгаришлар.
- 9.3.Хозирги даврда таълим тизимининг чуқур ислоҳ қилиш тарихий эҳтиёж эканлиги.

9.1. Мамлакатимиз фанининг тарихий илдизлари.

Ўтиш даврининг энг муҳим масалаларидан бири мамлакатимиз илмий солоҳиятини ривожлантирмай туриб, республикани иқтисодий ривожлантириб булмайди. Республикализ келажагини буюк давлат булиши учун 4та асос борлиги исботланган. Булар қуйидалардир:

- 1-дан Буюк тарихимиз ва буюк маънавий меросимизнинг мавжудлиги;
- 2-дан, Ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиат ва иқлим қулайлиги.
- 3-дан, Мехнаткаш ва ғайратли бунёдкор халқимиз.
- 4-дан, буюк хазина ақлий бойлигимиз.

Тарихи ривожланган Узбекистонда илмий солаҳият имкониятлари жаҳондаги ривожланаётган эса иқтисодий ривожланган мамлакатлардан қолишмайди.

Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлиғанлигини, унинг чуқур ва құдратли илдизлари борлигини фаҳрланиб айта оламиз. У асрлар давомида узбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларни урганишда, табиёт, фалсафа, хуқуқшунослиқ, илохиёт, адабиётшунослиқ ва тиљшунослиқда ишончли хизмат қилиб келмоқда.

Ўзок утмишдаёқ ўзбек халқининг иолғор мутафқирлари амалга оширган тадқиқотлари ва қашфиётлари жаҳон умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хизинасини ташкил этади. Билимлар ҳазинасини очган буюк аждодларимизнинг номлари бутун дунёга машхур булар буюк математик астрономлар Ал-Хоразмий, Фарғоний, Жавхарий, Марвазий, Улуғбек, файлосуф ва илохиётчи хуқуқшунослар Фаробий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Марғилоний, Насафий, қомусий олимлар Беруний, Ибн-Сино, тиљшунос-шоирлар+ашгорий, Юсуф хос Хожиб, За машҳарий, Алишер Навоий, тарихчилар Бобур Мирзо, Абдул ғози, Баҳодирхон ва Огохий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўлкамиз бойлиги, унинг осиё марказида қулай жуғрофий жойдалиги қадим-қадимдан узга юртга босқинчиликлар этъиборини жалб қилиб келган.

Мамлакат ичкарисидаги уруғ-аймоқчилик хокимият учун олиб борилган урушлар фан ва маданиятга ҳам катта зарап етказган. Кейинги 130 йил ичидаги ғоят катта империянинг чекка улкасига айланди. Бу даврда фан ва маданиятнинг нодир ёдгорликлари юқотилди ва ташиб кетилди.

Шуролар даври ҳам дунёда энг саводхон жамият деб жаҳонга жар солди. Сиртдан қараганда ҳақиқатдан ҳам шундай юзлаб университетлар, ва институтлар, олий ва урта маҳсус билим юртлари минглаб илмий-тадқиқот

муассасалари фаолият курсатарди. Сон жихатдан кўп булгани билан жаҳон андозаларига жавоб бермас эди.

Шуро хукумати кадрлар тайёрлашда ҳам риёкорона сиёсат олиб борди.

Жаҳон андозаларига жавоб берувчи илмий масканлар асосан Марказда бўлиб, милий республикалардан саноқли кадрлар қабул қилинарди. Натижада милий республикаларда кадрлар етишмас, марказ бу юртларга минг-минглаб «уз одамларини »жунатар эди. Миллий улкалардан етишиб чиқсан фан арбоблари, қобилиятли ижод сохиблари сталинча қатағонликнинг курбони бўлишди. Булар А.+одирий, Фитрат, Чулпон, К.Алиев, Ш.Сулаймон, У.Носир, О.Хошим, М.Суфизода ва бошқалардир.

Кейинги йиларда ҳам ижодкор зиёлилар шаънига бухтон ёғдириш, уларни рухан мажрух қилиш, қамоқ жазоларига тортишдек ифлос, жирканч ишлар даъвом этди. Оқибатда фавқулотда истеъдод сохиблари академик ёзувчи Ойбек, хассос шоирлар М.Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Т. Тула, ёзувчилар М.Исмоилий, Сайд Ахмад сингари ўзбек адабиётининг асл намоёндалари қувгин ва тақибларга дучор этилдилар.

9.2. Мустақиллик шароитида фан ва таълимдаги узгаришлар.

Ўзбекистон ўз мутақиллигига ижтимлоий хаётнинг барча жабхалари сингари фан ва таълим соҳасида ҳам узгаришлар булди. Бир қотор уқув юртларининг мақоми, дастурлари ва таълим услублари бутунлай узгаририлди. Замоновий университетлар ва институтлар жумладан харбий академия, ички ишлар академияси, Президент хузурида Давлат ва жамият қурилиш академияси, Банкмолия академияси, Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти каби унлаб янги уқув муассасалари ташкил этилди.

+атор вилоят институтларига университет мақоми берилди.

Ёшларни жаҳон фани ва билимлари хазинасидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмоқда. Республика уқув юртларининг чет эллардаги уқув марказлари билан алоқалари мустахкамланди. Хорижлик уқутувчилар ва мутахасисларни хорижий тилда машхулот олиб бориш учун таклиф, қилиш биздагилар хориждаги уқув масканларида малака ошириш учун бормоқдалар.

Айниқса Республика президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда уқишини қуллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси ташкил этилгач, бу жамғарманинг гранти хисобига кўплаб ёшларимиз А+Ш, БУЮК Британия, Франция, Германия, ва Япониянинг нуфузли университетларида кўплаб мутахасислар буйича бакалавр ва магистр даражаларини олиш имконияти яратилди. Айни вақтда жаҳоннинг 40-дан ортиқ мамлакатида 1250дан зиёд хорижий фуқоралар Ўзбекистонда таълим олмоқда.

Таълим соҳасида Республика из АКСЕЛС, АЙРЕКС, амерка коллегиялари консорқуми, САРЕ, тинчлик корпуси (А+Ш), ДААД, конрад Аденауэр фонди (Германия), Британия Кенгаши, Сауз Ал-Бантин фонди (Миср) каби халқора ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан хамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Республикамизда мажбурий умумий ўрта таълим қонун йули билан мустахкамлаб қўйилган.

Буборада қизиқарли ва намунали статистика мавжуд. 15 ва ундан катта ёшдагиларнинг 1000 кишидан 200 нафари урта маҳсус маълумотли мутахасислардир. Хар 1000 кишининг 143 таси олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эгадирлар Республика билим даражаси жихатидан ўқимишли мамлакатлар қаторига киради.

Хозирги кунда республикада 60-дан ортиқ олий ўқув юрти, 260-дан ортиқ маҳсус ўқув юртлари улардан 80-дан ортиғи коллежлар турли йуналишларда кадрлар тайёрламоқдалар.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик илмий маорказдир. Бу илмий-тадқиқот бўйича 362 муассасасини, жумладан 101 илмий тадқиқот институтнинг олий ўғув юртларида 55 илмий-тадқиқот бўлинмалари, 65 лойиха-конструкторлик ташкилотини, 32 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажрибаси корхоналарини, 30 ахборат- хисоблаш марказини уз ичига олади.

Фан соҳасида 46 мингга яқин киши банд булиб, шулардан 28 минги фан доктори ва 16,1 минги фан номзоди. Биринчи марта Ўз.Республикасининг Олий аттистация комиссияси тузилди. Унинг доирасида фаннинг 20 тармоғи бўйича малакали илмий кадрлар тайёрланмоқда .

Кейинги йилларда таълим ва кадрлар тайёрлашга Президентимиз И.А.Каримов бошчилигига эътибор кучайтирилди. Таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича ислоҳатлар бошланди. Бизга маълумки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сеисисиясида «Таълим тўғрисида қонун»ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастури» қабул қилинди. Бу қонун ва дастурни уч босқич асосида амалга оширишимиз лозим.

Биринчи босқич 1997-2001 йилларни ўз ичига олиб, мавжуд таълим тизимимиз сақланган холда янгиси учун моддий базани яратиш лозим.

Икинчи босқичда (2001-2005) бутунлай янги таълим тизимига утиш.

Учинчи босқичда (2005-йилдан) тўплаган тажриба асосида фан ва таълимни янада ривожлантириш.

Республикамизни келажаги янада буюк булиши албатта кадрларга боғлиқ шунинг учун давлатимиз замоновий кадрлар тайёрлашга шароит яратиб бермоқда.

9.3.Хозирги даврда таълим тизимининг чуқур ислоҳ қилиш тарихий эҳтиёж эканлиги.

Жамиятни янгилаш доимо мактабни қайта қуриш билан боғлиқ бўлган. Янги одамлар, кучлар талаб этилган - уларни мактаб тайёрлаши керак бўлган. +аерда ижтимоий ҳаёт маълум бир шаклга эга бўлса, ўша ерда мактаб қарор топган ва жамият талабларига жавоб берган.

Инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ўтмишдаги ва ҳозирдаги замон ижтимоий тажрибасини ўзлаштиради. Бу жараён икки йўл билан амалга оширилади: ҳаёт шароитини инсонга стихияли таъсири ва жамият томонидан унга тарбия жараёни ва аввало жамиятда ташкил топган таълим тизими орқали мақсадга мувоғиқ тарзда таъсир кўрсатишидир. Аммо, жамият бир хил эмас: хар бир синф, ижтимоий гшурух, миллат таълим мазмуни ҳақида ўз тасвурларига эга.

Тарихдан маълумки, ҳар доим, ўқув курсининг аниқ мазмунини белгилаш ҳақида гап борганда, ўша заҳоти сиёсий, илмиё, диний ва бошқа келишмовчиликлар юзага келган. Бу оқибат натижада давлат томонидан таълим тизимини тартибга солишга олиб келган, бу нарса ҳозирги давлатларучун ҳам долзарб масала.

Мактабларнинг ҳозирги даврдан орқадан қолиши кўп мамлакатларда мактабларни ислоҳ қилиш заруратини туғдирмоқда. Ислоҳотлардан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тўғрисидаги +онунида ҳамма соҳаларда таълимнинг юқори сифатига эришишдан иборатdir. Ҳозир етакчи мамлакатларда мактабларни экстенсив равишда ривожлантириш ўзини тўла-тўқис тугатди. Уларнинг бу соҳадаги пировард вазифаси - XXI аср талабларига жавоб берадиган сифатга эришишdir. Бунинг учун таълимни инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва байналминаллаштириш амалга оширилмоқда. Инсонпарварлаштириш деганда жамиятнинг шахсга бўлган эътиборини ошириш, унинг руҳияти, қизиқишилари, талаблари ҳисобга олишни назарда тутиш демакdir.

Ижтимоий ҳозирги давр шахсининг ҳаётида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ижтимоий фанларни (айниқса иқтисодий назария, социология, сиёsatшуносликни) ўқитишига эътиборни кучайтиришни англатади.

Байналминаллаштириш - бу турли мамлакатлар учун ягона бўлган таълим тизимини ташкилэтишdir. Жамиятнинг бир қисми бўлган байналминаллашув жараёнини бошидан кечирмоқда.

Таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда барча погоналардаги ўқув юртларини тубдан қайта қуриш амалга оширилмоқда. Агар яқин вақтларгача кадрлар асосан Тошкент ва Самарқандда тайёрланган бўлса, эндиликликда ҳар бир вилоятда фан ва таълим марказларини ташкил қилиш йўли амалга оширилмоқда.

Бир қанча университетлар, тиҷорат, политехника коллежлари ва бошқа ўқув юртлари очилди. Мутлақо янги йўналишлари - жаҳон тараққити ва дипломатияси, ҳалқаро журналистика ва иқтисодиёт, бозор мносабатлари ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар таёrlаш ташкил қилинди.

Бозор шароитида ишлар кадрларнинг касб маҳоратига нисбатан қаттиқ талаб қўяди. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига, коллежларга талabalар тест синовлари асосида қабул қилинмоқда. Истеъододли ёшлар танлов асосида, саралаб чет мамлакатларга ўқиш ва малака ошириш учун юборилмоқда.

Ҳозирги вактда чет элларда 2.3 мингдан кўпроқ ёшлар таълим олмоқда. Дунёдаги етакчи илмий марказлардан ўқитувчилар жалб этилмоқда.

Республикада замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш мақсадида қуйидагилар асосий йўналиш сифатида қабул қилинди:

- бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб турган ўқув юртларини янги йўналишга солиш ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги ўқув юртлари, энг аввало техник коллежлар, бизнес мактаблар ва маҳсус ўқув юртлари ташкил этиш йўли билан тузилма янгиликларини амалга ошириш;

- ўқув-тарбия жарёнини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш;
- ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, хусусан тўққизинчи синфни битиравчилар учун тадбиркорлик фаолияти асослари, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар дарслари киритилган мхусус таълим муассасаларини барпо этиш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш;
- ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;
- Ўзбекистоннинг иқтисодий маънавий эҳтиёжига мос келадиган юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;
- педагогик қасбга ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқиши кучайтириш учун зарур бўлган ижтимоий-иктисодий шартшароитлар яратиш.

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талблари даражасидга кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устивор йўналиши деб қабул қилинди.

+исқача хulosалар:

1. Фан ҳамма вақт жамият тараққиётининг энг муҳим омилларида бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, чунки фансиз жамият тараққий этмайди.
2. Фанининг тараққиёти кўп жиҳатдан давлатнинг бу борадаги фаолияти, устивор йўналишларини белгилашга, унга ажратилган маблағларга, янги илмий хоимларни тарбиялашга. Таълим - тарбия тизимини такомиллаштиришга боғлиқ. Ўзбекистон мустақиллик йилларида фанга, хусусан, уни мамлакат равнвқи этиёжлари билан боғлиқ масалаларга эътибор кучайди.
3. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг янги тизими барпо этилмоқда. Ундан кўзланган асосий мақсад таълим -тарбия тизимини миллий заминини мустаҳкамлаш. Замон талблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқаришdir.

Таянч иборалар:

Фан, таълим, устивор йўналишлар, таълим тизими, таълим-тарбия, фан ва маданият бирлиги, таълимни ислоҳ қилиш, фанинг устивор тармоқлари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Фан нима?

2. Фанни ривожлантириш истиқболлари ҳақида нима дейиш мумкин? Бизда қайси илмий йўналишлар биринчи навбатда ривожлантирилади?
3. Жамият ҳаётида таълимнинг роли қандай?
4. Иқтидорли ёшлар учун маҳсус мактаблар, лицейлар очилмоқда, буни таълим тизимини демократиялаш нишонаси сифатида ижобий баҳолаш мумкинми ёки масалан, алоҳида қобилиятга эга бўлган ўқувчилар учун маҳсус мактабларни очиб, уларда таълим беришликни демократияга зид деб баҳолайсизми. Айтингшчи сиз учун қайси бири тўғри?
5. Таълим тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган мақсад нима?
6. Демократиялаш жамиятини янгилашнинг туб негизи, унинг ўткинчи эмаслиги кафолотидир. Адабиёт ва санъатга тадбиқан олганда демократиялаш жараёнининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
7. Оддий диалектика: ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлоднинг елкасида туради. Шу сўзнинг моҳиятини очиб беринг?

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов «Билимдон, маънавий етук инсонларни етиштирайлик», «Истиқлол ва маънавият», (туплам), - Т.: «Узбекистон», 1994, 68-70 бетлар.
2. И.А. Каримов «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», Т.: «Узбекистон», 1997. 252-279-бетлар.
3. И.А.Каримов «Баркамол авлод- Узбекистон тарақ-иётининг пойдевори», Уз. Р-си Олий Мажлиси 1Х-сессиясида «Таълим туғрисида қонун» ва «Қадрлар тайёрлаш милий дастури» буйича сузлаган нутқ. «Ҳалқ сузи», 1997. 30 август.
4. И.А. Каримов Адолат қонун устуворлигида, VI сессия, 2002.
5. И.А. Каримов Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиштир, 28 январь, 2005.
6. www.google.ru

10-Маъруза: Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг тамойиллари.

10.1. Давлат ташқи сиёсатининг моҳияти ва мазмуни.

10.2. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсати.

10.3. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.

10.1. Давлатлар ташқи сиёсатининг моҳияти ва мазмуни.

Давлатларнинг ташқи сиёсати объектив сиёсий ходиса ҳисобланади. Ҳеч бир давлат бошқаси билан у ёки бу даражада алоқа қилмасдан ёки ўзаро муносабатда бўлмасдан самарали ривожлана олмайди. Давлатларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари кай даражада олиб борилишидан катъий назар, бу жараён халқаро муносабатларнинг боришини белгилаб беради-ю. Ташқи сиёсатининг зарурлигини ҳар бир давлатнинг эхтиежлари такозо этади. Эхтиежлар аввало, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чикади. Ҳеч бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида бошқа давлатнинг манфатларини устун куймайди ва бунга интилмайди. Ўз навбатида у ёки бу мамлакатнинг миллий манфаатлари бошқа мамлакатларнинг манфатларидан ҳам устун куйилмаслиги лозим. Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ана шу талабларга оғишмай риоя қилиши зарур. Акс ҳолда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қарама-қаршиликлар келиб чиқиши табиийдир.

Давлатларнинг миллий манфаатлари уларнинг ташқи сиёсати орқали моддий кучга айланиб халқаро майдонда уларнинг у ёки бу даражада фаолият кўрсатишини белгилаб беради. Ташқи сиёсат зарурлигининг миллий манфаатлари орқали ифодаланиши барча давлатларга хос бўлган умумий ходиса ҳисобланади.

Давлатлар учун ташқи сиёсатининг зарурлиги бир давлатнинг бошқаси билан ўзаро муносабатда бўлиши ва ўзаро ҳамкорликни турли хил шаклларда олиб бориши билан белгилайди. Бундан ташқари давлатнинг турли халқаро ташкилотлар билан қиласиган алоқалари ҳам уларнинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин агаллайди ва улар олиб борадиган ташқи сиёсатининг муҳим омили ҳисобланади.

Давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиш эхтиежлари ҳам такозо этади. Халқаро муносабатларда рўй берадиган ҳар кандай муаммони ҳал қилиш биринчи навбатда давлатлар ташқи сиёсий фаолиятига боғлиқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки давлатлар ўзларининг ташқи сиёсий фаолияти орқали халқаро муносабатларга таъсир кўрсатадилар ва уларни тартибга солиб туришда етакчи сиёсий кучлардан бири сифатида ҳаракат қиласидилар.

Давлатларнинг ташқи сиёсати ва унинг амал қилинишига ички ва ташқи омиллар таъсир этиб туради. Ички омиллар объектив ва субъектив омиллардан ташкил топади. Объектив омилларга мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллар, субъектив омилларга эса, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаолият кўрсатувчи сиёсатининг турли хилдаги субъектлари киради. Бу омиллар ташқи сиёсатга таъсир этиши билан бирга унинг зарурлигининг ҳам

таказо этади. Бинобарин, агар давлатларнинг ташқи сиёсати амалда бўлмаса, мазкур омилларнинг ҳаракати ҳам бир томонлама йуналишга эга бўлиб қолади.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш эхтиежлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Гарчи давлатларнинг умумбашарий муаммоларни ҳал этишга муносабати уларнинг ички сиёсати орқали ишлаб чиқилса-да уни амалга оширилиши ташқи сиёсатга боғлик бўлади. Чунки давлатлар ўзларининг ташқи сиёсати орқали умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ўз хиссаларини бошқа давлатлар билан ҳамжиҳатликда аниқлаб оладилар.

Ташқи сиёсат ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар билан тинч ва ахил яшаш эхтиежларидан ҳам келиб чикади. Тинч-тотув яшашнинг давлатлар ташқи сиёсати орқали амалий вокеликка айланиши унинг объектив зарурлигини ифода этади.

Халқаро хавфсизлигини таъминлаш ва дунёда барқарор тинчликка эришиш эхтиежлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини ифода этади. Ташқи сиёсат ривожининг бутун тарихи давлатларнинг ташқи сиёсатида тинчлик ва хавфсизлик учун қураш ҳамиша етакчи ўринни эгаллаб келганлигини кўрсатади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари ўзига хос хусусиятларга эга. Ташқи сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари унинг моҳияти ва мазмунидан келиб чикади ҳамда уни ички сиёсатдан фарқ қилиш имкониятини беради. Гарчи сиёсатнинг бу икки тури бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлса-да, улар ўзининг жамият ҳаётига қиладиган таъсири, шартшароитлари, амалга ошириш усуслари билан ажралиб туради.

Давлатларнинг ташқи сиёсатига хос бўлган асосий ва муҳим хусусиятлардан бири ташқи сиёсатнинг объектив моҳиятига эга эканлиги билан белгиланади. Ташқи сиёсат у ёки бу мамлакатлардаги бирон-бир сиёсий кучининг хоҳиш-иродасига боғлик бўлмаган ҳолда давлатларнинг ташқи муносабатларда иштирок қилиш эхтиежларидан келиб чикади.

Ҳар бир давлат бошқа давлатлар ўзаро алоқада бўлмасдан мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ривожланиш эхтиежларини тўла даражада кондириша олмайди. Бу хол зарурият тарикасида ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятида акс этади ва унга муносабат билдириш давлатлар ташқи сиёсатида ифодаланади.

Ташқи сиёсатга хос бўлган объективлик хусусияти давлатларнинг халқаро майдонда рўй бераетган ўзгаришларга муносабат билдиришида ҳам намоён бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳар бир давлатнинг хоҳиш истагига боғлик бўлса, иккинчи томондан эса, у жаҳон сиёсатидан четда колиб кетмаслиги зарурлигидан келиб чикади.

Ташқи сиёсат ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир. Маълумки, мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй берадиган янгидан-янги сиёсий воқеа-ходисаларга билдириладиган муносабат ҳамиша бир хилда бўлиб колмайди. Гарчи бу муносабат давлатлар ташқи сиёсатининг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келмаса-да айни пайтда бу сиёсатга маълум даражада таъсири этиб, унинг янги вазият талабларига мос раишда ўзгариб туришига сабаб бўлади.

Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари барқарорлик хусусиятига эга бўлади. Барқарорлик, бир томондан, ташқи сиёсат вазиятга, иккинчи томонданэса, сиёсий хокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Бунинг маъноси шундаки халқаро муносабатлар ва уларга таъсир этиб турувчи давлат хокимиятлари фаолиятидаги самарали натижалар ташқи сиёсатга барқарорлик рухини бахш этади. Сиёсий вазият қанчалик тез ўзгариб туришига қарамай ташқи сиёсатнинг умумий йуналиши узоқ йиллар давомида кескин ўзгаришларга учрасмаслиги мумкин. Шунга кўра ташқи сиёсат кўпчилик давлатлар фаолиятининг барқарор давом этишни билдиради.

Ташқи сиёсатга турли давлатларнинг максад ва манфаатларидаги умумийлик ходисаси ҳам хосдир. Бир давлатнинг ташқи сиёсати бошқа давлатларнинг ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан мос келади. Буни ҳар бир давлатнинг жаҳон майдонида рўй бераетган ўзгаришларга бир хил муносабат билдиришда у ёки бу муаммони ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишида аниқ куриш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда тинчлик ва хавфсизлик учун кураш, ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва бошқа шулар сингари сиёсий муносабатларда кўпчилик давлатлар олиб бераетган ташқи сиёсатда умумийлик ходисаси устун ўринни эгаллайди.

Давлатларнинг ташқи сиёсатига мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги турли сиёсий кучлар таъсир қилиб турса-да бироқ улар бирон бир давлатнинг ташқи сиёсатини батамом ўзгартириб юбора олмайди. Ташқи сиёсатга қилинадиган таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ҳар кандай давлатнинг ташқи сиёсатига кўрсатиладиган ижобий таъсир унинг мамлакат ичida ва халқаро майдондаги мавкеини мустахкамлашга, унингобру эътиборининг ошишига ёрдам беради. Бундай шароитда давлат мазкур сиёсий кучлар билан ҳамжамият бўлишига, улар фаолияти ва ҳаракатларини қўллаб-куватлашга ҳаракат қиласи.

10.2. Ҳозирги босқичда давлатларнинг ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари.

Барча давлатларда бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатларнинг ташқи сиёсати мамлакат ҳаёти ва халқаро майдонда рўй бераетган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Ҳар бир давр давлатларнинг ташқи сиёсатига ўзининг хусусиятларини киритгани сингари ҳозирги босқичнинг ўзгаришлари ҳам бу сиёсатда ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги халқаро муносабатлар ва уларнинг ривожланиши давларларнинг ташқи сиёсатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, халқаро муносабатларга, улар кандай бўлишидан катъий назар, давлатларнинг ташқи сиёсати орқали таъсир кўрсатилади. Бу таъсир давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятида амалий кучга айланади ва турли хилдаги натижаларига олиб келади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларда ижобий ёки салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг қуидаги холатлар билан изохлаш мумкин.

Биринчидан: айрим холларда давлатлар ўзининг ташқи сиёсатини, ишлаб чиқиш ва амалга оширишда халқаро муносабатларда рўй бераетган ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда бу муносабатларда иштирок этишга ва унга таъсир кўрсатишга ҳаракат қиласи. Бунда гап у ёки бу давлат томонидан халқаро муносабатларда рўй бераетган ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етмаслик устида эмас, балки уларга онгли муносабатда бўлгани ҳолда муносабат билдириши ҳакида бормокда. Шундай давлатлар борки, улар айрим холларда халқаро муносабатларда бўладиган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатлари билан ҳисоблашмай, халқаро аҳамиятига молик масалаларини ҳал қилишда бирон-бир даражада устун бўлишга ҳаракат қиласи. Бундай ўриниш бошқа давлатларнинг манфаат ва мақсадларига зид келиб қолади ва натижада халқаро муносабатларда тенглик холатлари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, халқаро муносабатларни тартибга солиб туришда давлатларнинг ташқи сиёсати муҳим аҳамиятга эгадир. Ташқи сиёсат ёрдамида давлатлар халқаро майдонда рўй берган вазиятга ўз муносабатларини билдирадилар ва унда келиб чикадиган муаммоларни ҳал қилишга у ёки бу даражада ҳисса кўшадилар. Масалан: кейинги йилларда Босния, Сербия, Хорватия, Герцогования мамлакатлари ўртасида келиб чиққан уруш ҳаракатлари, Чеченистан воқеалари, Афғонистон ва Тожикистондаги можароларга дунёдаги кўпчилик давлатлар ўз муносабатларини билдириб, бу мамлакатларда тинчликка эришиш билан боғлиқ масалалар улар ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланади.

Бу минтакалардаги ҳарбий ҳаракатларни тухтатиш ва можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш зарурлиги давлатимиз ташқи сиёсатида ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон давлати ҳам кўпчилик бошқа давлатлар сингари ўзининг ташқи сиёсатида ҳарбий ҳаракатлар ва можароларни тинч йўл билан бартараф қилиш йўлини изчиллик билан давом эттириб келмокда.

Учинчидан, халқаро муносабатларда рўй берадиган айрим нохуш холатлар, зиддиятли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айрим холларда халқаро муносабатларда келиб чикадиган у ёки бу муаммони ҳал қилишда манфаатли бир-бирига зид келиб қолади. Бундай шароитда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлатларнинг ташқи сиёсатига хос белган субъектив ендошишлар устунлик қилиб қолади. Бунинг оқибатида халқаро муносабатларнинг боришида салбий холатлар келиб чикади.

Ҳар бир давлат халқаро муносабатларда келиб чикадиган салбий холатларни бартараф қилишда ўз ташқи сиёсатини халқаро хуқуқ нормаларига асосланган ҳолда амалга ошириши, кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилган ташқи сиёсат принциплари талабларига риоя қилиши зарур. Халқаро муносабатлар тарихидан маълумки, бу муносабатларда келиб чикадиган муаммоларни ҳал этишга бир томонлама ендошиш ҳеч качон ижобий натижага олиб келмаган.

Халқаро муносабатлар халқаро сиёсатнинг шундай мураккаб соҳаси ҳисобланадики, ҳар бир давлат ўзининг ташки сиёсатида бу мураккабликларни ҳисобга олиши лозим. Халқаро муносабатлар алоҳида олинган бир мамлакат ҳаётига дахлдор бўлганлиги учун ҳам бу муносабатларда жаҳондаги барча давлатларнинг ёки кўпчилик давлатларнинг мақсад-манфаатлари умумлашган тарзда акс этади. Бундай шароитда халқаро муносабатларнинг ривожланиши бирон-бир давлатга устунлик бермайди.

Халқаро муносабатларда ташки сиёсати белгиловчилик роли шунда намоён бўладики, бу муносабатлароанинг кандай ривожланиши биринчи навбатда давлатларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Жамият ҳаётида амалда бўлган бошқа бирон-бир ташкилот ёки сиёсий куч халқаро муносабатларга давлат ташкилоти сингари кучли таъсир қила олмайди. Хатто Бирлашган миллатлар Ташкилоти ҳам ўзининг халқаро муносабатларига таъсирини унга аъзо бўлган давлатлар орқали амалга оширади.

Ҳар бир давлат ўзининг ташки сиёсатини амалга оширадиган маҳсус орган Ташки ишлар вазирлигига эга. Бу вазирлик ўзининг кўп сонли мутахассис ва ташкилотчи кадрлари орқали давлатларнинг ташки сиёсатида ифодаланган вазифаларни хилма-хил бўлиб, уларнинг самарали ҳал қилиб боришиши ҳар бир давлатнинг халқаро майдондаги нуфӯзли ва обру-эътиборининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Халқаро муносабатларда давлатлар ташки сиёсатининг белгиловчилик роли уларнинг бу муносабатларнинг ривожига қўшадиган амалий ҳиссаси билан ҳам белгиланади.

Давлатларнинг халқаро муносабатлардаги амалий ҳиссаси мавжуд муаммоларни ҳал қилишга иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий йўллар билан кумак беришда аниқ намоён бўлади.

Давлатларнинг халқаро муносабатларниг долзарб муаммоларига доир масалалардаги муносабати белгилаб берувчи халқаро аҳамиятга эга бўлган сиёсий хужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва кабўл қилиниши ҳам уларнинг ташки сиёсати орқали амалга оширилади. Айрим давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама имзоланадиган хужжатлар: шартномалар, деклорациялар, меморандумлар, баёнотлар ва бошқа турдаги сиёсий хужжатлар ҳамда уларда белгиланган сиёсий-ҳуқуқий нормаларга амал қилиш давлатлар ташки сиёсатининг асосий жиҳати ҳисобланади.

Барча давлатлар бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатлар ўзининг ташки сиёсатини турли йуналишлар орқали амалга оширмокда. Бундай йуналишлар турлича бўлиб, улар давлатлар ташки сиёсатининг моҳияти ва мазмунини белгилаб бермокда.

Ҳозирги босқичда давлатлар ташки сиёсатининг асосий йуналишларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан иборат.

Ҳар бир давлат ўзининг миллий хавфсизлигини таъминлашга интилиши, аввало унинг ички сиёсати орқали намоён бўлади ва ташки сиёсатда акс этади. Бу ўз навбатида, тинчлик учун курашнинг хавфсизлик учун кураш билан бирлигини ифода қиласи ва шу асосда давлатлар сиёсатига асос бўлади.

Тинчлик ва хавфсизлик масаласи сиёсий масала бўлганлиги учун ҳам у давлатлар ташқи сиёсати орқали моддийдашади. Бинобарин, ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсати орқали тинчлик учун амалий фаолият олиб боради ва бошқа давлатларни унга даъват этади.

Тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳозирги энг долзарб масалаларидан бири бўлиб колмокда. Дунёнинг айрим минтакаларида тинч вазиятнинг бўзилиб туриши, ҳарбий ҳаракатларнинг рўй бериши, ҳарбий курол-яроглар ишлаб чиқариш ва ҳарбий ҳаражатларни кўпайтиришга игтилиш сингари холатлар тинчлик ва хавфсизликка доимий равишда хавф солиб туради. Шунинг учун ҳам тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан манфаатдор бўлган ҳар бир давлат бу йўлини ўз ташқи сиёсатининг асосий йуналиш қилиб олмокда.

Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ягона давлат сиёсатининг бўлишидан иборат. Бу курашда сиёсий, ташкилий, хуқуқий, ҳарбий, иқтисодий ёки бошқа чора-тадбирларнинг ўзаро уйгун тизимиға эга бўлиш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда дунёдаги кўпчилик давлатлар ўзининг ташқи сиёсатини яна шу асосда куришга ва олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Давлатлар ташқи сиёсатининг асосий ва муҳим йуналишларидан яна бири умумбашарий муаммоларни ҳал этишда давлат сиёсатининг зарурлиги шундаки, бу сиёсат орқали давлатлар ўзининг имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда уларни ҳал қилишда иштирок этади.

Умумбашарий муаммолар у ёки бу мамлакат худудида келиб чиқсан бўлишига қарамай, уларнинг заарли оқибатлари барча сиёсатида чуқур англаб этилмоги лозим. Давлат сиёсатида сансоларликка йўл куйиб бўлмагани сингари умумбашарий муаммоларни ҳал этишга ҳам ташқаридан томошабин бўлиб колиш мумкин эмас. Бу умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг объектив эҳтиежларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам давлатлар ўзининг ташқи сиёсатида бу муаммоларнинг салбий оқибатларини чуқур англаб этиши ва уларни ҳал этишга амалда ҳаракат қилиши лозим.

Халқаро вазиятни согломлаштириш учун кураш ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йуналишларидан биридир. Давлатлар ўзининг ташқи сиёсати орқали халқаро вазиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ижобий таъсир халқаро вазиятнинг барқарор бўлишига олиб келса, салбий таъсир натижасида эса, халқаро вазиятда кескинлик холатлари кучаяди, давлатлар ўртасида ишончсизлик келиб чикади.

Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида халқаро вазиятнинг ўзгариб туришини тўғри ҳисобга олиши унда рўй берадиган ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур англаб этиши, уларнинг оқибатларини олдиндан сезиши ва шу асосда халқаро вазиятни тўғри баҳолай олиши лозим. Халқаро вазиятнинг боришини тўғри баҳолай билиш бу соҳада келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг йўлларини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим йуналишларидан яна бири давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва уни янада такомиллаштириб

боришдан иборат. Лавларлараро муносабатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий ҳамкорлик шаклларидан иборат бўлиб, бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ва амалга ошириш ташки сиёсатга боғлиқ бўлади.

Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам ташки сиёсатнинг муҳим йуналишларидан биридир. Давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва роли билан белгиланади. Давлатлар турли хилдаги халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро муносабатларда иштирок этади. Уларнинг бундай иштироки ўз ташки сиёсатининг ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қиласди.

Халқаро ташкилотларнинг жаҳон сиёсатидаги аҳамияти бенихоя катта бўлғанлиги сабабли уларнинг фаолияти давлатларнинг ташки сиёсатига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, давлатларнинг ташки сиёсатидаги уларнинг халқаро ташкилотларга муносабат билдириши ҳам турлича бўлиши табиийдир.

Хозирги даврда ташки сиёсатни мафкурадан холи қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти жаҳондаги қўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилмоқда ва бунинг учун амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бундай ҳаракатлар давлатлар ташки сиёсатининг йуналишларидан бири сифатида давлатлараро муносабатларнинг ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ғоявий муҳолифлик барча замонларда ҳам давлатлар ўртасидаги душманлик муносабатларининг кескинлашишига сабаб бўлиб келган. ғоявий муҳолифликка асосланган давлат сиёсати ҳеч качон самарали натижага олиб келмаган. Аксинча, бундай сиёсат айрим холларда дунёни ҳалоқат екасига олиб келган. Шунинг учун ҳам ғоявий курашдан воз кечиши ҳозирги кунда давлатлар ташки сиёсатидаги муҳим йуналишлардан бирига айланиб колмоқда. ғоявий курашнинг зарурли оқибатларини Узбекистон Президенти И.А.Каримов қуидагича таърифлаб кўрсатади: ““ғоявий муҳолифлик утмишда давлатлараро муносабатларга соя солиб, давлатларнинг бир-бирига қарши икки гуруҳга бўлинишига сабаб бўлди. Дунёни ҳалоқат екасига олиб келди. Бундай келишмовчиликлар бугун ҳам давлатлараро ихтилофларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга, бегуноҳ одамларнинг курбон бўлишига, бутун-бутун халқларнинг фожиасига сабаб бўлаетир”.

Давлатлар томонидан олиб бориладиган ташки сиёсатнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан давлатларнинг ташки сиёсати соҳасида амал қиласидан тамойилларида ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдида б урчи ва маъсулияти акс этади. Бунинг маъноси шундаки, давлатлар ўзининг ташки сиёсати орқали жаҳон сиёсатида рўй берадиган ўзгаришларга баҳо беришни, ўзаро мажбуриятларни доимо хис қилиб туришни, ташки сиёсат соҳасида қўпчилик давлатлар учун маъкул бўлган қоида ва нормаларга амал қилишни ўз фаолиятларининг асосий жиҳати деб билишлари талаб қилинади.

Ташки сиёсат соҳасида амал қиласидан тамойиллар ҳам жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида амал қиласидан тамойиллар сингари бирон-бир давлат томонидан ишлаб чиқилмаган. Улар давлатлар ўртасидаги ўзаро

муносабатларнинг ташкил топиш жараёнида бу муносабатларни самарали ривожлантириш этиежларидан келиб чиқсан. Шунинг учун ҳам давлатларнинг ташки сиёсатида амал қиласиган тамойиллар мажбурий ҳарактерга эга эмас. Уларга амал қиласлик эса, давлатларнинг халқаро майдонда яккаланиб колишига сабаб бўлади.

Давлатларнинг ташки сиёсатида қўпгина умумий томонлар борки, бу уларнинг жаҳон сиёсатининг долзарб муаммоларни ҳал қилишда ўз фаолиятларини мувафикаштиришларини талаб этади. Бу объектив зарурият давлатларнинг ташки сиёсати соҳасида амал қиласиган тамойилларнинг талабларидан келиб чикади. Тенг ҳукуқли асосларда ҳамкорлик қилиш, бир давлатнинг бошқасига ўз ҳукмини утказмаслиги, ички ишларга аралашмаслик, ғоявий мухолифликдан хола бўлиш, халқаро муносабатларга доир муаммоларни ҳал қилиш ишларида фаоллик кўрсатиш, ташки сиёсат соҳасида ўзаро ишончни мустахкамлашга ҳаракат қилиш ва бошқа шулар сингари кўплаб тамойиллар ҳозирга босқичда давлатлар ташки сиёсатини белгилаб бермокда. Бу тамойилларга огишмай амал қилиш давлатлар ташки сиёсатининг ишончли ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Ташки сиёсат соҳасида давлатларнинг тенг ҳукуқли ҳамкорлиги тамойили халқаро аҳамиятга доир масалаларни кандай мухокама қилиш ишларида ҳар бир давлатнинг ҳеч кандай чеклашларисиз иштирок қилиниши, уларнинг кабўл қилаетган қарорларида баравар овоз бериш ҳукуқига эга бўлишини билдиради. Бинобарин, ҳеч бир давлат ташки сиёсат соҳасида ҳам ўзининг камситилишига йўл куймайди.

Давлатлар ташки сиёсатининг тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим холларда бир давлатнинг бошқасига нисбатан ўз ҳукмини утказишга ўриниши рўй бериб турган. Бундай ҳаракатлар оқибати кўп холларда боскинчилик урушлари билан тугаган. Аммо бунга барча мамлакатлар ташки сиёсатига хос хусусият деб қарамаслик керак. Дунёда кўпчилик давлатлар ўзининг ташки сиёсий фаолиятини бошқа давлатлар билан тенг ҳукуқли ҳамкорлик асосида олиб борган. Бундай давлатларнинг халқаро давлатларнинг майдондаги обру-эътибори ошиб борган. Шунинг учун ҳам кўпчилик давлатлар ташки сиёсат соҳасида бошқа давлатларга ўз ҳукмини утказмасликка ҳаракат қилиб келмокда ва бу соҳадаги ҳар кандай ташаббусни қўллаб-қувватламокда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташки сиёсатида бу тамойилга огишмай амал қилиш асосида жаҳон ҳамжамиятида алоҳида нуфўзга эга бўлмокда.

Давлатлар ўртасида ишончсизлик холларнинг рўй бериши уларнинг ички ишларига араласиши оқибатида келиб чикади. Бундай холатлар давлатлар тарихида жуда кўп бўлган. Ҳозирги давр ҳам бундан мустасно эмас. Кейинги ун йилликлар давомида собик СССР, А+Ш, Англия, Франция, Истроил, Жанубий Африка Республикаси, Хитой сингари мамлакатларнинг ташки сиёсатида бошқа давлатларнинг ва халқаро муносабатларга кучли салбий таъсир кўрсатмокда. Шунинг учун ҳам дунёдаги кўпчилик давлатлар ўзларининг ташки сиёсатида ички ишларга аралашмаслик тамойилига амал қилишга ҳаракат қилмокдалар ва бошқа давлатларни ҳам бунга даъват этмокдалар.

Давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли бўлишида ғоявий мухолифатликдан воз кечиш тамойилига амал қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. ғоявий мухолифлик давлатларни бир-бирига яқинлаштириш эмас, балки уларни узоқлаштиришга, улар ўртасида душманлик кайфиятининг авж олишига сабаб бўлади.

10.3.Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.

Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартларива тараққиёт кафолотлари” каби асаралрида, маъруза ванутқларида мамлакатимиз ташқи сиёsat ва ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий тамойиллари назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берилди. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлни белгилашда жаҳон тажрибасидан фойдаланилди, мамлакатимиз, халқиимз хусусиятлари ва манфаатлари ҳисобга олинди. Ташқи сиёсатга тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимиз ташқи сиёsat қоидалари қонунлаштирилди. Ўзбекистонни халқаро ҳукуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Ўзининг ташқисиёсати қуидаги тамойилларга асосланган ҳолда олиб бормоқда. Бу тамойиллар:

- мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик вахавфсизликни сақлашга содиклик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар даҳлизлигини ҳурмат қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- низоларни тинч йўл билин ҳал этиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- инсон ҳукуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;
- ички миллий қонунлар ва ҳукуқий нормалардан халқаро ҳукуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устиворлиги;
- давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тўзиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;
- тажовўзкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам қўптомонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан ўзоқмаслик;

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати, уни жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олишини таъминлади.

+исқача хулосалар:

1. Ташқи сиёсат объектив сиёсий ҳодиса сифатида давлатларнинг эҳтиёжлари ва миллий манфаатларидан келиб чиқади. Давлатлар учун ташқи сиёсатнинг зарурлиги бир давлатнинг бошқаси билан ўзаро муносабатда бўлиши ва ўзаро ҳамкорликни турли шаклларда олиб бориши билан бошланади.
2. Ҳозирги даврда давлатлар ташқи сиёсатида муҳим аҳамиятга эга ҳолат – ташқи сиёсатни мафқурадан ҳоли қилишнинг зарурлигидир. Иккинчи томондан эса, ташқи сиёсат соҳасида амал қиласиган тамойилларда ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдидаги бурчи ва маъсулиятининг англаши масаласидир.
3. Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги муҳим жиҳатлар – халқаро муносабатларда очик-ойдинлик, тенг ҳукуқлилик ва ўзаро манфаатдорликнинг амал қилишидир.

Таянч иборалар.

Ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар, ташқи фаолият, дипломатия, элчи, ваколотхона, қўшилмаслик сиёсати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Давлатнинг ташқи сиёсатига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар деганда нимани тушунасиз?
2. Халқаро муносабатларда давлатлар ташқи сиёсатининг қайси жиҳатлари кўпроқ аҳамият касб этади?
3. Халқаро муносабатларда “бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан ўзоқлашмаслик” деганда нима тушунилади?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”. Т.: Ўзбекистон. 1992.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”. Т.: Ўзбекистон. 1995
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда”. Т.: Ўзбекистон. 1999
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т.: Ўзбекистон. 1998
5. Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин вафаровон ҳаёт - пиравард мақсадимиз” Т.: 2000
6. Шарипов Ф. “Сиёсатшунослик” Ўқув қўлланма. Т.: 1996/
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Том X. 2002.
8. www.google.ru

12-маъруза.Ўзбекистон ва МДХ

- 12.1.** МДХ нинг ташкил топиши . Мустақил Ўзбекистоннинг унга аъзо булиши.
- 12.2. МДХдавлатлари уртасидаги интеграцияни ривожлантириш масалалари.
- 12.3.Кавказ ва Болтиқбуйи мамлакатлари билан Узбекистон уртасидаги алоқаларни урнатилиши.

12.1. МДХ нинг ташкил топиши. Мустақил Ўзбекистоннинг унга аъзо булиши.

1991 йилнинг охирларига келиб Собиқ Иттифоқ таркибидағи республикаларнинг купи уз мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 8- декабрда уч славян республикаларининг раҳбарлари Б.Ельсин, А.Кравчук, ва С.Шушкевичларнинг Белоруссиянинг Беловежское Пушчеда учрашуви булди.Бу учрашувда МДХни тузиш туғрисида шартнома имзоланди. Бунга хоҳлаганлар кириши мумкин деб эълон қилинди.Шартномада ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия-банк системаси булади, фан, таълим маъданият ва бошқа соҳаларда хамкорлик қилинади, ташқи сиёsat ва армия соҳасида сиёsat келишилган холда белгиланади дейилган эди.

1991 йил 12 декабря С.Ниёзов ташаббуси билан Ашхабодда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашуви булиб унда Баёнат қабул қилдилар. Унда МДХ ихтиёрийлик ва тенглик асосида тузилиши ва улар хам таъсис этувчилар сафида киришларини билдиридилар. Таклифлар тахлил этилгандан кейин 11 республика раҳбарлари 1991йил 21-декабрда Олмати шаҳрида учрашдилар. Бу кенгашнинг қарори, битими ва протоколи эълон, қуролли кучлар ислоҳ қилунгунча қумондонлик маршал Е.И.Шапошниковга топширилди. Бунда қуидагилар келишилди:

-бир-бирининг хуқуқий яхлитлигини,хамда мавжуд чегаралар бузилмаслигини тан олиш ва хурмат қилиш;

-чуқур таркибий илдизларга эга булган дустликни яхшилаш, хар томонлама хамкорликни йулга қўйиш;

-фуқораларнинг тинчлигини ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш;

-МДХни тузиш туғрисидаги битимнинг мақсадлари ва қоидаларига содик қолиш;

-МДХ давлат хам эмас давлатлар устидаги тузилма хам эмас;

-Халқора стратегик барқорорликни ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида харбий- стратегик кучларнинг бирлашган қумондонлиги ва ядро қуроли устидаги назорат сақлаб қолиш;

-умумий иқтисодий маконни, умумевропа ва Европа-Осиё бозорларини вужудга келтиришда ва ривожлантиришда хамкорлик қилишга содиқлик.МДХ қатнашчилари мазкур декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятларини олишиди.

12.2. МДХдавлатлари уртасидаги интеграцияни ривожлантириш масалалари.

1992 йил 15 майдаги Тошкент кенгашида 13 та муҳим муаммо юзасидан битимга эришилди. Асосийси «Коллектив хавфсизлик, тинчликни сақлаш, коллектив кучларнинг мақоми хақида битимдир».

1993 йил 24 сентябрдаги Москва учрашувида Иқтисодий иттифоқ барпо этиш масаласи мухокама қилиниб шартнома имзоланди. Бунда Грузия қушилганлиги эълон қилинди.

1998 йил 29 апрель учрашувида Б.Ельсин МДХ давлат бошлиқларининг 2000 йилгача раиси, У.Султонов МДХ мамлакатлари хукумат раҳбарлари Кенгашининг раиси этиб тайинланди. Шу йилларда 1300 га яқин хужжатлар қабул қилиниб аксарияти қоғозларда қолиб кетди.

МДХ давлатлари орасида иккилик, туртлик бешлик тарзида гурухлар пайдо булиб МДХнинг хар томонлама заифланишига олиб келди.

Узбекистон Россия билан алоқаларни кенгайтириб бормоқда масалан 1997 йилги савдо обороти 600 миллион А+Ш долларини ташкил этди. Икки мамлакат уртасида 260 дан ортиқ қушма корхоналар фоалият курсатмоқда.

Украина билан хам алоқалар ривожланмоқда 1997 йилда савдо хажми 350 миллион долларга етди, 20та қушма корхоналар фаолият курсатмоқда.

12.3. Кавказ ва Болтиқбуйи мамлакатлари билан Узбекистон уртасидаги алоқаларни урнатилиши.

1996йил 12 майда Ашхабодда Узбекистон, Туркменистан, Грузия ва Озарбайжон Президентлари учрашуви булиб утди. Бунда темир йул транспортини мувофиқлаштириш хақида транзит юқ ташиш туғрисида битим имзоланди. 1996 йил 27 май куни И.А.Каримовнинг Озарбайжонга давлат ташрифи булиб икки қардош малакат уртасида алоқаларни ривожлантириш туғрисида бир қатор хужжатлар имзоланди. 1998 йил 8 сентябрда Бокуда Буюк ипак йулини қайта тиклашга бағишенган Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишенган халқора анжуманда И.А.Каримов нутқ, сузлаб, Жаҳон давлатлари Хамжамиятини иқтисодий интеграцияшувида ТРАСЕКА нинг роли катта эканлиги туғрисида маъруза қилди. Шу йул очилгандан бери 660 тонна 470 миллион долларлик юклар ташилди. ТРАСЕКА шимолий йуналишга нисбатан 2 минг км қисқарди ёки 12 миллион доллар тежалди.

1995 йил июн ойида Латвия ва Литва давлатларига Президент И.А.Каримовнинг ташрифи булиб бир қанча хужжатлар имзоланди жумладан электр ускуналари, шакар, эфир мойи ва қора метал сотиб олинди.

Латвияга ипак, пахта ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда. Транспортга хужалик коммуникацияси, дengиз йулига, Клайпед бандаргоҳидан фойдаланишга келишиб олинди.

+исқача хулосалар:

1. МДХ ни ташкил этишдан асосий мақсад мустақил давлатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий, умуминсоний алоқаларнинг янада бузилиб кетишига йўл қўймаслик, МДХ ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди.

2. МДҲ га кирган мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташки сиёсатининг устивор йўналишларидан ҳисобланади.
3. Ўзбекистон МДҲ ва барча қўмиталари ва муассасаларининг энг фаол аъзоси бўлиб, ташки сиёсий, савдо, иқтисодий ва бошқа имзоланган шартномаларни фаол бажариб келмоқда.

Таянч иборалар:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, кўп томонлама муносабатлар, иқтисодий интеграция.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Собиқ СССР дан ажralиб давлат мустақиллигини қўлга киритган республикалар яна нима учун МДҲ ни туздилар? Уларнинг ҳар бири ўз хўжалигини ўзи мустақил юритаверса бўлмасмиди?
2. Нега МДҲ мамлакатлари билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташки сиёсатининг устивор вазифаси ҳисобланади?
3. Ўзбекистоннинг МДҲ даги иштироки унинг учун нимани беради?

Адабиётлар:

- 1.И.А.Каримов «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари» - Т.:»Узбекистон», 1997. 312-бет.
- 2.И.А.Каримов. «Узбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули», Т.: «Узбекистон»,1992 й. 29-бет,31-32 бетлар.
3. И.А.Каримов «Амир Темур фахримиз ғуруримиз», »Халқ сузи», 1996. 25октябрь.
4. «Халқ сузи»,1998 йил 10 сентябрь.
5. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар бирмиз масъулмиз. Том-9, 2001.
6. И.А.Каримов. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди.» 2005.
7. И.А.Каримов. Ватанимиз тинчликлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизни ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. 29 апрель, 2004.
8. www.google.ru

13-Маъруза. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари.

- 13.1. Ўзбекистон ва А+Ш ўртасидаги давлатлараро алоқаларнинг ўрнатилиши. икки давлат ўртасидаги ҳамкорликларнинг чуқурлашиши.
- 13.2. Ўзбекистон билан Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш ва ўзаро савдо иқтисодий ҳамкорликнинг қарор топиши.
- 13.3. Ўзбекистон Республикасининг Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, Миср, Хиндистон, Эрон давлатлари билан дипломатик, маданий иқтисодий ҳамкорликни қўйиш ва ривожлантирилиши.

13.1. Ўзбекистон ва А+Ш ўртасидаги давлатлараро алоқаларнинг ўрнатилиши. икки давлат ўртасидаги ҳамкорликларнинг чуқурлашиши.

Ўзбекистон билан А+Ш ўртасидаги алоқалар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйилди. 1992 йил 15-16 февраль кунлари А+Ш давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрд ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

1993 йили Америка-Ўзбекистон савдо палатаси тузилди. Ушбу қўшма палата икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қўмаклашиши ва Ўзбекистон иқтисодиётига Америка сармоясини жалб қилиш вазифасини ўз олдига қўйди. Бугунги кунга келиб, ушбу палата мамлакатимизда фаоллик кўрсатаётган ёки Ўзбекистонга қизиқиш билан қарайтган 63 та Америка компаниялари ва хусусий ташкилотларини, шунингдек етакчи ўзбек корхоналари ва иқтисодий идоарларини бирлаштирган. Америка-Ўзбекистон савдо палатаси аъзолари қаторига "Боинг", "Уайнд-энд", "Кейс", "Кока-кола", "Катерпиллер", "Каргил", "Энрон", "Эксон", "Ньюмонт голд", "Тексако", "Эрон ойи газ интернешнл" каби жаҳон бозорларида тан олинган компаниялар киради.

1992-98 йиллар давомида Америка сармоялари иштирокида 200 тадан ортиқ Ўзбекистон-Америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатмоқдалар. Булар орасида 1992 йилад олтин қазиб олиш бўйича "Зарфшон-Ньюмонт" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилагн эди. Корхонанинг муассиси Американинг "Ньюмонт Майнинг Корпарейшн" компаниясидир. Ушбу корхона Мурунтов кон ағдармаларининг мигнераллашган уюмидан олтин ажратиб олиш мақсадида барпо этилган. +иймат 220 миллион А+Ш долларига тегнг бўлган завод қурилиши 1993 йил октябрида бошланди ва бор-йўғи 18 ойда - 1995 ил майда тутатилди. 1995 йилда қўшма кохона олтининг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

Ўзбекистон саноатининг бугунги кундаги рванақи учун А+Ш сармоясини киритилиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Масалан: А+Ш даги хорижий хусусий самоялар корпорацияси ОПЕК ажратган 400 миллион А+Ш доллари Ўзбекистонда газ саноатини ривожлантиришга хизмат қилаётган бўлса, А+Ш нинг Экспорт-Импорт банки (Эксимбанк) 800 миллион А+Ш доллари ҳажмидаги кредити билан Ўзбекистонда ўндан ортиқ лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Жумладан: Кўқдумалоқ Компрессор станцияси,

Бухоро нефтни ғайта ишлаш заводи, Шўртангаз кимё мажмуи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ва А+Ш ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини ривожланиб боришида "Кейс корпорейшен" компанияси алоҳида ўрин тутмоқда . 1994 -1998 йиллар давомида ушбу компаниянинг 1554 та Кейс русумли тракторлари, 825 та комбайнлари Ўзбекистон томнидан сотиб олинди. Ҳозирги пайтда "Кейс корпорейшн " компонияси билан ҳамкорликда учта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 1998 йил 3 декабрда Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва корпорация раҳбари Жан Пьер Рocco ўртасида бўлиб ўтган мулоқотдан кейин ушбу компания ўзининг тўртинчи корхонасини очиш масаласида келишиб олинди. Мазкур компаниянинг хизмати билан Ўзбекистон дехқонлари замонавий илғор техникаларга эга бўлмоқдалар.

Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги тенг ҳамкорликдаги олиб борилаган маданий иқтисодий алоқалардан қониқиши ҳосил қилган икки давлат ўртасидаги муносабатлар чуқурлашиб, сиёсий маслаҳатлашувлар ҳам муҳим ўрин тутаётганлиги, бу муносабатларнинг ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ривожланаётган икки мамлакатнинг кўплаб ҳалқаро муаммолари бўйича яқин ва ўхшаш нуқтаи назар эканлиги намоён бўлиб бормоқда.

13.2. Ўзбекистон билан Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш ва ўзаро савдо иқтисодий ҳамкорликнинг қарор топиши.

"Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишда Европанинг имкониятлари миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ҳаёти муҳимдир. Европа ва бутун /арб - юксак технологилар ва инвестициялар манбаидир, ҳозирги замон демократияси ва инсон ҳуқуқларининг рамзидир. Буларнинг барчаси XXI асрга хавфсизлиги таъминланган ва барқарор ривожланаётган даражада тараққий этган ва замонавий демократик давлат бўлиб кириш мақсадида янгиланиш ва тараққиётини ўзининг миллий стратегик вазифаси қилиб олган, ёш Ўзбекистон давлати учун ҳаётий заруриятдир". И.Каримов Европа мамлакатларининг Ўзбекистон учун муҳимлигига ана шундай юқори баҳо берар экан, мустақилликни биринчи йилларида ёқ Европа мамлакатлари билан алоқарни ўрнатиш мақсадида 1993 йил 28 апрел куни Германияга расмий ташриф билан борди. Бу беш кунлик ташриф Ўзбекистонни Европа сари йўлини очди. 1995 йил апрелда Германия федерал Президенти Роман Герцогнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, 1995 йил 14-15 ноябряда И.Каримовни ГФР га иккинчи ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янги поғонага қўтарди. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 1994 йил 209.2 миллион А+Ш долларини ташкил этган бўлса, 1995 йилнинг тўққиз ойида ёқ 226 мин. А+Ш доллрани ташкил этган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 60 га яқин Герман сармоялари иштирокидафаолият кўррсатаётган "Мерседес-Бенц", "Алкатель", "Сименс"каби фирма ва компаниялар, К.Аденаур жамғармаси мустақил Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигини кашшофлари хисобланади. Ўзбекистонда

яшаётган 50 мингга яқин немис миллатига мансуб Ўзбекистон фуқоролари ҳам ушбу ҳамкорликни ривожланиб боришига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Европанинг ривожланган давлатларидан бири бўлган Францияга И.Каримовни 1993 йил 28-30 октябрь кунларида қилган расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва Франция Президенти Ф.Миттеран билан музокаралар олиб борилди. Ф.Миттеран Ўзбекистонни Марказий Осиёда етакчи ўринга эга эканлигини, у Шарқ билан /арб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкинлигига, ўтмиши буюк бўлган Ўзбекистон доим французларни диққатини тортиб келганлигига тўхталиб, Ўзбекистоннинг ўтмиш ва бугунги кундаги ҳаркатига юксак баҳо берди. Франциянинг пойтахти Парижда Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Маданият илмий-техникавийва маориф соҳасида ҳамкорлик, сармоялмрни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон Президағенти Париж хартиясини имзолаши, шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашуви муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хозирги пайтда Ўзбекистонда "Технип", "Дилепланк", "Рон-пуленк агрошими", "Элф-акитең", "Копико", "Софинфро", "Шомбон са" каби таниқли фирмаларнинг ваколотхоналари очилган.

"Оричейт", "Биомет", "Тереза" Ўзбекистон Франция қўшма корхоналари барпо этилган бўлиб, улар муваффақиятли ихламоқда. Бу корхоналар пафимерия моллари, дори дармонлар ишлаб чиқармоқда, маркетинг сервис ва реклама хизмати билан шуғулланмоқдалар. Францияни "Технил" фирмаси Ўзбекистонда кенг қўламли лойиҳаларини амалга оширишда қатнашмоқда, жумладан: "Ўзбекнефтгаз" корпорацияси билан биргаликда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилди. Завод 300 гектар ерни эгаллаган, қиймати 500 млн А+Ш долларига teng. 1997 йил 22 августда ишга туширилди. 1996 йилнинг май ойида Франциянинг "Бунг" фирмаси билан Ўзбекистон "Бунг" қўшма корхонасига асос солинган эди. Ушбу қўшма корхона 21 ойда, 181 млн франк турадиган "Хилтон-Тошкент" меҳмонхонасини қуриб битказди. Ўзбекистон-Франция ўртасида товар айирбошлиш ҳажми ҳам ўсиб бормоқда. 1995 йили 16 млн.А+Ш долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб, 172 млн. долларни ташкил этди. Ўзбекистон-Франция ҳамкорлиги фан соҳасида ҳам яхши йўлга қўйилган, ўзбек ва француз тарихчилари томонидан Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш соҳасида катта илмий ишлар амалга оширилиши мўлжалланган.

Ўзбекистон Европанинг нуфузли мамлакати бўлган Буюк Британия билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган. 1993 йил 15 октябрда Буюк Британия ташқи ишлари бўйича давлат вазири Даглос Хочнинг Ўзбекистонга сафари чоғида икки давлат ўртасида маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик битими имзоланди.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсий иқтисодий алоқаларида Европа йўналишидаги давлатлар билан ҳамкорликни ривожлнтиришга катта эътибор бериб келмоқда. Европа мамлакатлари орасида Италия билан Ўзбекистоннинг

алоқалари собиқ Иттифоқ давридаёқ йўлга қўйилган эди. Ўзбекистон мустақиллигини олганидан кейин бу олақалар янада кенгайиб бормоқда. Италия Ўзбекистонни иқтисодий илмий салоҳиятини яхши билган мамлакатлардан бири бўлгани учун ҳам икки давлат ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида 1992 йил сентябрда биринчилардан бўлиб Италия Ўзбекистонда ўзининг элчинонасини очди. Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар кенгайиб ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 1993 йилга нисбатан 1998 йилга келиб уч баробардан кўпроқ ошди. 1996 йил товар айирбошлаш 142 млн. А+Ш доллари ҳажмига teng келди. Ўзбекистон-Италия ҳамкорлигидаги "Ўзпластитал", қўшма корхонаси республикада катта даромад олаётган корхоналардан биридир. "Ўзбек телком" ва Италия "Стет интернейшнл" корпорациялари ҳамкорликда "Удинет" қўшма корхонасига асос солдилар. Бу қўшма корхона Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 30 дан ортиқ Ўзбекистон-Италия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон, Финландия, Нидерландия, Голландия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Славакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатди ва бу алоқаларни кенгайтириб бормоқда.

13.3. Ўзбекистон Республикасининг Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, Миср, Ҳиндистон, Эрон давлатлари билан дипломатик, маданий иқтисодий ҳамкорликни қўйиш ва ривожлантирилиши.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи кунларидаёқ урф-одатлари ва тарихий анъаналарига яқин бўлган ва ўрта Шарқ давлатлари билан маданий иқтисодий ва дипломатик алоқаларини йўлга қўйишга киришди.

1991 йил 16-19 декабрь кунлари Президент И.Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегацияси Туркия жумҳуриятида бўлди. Туркия Президенти Турғут Ўзол, бош вазир Сулаймон Дэмирэл ва бошқа раҳбарлар, ишбилиармонлар турли компаниялар, фирмаларнинг раҳбарлари билан амалий учрашувлар ўтказиб, фикр алмашдилар. Икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколотхоналарини айирбошлаш тўғрисида протокол, иқтисодий ва савдо соҳаларидағи ҳамкорлик тўғрисида битмаданият, фан, таълим, едицина, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим, транспорт ва коммуникация лар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ахборот айирбошлаш, телевидения ва радио эшиттириш бўйича ҳамкорлик қилиш хақида протоколлар, бошқа расмий хужжатлар имзоланди.

Ушбу ташрифдан кейин ики давлат ўртасидаги яқинлашув ва ҳамкорлик ривожланиб борди. Ўзбекистонда Туркия элчинонаси очилди ва фаолият

кўрсатмоқда. Ўзбекистонга Туркия давлат раҳбарлари Турғут Ўзол, Сулаймон Дэмирэл, Тансу Чиллер, Месут Илмаз ва Ҳикмат Четинларнинг расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатларни икки давлат ўртасидаги муносабатларни кенг қулоч ёйиб ривожланишига асос бўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асосан 50 ортиқроқ ҳужжатлар имзоланди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшимча корхоналар қуриш, кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлиш 1992 йили 75 млн. А+Ш долларини ташкил этган бўлса, 1997 йилга келиб 320 млн.ни ташкилэтди. 1998 йили 275 млн. А+Ш долларини ташкил этди.

Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналарининг сони 200 дан ортиб кетди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган фирмалар, компаниялар орасида "Коч холдинг", "Ай сел", "Дамо" фирмаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

1992 йил 27-28 июнда Покистон Ислом Республикасининг бош вазири Мухаммад Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи икки давлат ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида, маданият, соғлиқни саққлаш, фан, техника, туризм оммавий ахборот соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди. 1994 йили Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлиш ҳажми 4.3 млн. А+Ш долларига teng бўлган, Ўзбекистон Покистонга чарм хом ашёси, пилла, енгил саноат учун машина ва ускуналар етказиб берса, Покистон эса халқ истеъмол моллари, пойабзal, тамаки, тайёр кийимлар, чарм буюмлар, какао ва шакар етказибберишни йўлга қўйди. Ўзбекистонда Покистон ишбилармонлари ишторикаида 120 та қўшма корхона тузилди. "Табани", "Меркурий", "Метро", "Ласкон", "Тарака" каби 19 та йирик фирма ва компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги қатор минтақавий муаммолар, жаҳоншумул лойиҳаларни биргаликда амалга оширишюзасидан шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон ғатор яқин ва ўрта Шарқ ҳамда Араб давлатлари: Афғонистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Миср, эрон каби мамлакатлар билан маданий дипломатик, савдо-иқтисодий, йфан-техника, кадрлар тайёрлаш, туризм ва бошқа соҳаларда битимлар, шартномалар имзоалнган. Бу давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб, мустаҳкамлаб бориш учун Ўзбекистон барча имкониятларини ишга солмоқда.

Ўзбекистоннинг ташки сиёсатида қўлга киритган ютуқларидан яна бири шундаки, у Шарқий ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари - Хитой, Жанубий Корея, Япония, Вьетнам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларини мустаҳкамлаб ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтларидаёқ, Ўзбекистон ва Хитой халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой халқ Республикаси ўртасида 1992 йил 2 январдан бошлаб элчилар даражасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш, элчихоналар очиштўғрисида қўшма ахборот берилди. Икки мамлакат ҳукуматлари мамлакат ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари, бир-

бирларига ҳужум қиласлиқ, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, шунингдек тинч-тотув яшаш қоидалри асосида ривожланишага келишиб олдилар.

1994 йил 25-26 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримовни Хитойга иккинчи марта сафар қилиши мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг асосий принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликларни ривожлантириш тўғрисида баённома имзоланди. Тошкент- Пекин, Тошкент-Урумчи ҳаво йўли очилди. Тошкентда бешта Хитой компаниясининг ваколотхрналари очилди. "Ойдин-Мниза" қўшма корхонаси болалар учун кийим кечаклар, Урумчидаги корхона билан "Ташинтерм" бирлашмаси ишлаб чиқараётган кўркам "Термослар ўзининг сифати билан мамлакатимизда машҳур бўлди. Ўзбекистон билан XXР нинг товар айирбошлиш ҳажми 1993 йил 73 млн. А+Ш долларини ташкил этди. Ўзбекистон- Хитой қўшма корхоналарининг сони 72 тадан ошиб кетган.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро савдо иқтисодий алоқалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида дипломатик алоқаларга 1992 йил март ойида асос солинди. 1992 йил 19 июнда Ўзбекистон Президенти И.Каримов Жанубий Кореяга давлат ташрифи билан борди. Бу ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида савдо, маданий техникавий алоқаларга асос солинди. Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва Жанубий Корея Президенти Ким Ен Самнинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни янги босқичга кўтарди.

И.Каримов 1992 йилги сафари чоғида "ДЭУ" компаниясига қарашли "Паблик Матрос" заводида бўлиб завод ишлари билан танишар экан, "Ўз ДЭУ авто" қўшма корхонасининг тамал тошини қўйди. Республика Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил ноябрда Андижонга Асака автомобил заводини қуриш тўғрисида қарор қабул ғилди. Бу заводга нисбатан қисқа муддатда - учун ичида қурилиб, ишга туширилди. завод қурилишига жалб этилшган маблағнинг 52 % ни Ўзбекистон, 48 % Жанубий Корея хисобига туғри келади. 1996 йил 25 марта заводнинг 1 босқичи фойдаланишга топширилди. "DAMAS" русумидаги кичик автобус чиқара бошлади. кейинги босқичларда "ТИКО" ва "НЕКСИЯ" машиналарини чиқара бошлади. келишуга кўра қисмларнинг 30 %, кейинроқ эса 70 % мамлакатимизда ишлаб чиқариш мўлжаланган эди. Ана шу келишувга кўра яна бир нечта қўшма корхоналари асос солинди. жумладан "УЗ КОРАМ", "УЗ ДОНГ", "УЗ ТОНГ ХОН", "УЗ ДОНГ ЯНГ" қушма корхоналари шулар жумласидан бўлиб, булар машиналарни бампер ва ускуна понелларини, уриндиқлар, автомобил бўлаклари, ички эҳтиёт қисмлар ва бошқа ускуналар тайёрлаб берди. шу жумладан автомобил глушителлари, филдирак - дискалари хам чиқариш қўзда тутилган эди. бу қушма корхоналар мувафаққиятли фаолият курсатмоқда.

Шарқнинг энг ривожланган мамлакати Япония билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги 1994 йил 16- 19 майда бошланди. Ўзбекистон Делегацияси расмий ташриф билан Японияда бўлиб 2 давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари қўшма баёнотва бир қатор расмий

хужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Делегацияси машхур "Панасоник" концернининг раҳбарлари билан концерннинг филиалини очишга келишилди. Республикаизда "Панасоник" маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда Япониянинг дунёга машқур "Мицуи ва ХО, ЛТД", "Мицубиси корпорейшн", "Чори" компанияларининг доимий ваколотхоналари фаолият қўрсатмоқда. Япония хукумати Кўкдумалоқ нефть-газ конденсати конини ўзлаштиришда, Бухоро нефтини қайта ишлаш заводини таъмирлашда, телеалоқ тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашдилар.

1995 йилдан буён Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси бир миллиард А+Ш долларидан ошиб кетди. Ўзаро товар айирбошлиш ҳажми эса 1998 йилда 117 млн. А+Ш долларини ташкил қилди.

1999 йилдан бошлаб Япония Ўзбекитон учун янги имтиёзли кредитлар вилоятлардаги телекоммуникация соҳасини замонавийлаштириш учун 12.69 млрд., оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш соҳаси учун 670 млн. иен сарфлаш кўзда тутилган.

Бу алоқалар йилдан йилга ривожланиб бормоқда, фан, кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳам икки давлат ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Ўзбекистон Малайзия, Индонезия, Вьетнам, Таиланд, Австралия, Комбоджа ва бошқалар қатор Шарқ ва тинч океани ҳавзаси, Осиё ва Окения минтақасидаги давлатлар билан ўзининг дипломатик савдо-иктисодий ҳамкорликларини ўрнатган, ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Мазкур мамлакатлар билан яқиндан, узоқ муддатли ҳамкорлик қилишимиз, савдо-иктисодий алоқаларни кенгайиб бориш, ҳар икки томоннинг мавжуд имкониятларидан фаол фойдаланиш учун катта истиқболлар очиб бермоқда. Бу эса мамлакатимизни иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

+исқача хулосалар:

1. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида дунёning етакчи давлатлари билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистоннинг А+Ш билан кўптомонлама муносабатларни ривожлантириш биз учун устивор аҳамиятга эга. Бу алоқалар турли соҳаларда амалга оширилиб ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.
2. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишда Европанинг имкониятларидан миллий мафаатларимиз нуқтаи назардан фойдаланиш ҳаётий муҳимдир. Европа ва бутун /арб юксак технологиялар ва инвестициялар манбаидир, ҳозирги замон демократияси ва инсон ҳукуқларининг рамзидир.
3. Ўзбекистон ўз урф-одатлари ва тарихий анъаналарига яқин бўлган яқин ва ўрта Шарқ давлатлари билан маданий-иктисодий алоқаларни жадал суръатларда олиб бормоқда.
4. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида марказий ва жанубий шарқий Осиё мамлакатлари алоҳидаро олиб ўйнайди.

Таянч иборалар:

Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатлари, Тинч океан ҳавзаси малакатлари, А+Ш. Оврупа мамлакатлари, дипломатик. иқтисодий алоқалар, жағон иқтисодиётига қўшилиш.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистонинг А+Ш билан иқтисодий ва маданий алоқаларида қайси йўналиш етакчи ҳисобланади?
2. Ўзбекистоннинг Япония ва жанубий Корея давлатлари билан ҳамкорлигига қандай корхоналар қурилганини айта оласизми?
3. Ўзбекистоннинг ғарбнинг ривожланган мамлакатлари билан муносабатлари ўрнатишга ёндашувлари қандай?
4. Хорижий сармоядорлар мамлакатимиз табиийресурсларини ўз манфаатлари йўлида жадал ўзлаштирмоқда, одамларимизни энг тарzon ишчи кучи сифатида ишлатмоқда деган гап-сўзлар қулоққа чалинмоқда, буни қандай изоҳлаш мумкин? Бир "оға" дан қутилиб, бошқалар изнига тушиб қолмаймизми?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Ркспубликасининг Конституцияси. Т.: "Ўзбекистон", 1992 йил
2. Каримов И.А "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" - Т.: "Ўзбекистон", 1995
3. Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" Т.: "Ўзбекистон". 1992
4. Каримов И.А "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ватараққиёт кафолотлари". Т.: "Ўзбекистон". 1997
5. И.А.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришниг асосий йўналишлар. «ўзбекистон овози», 31 август, 2002.
6. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашморқ керак. Том -10, 2002.
7. И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Том-13, 2005.
8. www.google.ru

14-Маъруза. Демократия. Демократиянинг асосий концепциялари

14.1. Демократия тушунчаси, демократик жараёнларнинг шаркона узига хос хусусиятлари.

14.2. Узбекистонда фукаролик жамиятини куришга йул тутилганлиги.

14.1. Демократия тушунчаси, демократик жараёнларнинг шаркона узига хос хусусиятлари.

Давлат курилишининг олий, маданий шакли демократиядир ва у куйидаги асосий тамойилларга таянади:

- халкнинг эркинлиги ва иродаси;
- фукароларнинг тенг хукуклиги;
- инсон хукукларининг устиворлиги;
- хокимият органларининг сайланиб куйилиши;
- уларнинг сайловчиларга бўйсуниши;
- танлаш йули билан шаклланадиган давлат органлари олдида хисоб беришга бурчлилиги;
- хокимият органларининг таксимланиши.

/арб демократиясини шарқ мамлакатларига жорий этиш мумкин эмас.

Хар бир халк хур фикрлаш даражаси, воеа ва ходисаларга уз муносабатини билдириш, уни баҳолаш мезони, узининг тарихий келиб чикиши, кадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Гарб демократиясида худбинлик, Шарқ демократиясида эса аксинча-андишалилик, Гарбда катталарни сенсираш, Шарқда эса узидан катталарга, раҳбарга хурмат билан караш, Гарбда тап тортмай гапириш, Шарқ демократиясида мулохаза юритиб, акл билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Худди шу кадриятлар ва мезонларни кур-куронга кучириш, нусха олиш хар кандай таклидчи миллатни инкиrozга олиб келади.

Юкоридагиларни чукурлаштириш ва жаҳон тажрибасини урганиш асосида "Узбек модели" вужудга келди. "Узбек модели" узига хослиги, узининг кучли прагматизми, шовкин-суронли сафсатабозлик хамда популизмнинг йуклиги билан ажралиб туради.

14.2. Узбекистонда фукаролик жамиятини куришга йул тутилганлиги.

Фукаролик жамиятида авваллари давлатга, давлат тузилмаларига таалукли булган купгина масалалар фукаролар томонидан, уларнинг ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Сиёсий, иктисадий хаётда фукаролар кенг, фаол иштирок этиш имкониятлари кенгаяди. Давлат тузилмалари устидан Фукароларнинг таъсирчан назорати урнатилади. Бу эса жамиятдаги давлат, шахс, нодавлат ташкилотлари уртасида янгича, фукаролар манфаатларига хизмат қилувчи муносабатларга келтиради. Давлат жамиятнинг ривожланишига ижобий таъсир қилса, ўз навбатида фукаролик жамияти асло давлатни заифлаштирумаган ҳолда унинг такомиллашувига шароит яратади.

Албатта хар кандай мамлакат ривожланган, фукароларнинг орзу-

истакларини тула кондира оладиган жамият куришни орзу килади. Узбекистон шундай жамият куриш йулидан бормоқда.

Кучли жамиятга утишда мухим шартлардан бири - бу фукаролар онги ва карашидир. Онгли инсонларнинг бирикмаси жамият булса, кучли жамият юксак онгли шахслар бирикмасидир. Фукаролик жамияти куришда фукаролар иштирок этади. Иштирок онгли булганда самара беради. Фукаролик жамияти юксак онгли, билимли, маданиятли, маънавияти юкори - холис ва эркин фикрловчи хар кандай тобеликдан холи кишилар жамияти булади.

+исқача хulosалар:

Хлоса қилиб айтганда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ислоҳатлар инсон манфаатлари учун хизмат қиладиган, унинг турмиш фаровонлиги, қобилияти, таланти ва истеъодини рўёбга чиқаришга қаратилган фуқоролик жамиятини куришга қаратилган. Ўзбекистондаги фуқоролик жамияти, унинг хуқуқий давлати яратиб берган кенг имкониятлар, жумҳуриятимиздаги ўзига хос хусусиятларга мувофиқ шароитда мавжуд бўлиб турган демократия туфайли юзага келган ва тобора кучайиб бороётган қулайликлар натижасида ўлкамизда миллий, ахлоқий, диний қадриятлар тикланиб мустақиллигимизнинг маънавий заминлари теранлашиб, хуқуқий маданият ўсиб бормоқда. Буларнинг хаммаси иқтисоди ва сиёсий мустақиллигимизнинг қомусий оқибати ва бундан кейинги ўсиши, ривжланиши ва мустахкамланишининг омили, маънавий камолатнинг зарурий шартидир.

Таянч иборалар:

Демократик жамият, шарқона демократия, фуқоролик жамияти, давлат, ўз-ўзини бошқариш, хуқуқ, эркинлик, бурч.

Назорат ва мухокама учун саволлар:

1. Демократия нима? Дунё демократик давлатлари конституцияларида бу масала ўзининг қандай ифодасини топган?
2. Кейинги йилларда шарқона демократия хақида гапирилмоқда. Айтингчи, шарқона демократиянинг моҳияти нимада?
3. Нима учун демократиянинг душманлари бор? Улар қўпми? Демократия учун кураш йўллари, демократиянинг химоя қилиш усуслари қандай?
4. Парламент аъзолари - «Халқ хизматкори» эканлигига сиз розимисиз? Ўз фикрингизни асосланг.
5. Фуқоролик жамиятининг маъноси қандай? Уни давлат тушунчаси билан ифодалаш мумкинми?

Адабиётлар:

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т."Узбекистон", 1992.10-11, 3-40 бетлар.

2. Узбекистон Республикасининг Фукролик кодекси. Т."Адолат", 1996
Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида. Т."Ўзбекистон", 1997. 137-156 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т."Ўзбекистон", 1998. 19-22 бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т."Ўзбекистон", 1999. 9, 31, 99-100 бетлар.
5. Н. Жураев. Агар огоҳ сен. Т."Шарқ", 1998. 17-40 бетлар.

15-Маъруза: Мустақиллик ва Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш жараёни.

15.1. Мустамлака ва ярим мустамлакачиликдан озод бўлган давлатларда сиёсий ўтиш даврининг зарурлиги.

15.2. Ўзбекистонда ўтиш даврининг бошланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

15.3. Ўтиш даврида демократик жараёнларни шакллантириш асосида фуқаролик жамиятини қуришнинг негизларини вужудга келтириш жараёнлари.

15.1. Мустамлака ва ярим мустамлакачиликдан озод бўлган давлатларда сиёсий ўтиш даврининг зарурлиги.

Мамлакатлар тараққиёт тажрибалари кўрсатмоқдаки, мустақилликни қўлга киритган давлатлар ўзларининг юксак даражаларига бирдагина эмас, балки маълум бир тарихий босқичларни босиб ўтганлар. Ана шу босқичларнинг биридан иккинчисига ўтишларида, албатта, ўз бошларидан маълум бир оралиқ босқични босиб ўтганлар. Бундай босқич барча мамлакатлар учун умумий қонуният ҳисобланаби, политологияда ўтиш даври дейилади.

Хўш, ўтиш даври нима учун умумий қонуният ҳисобланади? Чунки мамлакатнинг бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиши жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу давр эскининг ўлиши, янгининг шаклланиши билан боғлиқдир. Бу жараёнда тараққиёт талабларига жавоб бермаётган, давлат сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча механизmlарни тугатиб, унинг ўрнига тараққиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган янги механизmlарни шакллантириш жараёнлари кечади.

Ўтиш даврининг зуурлиги ва унинг ўта мураккб муаммоси – бу эски тузум, унинг тартиб қоидалари, анъаналар, бошқарув тизими, маънавий-мафкуравий салоҳияти ва дунёқараши билан яшаган аҳолини тубдан янги шаклланаётган тузумга ўрганиш, мослашиши, яна ҳам аникрофи, уларни кўниши билан боғлиқдир. Бугунги кунда дунёning тараққий қилган мамлакатлари тажрибалари кўрсатмоқдаки, улар қандай тарихий босқичларни босиб ўтмасинлар, уларнинг бугунги юксак даражага, аҳолининг фаровонлигига эришишларини таъминлаган асосий омил – демократик тараққиёт йўлини танлаганлиги ва эга бўлганидири.

Ўтиш даври тараққиётинин алоҳида босқичи эмас, балки демократик тамоилларга асосланган жамиятни вужудга келтириш учун зарур бўлган, заминларни тайёрлаш учун зарур бўлган оралиқ муҳлат ҳисобланади.

Маълумки, демократия фақат моддий ва маънавий тараққиёт омили бўлибгина қолмасдан, шунинг билан бирга, шу жамият инсоннинг ўз-ўзини анлатишни, қадр-қимматини таъминлашни ҳам кафолатлади.

Демократия тамоилларни таъминланган ва тараққиётга эришган бир қатор мамлакатларнинг тажрибаларидан маълумки, бу жамиятга ўтишнинг асосан учта йўли вужудга келди. Уларнинг биринчisi классик йўл ҳисобланади. Ўтиш даврининг бу йўлининг хусусияти шундаки, у узоқ тарихий даврда амалга ошади ва мамлакат иқтисодий ҳаётида хусусий мулкчилик етакчи ўрин эгаллайди. Бу аҳолининг иродасидан ва моддий ахволининг

мураккаб ҳолатига тушишидан қатъий назар, уларни шакланаётган тартибга ўрганиш ва кўнишга мажбур қилиб боради.

Шунинг учун бу йўлни ўз бошидан кечирган Оврупа мамлакатларида жуда катта сиёсий бурҳонлар, инқилоблар содир бўлган эди. Бу йўлдан борган мамлакатлар 2-2,5 асрдан иборат бўлган ўтиш даврида демократик қадриятларни шакллантирилар ва бксак тараққиёт даражаларига кўтарилилар.

Ўтиш даврининг иккинчиси инқилобий йўл хисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давалт ҳаётида вужудга келтирилган иқтисодий салоҳият, фан, техника ва технология имкониятлари ҳамда аҳоли турмуш тарзининг нисбатан юқори даражасига эришилганлиги асосида мамлакат сиёсий ҳокимияти бир тизимдан иккинчисига ўтади. Яъни эски ҳокимият ва бошқарув ўрнатилади. Бу ўз навбтида мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларининг жадал суръатлар билан олиб келади. Инқилобий йўл учун асосий шарт шуки, бунда демократик тамойилларнинг бир қатор куртаклари, албатта, эски тизим шароитида шакланаётган бўлишидир. Ҳеч бўлмаганда ана шу шароитнинг вужудга келиши зарурдир. Ўтишнинг бу йўлини собиқ жаҳон социализм тизимиға кирган Оврупанинг айрим мамлакатлари ўз бошидан ўтказмоқдалар. Тўғри, уларнинг айримларида бу жараён ўта мураккаб кечмоқда. Муҳими, ана шу мураккаб ҳолатларга қарамасдан, демократик жараёнлар ривожланиши учун имкониятлар вужудга келмоқда.

Ўтиш даврининг учунчи йўли, босқичма-босқич ёки эволюцион йўл хисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, ҳокимият қўлга ўтгач, унинг эски механизмлари бирдан йўқотилиб юборилмасдан, аста-секинлик билан тугатилиб борилади, уларнинг ўрнига янгилари вужудга келтирилади. Сиёсий соҳада амалга ошириладиган ана шу тадбирларга мос равишда янги равиша янги иқтисодий тизим ва маънавий-мағкуравий салоҳият шакллантиради.

Хўш нима учун аста-секинлик билан ўтиш зарурияти туғилади? Чунки, мустақиллик туфайли ўтиш авдри бошланиши янги сиёсий тизимнинг иқтисодий заминлари, халқнинг моддий даражалари бир томондан заиф бўлса, иккинчи томондан эски тузумга мослашган бўлади. Бундан ташқари халқнинг дунёқарashi, моддий бойликларни яратишга бўлган муносабатларида эски тузум асоратлари кучли бўлади. Ана шу сабабларга кўра, ўтишнинг эволюцион йўлида, эскиларидан ҳам уддабуронлик билан фойдаланилади ва янгиси вазминлик билан яратилади.

Ўтишнинг эволюцион йўлининг ижобий томони шундаки, халқни янги сиёсий ва иқтисодий ҳаётга аста-секинлик билан «мослаштирилиб» борилади. Бу эса, жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган социал «портлашларнинг» олдини олиш, қарама-қаршиликларни бартараф этиб бориш имкониятини яратиб беради.

Тажриба куўрсатмоқдаки, мустамлака ва яrim мустамлакамда бўлган мамлакатларнинг қайси бири ўтишнинг учинчи, яъни эволюцион йўлини танлаган бўлса, улар ўз олдига қўйган мақсадларига эришиб келмоқдалар.

Бундай мамлакатларнинг қайси бири ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин, янги жамиятга ўтишнинг инқилобий йўлидан борган бўлсалар, уларда катта социал «портлашлар» содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида жамият гуруҳларга бўлинниб, улар ўртасида ҳокимият учун курашлар содир бўлмоқда ва фуқаролар урушлари вужудга келмоқда.

Ўтишнинг у ёки бу йўлини танлашда умумий қонуниятлар билан бирга ҳар бир мамлакат ва миллатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам каттта амалий аҳамиятга эгадир. Шу маънода биронта мамлакатга бошқа мамлакатларнинг тажрибаларини айнан тадбиқ қилиб бўлмайди. Аммо, уларнинг барчаси учун ўтиш даврининг зарурлиги умумий қонуният ҳисобланади.

15.2. Ўзбекистонда ўтиш даврининг бошланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон сиёсий мустақиллигини қўлга киритишнинг хуқуқий асосларининг яратилиши Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида 20-июнь 1990 йил қабул қилиниши билан бошланди. Унинг ўз сиёсий мустақиллигини тўла қўлга олиши, ҳамда янги жамиятга ўтиш даври 19991 йилнинг 31 августида Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари ўтказилган олтинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти»нинг эълон қилиниши ва «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг амалда ўз мустақиллигини ва сиёсий ҳокимиятни қўлга киритилгани билан характерланади.

Ўзбекистоннинг ва МДҲнинг бошқа давлатларида янги жамиятга ўтиш бир қатор хусусиятларга эга. Жумладан, ўтиш даврининг классик йўлини ўз бошидан кечирган мамлакатларнинг аксарият қисми ўз мустақиллигига тўла эга бўлган ҳолатда, янги жамиятга ўтиш жараёнини амалга оширган эдилар. Ўтишнинг инқилобий йўлидан борган мамлакатлар эса, жаҳон социализм тизими барбод бўлиши ва уларнинг мустақил йўлни танлаши билан бошлаган эди. Ўзбекистон эса амалда собиқ марказга қарам ҳолатидан, мустақилликка еришиш билан ўтиш даври бошланган.

Ўзбекистон учун сиёсий ўтишнинг мураккаблиги шунда эди, давлат ҳокимияти, бошқарув тизими ва бошқа институтлар собиқ марказ томонидан вужудга келтирилган ва тоталитаризм тизими ўзининг тўла хукмронлигини ўрнатган эди. Бу тизимни бир «зарба» билан тугатиш, яна ҳам аниқроғи қонунларни бугун қабул қилиб, эртага улар асосида демократик жамиятга ўтиш мумкин эмас эди. Чунки тоталитаризм тизими қудратли куч сифатида ўз таъсирини барча соҳаларга ўтказиб, жамиятда амалда системага айланган эди. Бундан ташқари аҳолининг ҳам тоталитаризм иллатларидан қутилиши янги дунёқараш ва тартиботларга кўнишиб боришини таъминлаш мураккаб эди. Боз устига мустақилликнинг дастлабки йилларида қарамлик ҳолатига тушиб қолиш хавфи бутунлай тутумаган эди.

Ана шундай вазиятда демократик жамиятга ўтишнинг энг мақбул йўлини танлаш зарур эди. Республикализ президентининг бу мураккаб шолатдан чиқиб

кетиш борасида танлаган эволюцион йўли ўзининг тўғри эканлигини ўтган давр ичидаги амалга оширилган ишлар натижалари тасдиқлади.

Ўзбекистонда танлаган эволюцион йўлнинг муваффақияти шундаки, унга биноан ўтиш даври бошланган пайтда давлат ҳокимиятнинг айрим механизмларидан, айниқса унинг кадрлар салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланилди. Бу эса янги қурилмөччи бўлган демократик жамиятнинг кадрларини ва давлат ҳокимияти механизмларини вазминлик билан аста-секин шакллантириш имкониятини берди.

Ўзбекистонда ўтиш даврида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўлами тўғри белгилаб олинди. Ўтиш даври шунинг учун ҳам умумий қонуниятки, у эски умри тугаган жамият асоратлари билан янги қурилмоқчи бўлган жамият барҳам беради. Ўтиш даврида янги жамиятнинг механизмлари ва асослари вужудга келтирилади. Хусусан, сиёсий соҳада бу даврда эски давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тугатилади, янги жамиятнинг ҳуқуқий базалари вужудга келтирилади ва шу асосда давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими шакллантирилади: иктисодий соҳада, демократик жамиятнинг асосий шарти бўлган эски иқтисодий тизим тугатилди. Инсоннинг манфаатларига хизмат қилувчи, унинг қобилиятини юзага чиқарувчи ва эркин фаолият кўрсатишни таъминловчи бозор муносабтларига ўтишнинг шарт-шароитлари, ҳуқуқий асослари яратилади ва аста-секин уларни реал ҳаётга тадбиқ қилиш амалга оширилади. Маънави-мафкуравий соҳада ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилади. Жумладан эски тузумга хизмат қилган, инсонларнинг онги ва қалбига зўравонлик билан киритилган тоталитар мафкура ва дунёқараашдан озод бўлинади ва янги демократик жамиятнинг маънавий-мафкуравий салоҳияти вужудга келтирилади. Жамиятда турли фикрлилик тамойилининг устувор бўлишига эришилади.

Кўриниб турибдики, ўтиш даври ниҳоятда мураккаб босқич ҳисобланади. Унинг моҳияти ва вазифаларини теран англаш, ҳамда шу асосида фаолият кўрсатиш кутилган мақсадга эришишнинг гарови ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтиш даврида ва амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар изчиллик билан реал ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Энг асосийси, демократик жамиятга ўтиш учун зарур бўлган ўтиш даврининг биринчи навбатдаги асосий вазифалари ва иккинчи навбатдаги вазифалар йўналишлари тўғри белгилаб олинди. Улар мавхум ҳаёллар асосида эмас, балки президент томонидан ишлаб чиқилган аниқ концептуал назариялар асосида амалга оширилмоқда. Айниқса, бу концепциядаги давлатнинг бош ислоҳотчилик роли зарур эканлигининг илмий асосланиши жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Чунки ўтиш даврида давлат жамият ҳаётининг жиловини қўйиб юбориши қўлга киритилган мустақилликни ҳам хавф остига қўйиши мумкин эди.

Давлат мамлакатда амалга ошириладиган ислоҳотларга бошчилик қилмас экан, мамлакатда гурухбозлик, манфаатларни ҳимоя қилиш баҳонасида турли зиддиятларнинг вужудга келиш хавфи мавжуд бўлиши ҳам мумкин эди. Бундай ҳолат МДҲ мамлакатларининг кўпчилигига содир бўлганлиги фикримизга ёрқин мисол ҳисобланади.

Бундан ташқари, демократик жамиятнинг вужудга келиши давлатнинг «йўқ» бўлиши эмас, балки унинг механизмларининг табиий ишлаш тизимида ўтишини билдиради. Шу маънода ҳам ўтиш даврида унинг исслолҳотларда ўрни ва ролининг сақланиб қолиши мамлакатда содир бўлиши мумкин бўладиган турли салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун амалий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда танланган ўтишнинг эволюцион йўли бугунги кунда жуда ката назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам уни жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ўрганмоқдалар ва ўзлари учун мақбул бўлган томонларини қабул қилмоқдалар.

15.3. Ўтиш даврида демократик жараёнларни шакллантириш асосида фуқаролик жамиятини қуришнинг негизларини вужудга келтириш жараёнлари.

Демократик жамият халқнинг ҳокимият фаолиятида иштирок этишини таъминлашта қаратилади. Аммо, бу вазифани осонлик билан амалга ошириб бўлмайди. Чунки, юқоридаги таъкидлаганидек, эски тузум асоратларидан қутилиш ва янги жамиятнинг хуқуқий, иқтисодий базаларини ва маънавий-мафкуравий салоҳиятини вужудга келтириш, ҳамда демократик жараёнларнинг бошланишига эришиш катта фаол меҳнат қилишини талаб этади.

Айниқса, демократик жараёнларни амалга оширилишида изчиллик талаб этилишини эсда сақлаш лозим. Чунки демократик жамият қонунлар устуворлигини таъминлаш билан белгиланади. +онунлар бузилган, улар назар-писанд қилинмаган ҳар қандай ҳолатларда демократия бўомайди, балки зўравонлик вужудга келади.

Демократия жамият учун зарур бўлган барча имкониятларни ўтиш даврида яратилади. Барча соҳаларда демократик тамойиллар босқичма-босқич амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтиш даврининг муҳлатини ва вазифаларини амалга оширганлик даражаларни мамлакатда демократиянинг умум эътироф тамойилларининг қай даражага эришганлигини белгилаб беради.

Демократия жамият ҳам ўз навбатида фуқаролик жамиятига ўтишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқаролик жамияти инсониятнинг идеали бўлиб, у сиёсий қарашлар тарихида алоҳида ўринни эгалаб келмоқда.

Фуқаролик жамияти тўғрисида Аристотел ва Платон, Кант, Гегель ўз асарларида асосий эътиборини қаратган.

Буюк бобомиз Абу Наср Фаробий давлат ва жамиятни бошқариш масалаларини таҳлил қилган. Хусусан, у ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида фаолиятнинг тузилиши тўғрисида, фозиллик ва жлҳиллик сабаблари, фозиллар шаҳри ҳокими, унинг фазилатлари тўғрисида қимматли фикрларни билдирган.

Адолатли жамият ва уни бошқариш масалалари Амир Темур, Мирзо Улугбек, Захриддин Муҳаммад Бобур ва Алишер Навоий ҳам ўз асарларида кенг эътиборларини қаратганлар.

Уларнинг билдирган фикрлари фуқаролик жамиятини қуришда катта аҳамият молиқдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантириш асосида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги назарий ва амалий ишлар бажарилади. Шу жумладан фуқаролик жамиятининг моҳияти ва уни ривожлантириш масалалари тўғрисида Президент И.Каримов томонидан билдирилган фикрлар моҳияти жиҳатидан теран ва жуда бой, ҳаётийлиги билан алоҳида моликдир. У Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини қуришга интилаётганини таъкидлаб, бу жамиятнинг маъносини харакатерлаб: «бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир», -деб кўрсатди.

Фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида давлат икки хил йўл билан, яъни жамият ҳаётининг қонуний асосларини яратиш, ҳамда қатъий назорат ўрнатиш орқали яратувчанлик ишларини амалга оширишга шарт-шароит тайёрлаб беради. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофа, давлат ҳавфсизлиги, ташқи сиёsat, пул-молия ва солик тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни такомиллаштириш а фуқаролик жамиятини қуришда ўз-ўзини бошқаришнинг энг муҳим қадриятларга айланган ва миллий давлатчилигимиз ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Демократик жамиятни қуриш жараёни ва жамият ижтимоий тузилишида, ижтимоий груп ва қатламлар, миллий муносабатлар, оила-турмуш муносабатларини ҳам муайян ўзгаришлар билан характерланади. Давлатнинг ўрни ва мавқеини янгича қарашнинг амалда жорий этилиш билан ижтимоий муносабатларда инсон ва умуминсоний тамойиллар, қадриятларга алоҳида аҳамият берила бошлади.

Сиёсий, иқтисодий ва молиявий ислоҳотлар ижтимоий муносабатларда ҳам демократик тамойилларнинг устуворлиги таъминланади.

Худди ана шу ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш орқали фуқаролик жамиятига ўтила борилади.

Фуқаролик жамияти инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатларининг устуворлиги тамойилига асосланади. Ҳар қандай қонун ҳаракат соҳасидан қатъий назар, ишлаб чиқилаётган ва муҳокама этилаётган пайтида, шунингдек, уни амалда таъминлашда инсон манфаатлари, ҳуқуқларига қанчалик мос тушиш даражасига қараб, ҳуқуқий давлатга эришиш мумкин. Фуқароларнинг қонун билан яшashi ҳаётий заруриятга айланиши ва жамият ҳаётийлигидан табиий ишлаш тизими вужудга келиши фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан бири сифатида вужудга келади.

Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг шаклланиб бораётганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш мустаҳкам замин тайёрламоқда. Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти тизимини, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги демократик жараёнларни ривожлантириш

тараққиётимизни таъминлашнинг асосий омилига айланади. Уларни изчиллик билан давом эттириш эса фуқаролик жамиятини қуриш имкониятини яратади.

Таянч тушунчалар:

Мустамлака, ярим мустамлака, ўтиш даври, ўтиш даврининг: классик (анъанавий), инқилобий эволюцион шакллари, умумий қонуният. Эскининг ўлиши ва янгининг пайдо бўлиши, Ўзбекистоннинг эволюцион йўли, Ўзбекистонда ўтиш даври, тоталитаризм, демократия, МДҲ давлатлари, давлат бош ислоҳотчи, маҳалла, фуқаролик жамияти, қонун устуворлиги.

Мустақил иш учун топшириқлар:

1. Ўтиш даври нима учун ҳамма мамлакатлар учун умумий қонуният ҳисобланади?
2. Демократик жамиятга ўтишнинг нечта йўли бор ва улар қандай хусусиятларга эга?
3. Мустақил Ўзбекистонда ўтиш даври қачон ва қандай хужжатларнинг қабул қилиниши билан бошланган?

Адбиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. - +аранг. Ўзбекистон: милий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
5. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 2000.
6. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Т., «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
9. Аристотель. Политика. Соч. Т.Ч.М. Мўслъ, 1983.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., Халқ мероси, 1993.
11. М. Бобур. Бобурнома. Т., 1989.
12. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки суярулмулк. Т., «Адолат», 1997.
13. Темур тузуклари. Т., 1991.
14. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., +одиров А. Политология (ўқув қўлланмаси). Т., «Ўзбекистон», 1999.

15. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар ортга қайтмайди. «Халқ сўзи» газетаси, 2002.
16. Каримов И.А. Милий давлатчилик истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т., 2005.
17. www.google.ru.

16-Маъруза ОАВ ва демократия

Режа:

- 16.1 «Ахборот», «оммавий ахборот» тушунчалари.
- 16.2. ОАВ «Тўртинчи ҳокимият» эканлиги. Жамият ҳаётнинг демократиялашиши.

16.1 «Ахборот», «оммавий ахборот» тушунчалари.

Сиёсий фаолият, сиёсий жараёнларда иштирок этиш, аниқ мақсад ва йўналишларга эга бўлишини ахборотсиз ёки оммавий ахборот воситаларининг тасаввур этиб бўлмайди. ОАВ орқали аввало инсонлар сиёсий –ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётда, ҳамда дунёҳамжамияти, давлатлараро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлади. Уни идрок этади. Муносабатлар билдиради, қабул қилиши ҳамда сиёсий жараёнларнинг иштирокчисига айланиши ёки аксинча, холисона туриши мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам бугунги ҳаёт тарзимизни ОАВ ларсиз тасаввур этолмаймиз. ОАВ ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. «Ахборотлашган жамият» тўғрисидаги қарашларнинг негизи ҳам дунёда ахборот кўламининг ортиб бораётганлилиги билан боғлиқ.

«Ахборот», «оммавий ахборот» XX асрда кенг ишлатила бошланди. У аввало ҳалқлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, хулқ-атвор нормаларини, ижтимоийлашиш жараёнларига таъсирининг ортиб бораётганлигини билан боғлиқ. Бугун ахборотни жамлаш, асраш ва узатиш жараёни ўзгарди. У «оғзаки сўз» дан энг замонавий компьютер ахборот узатиш, кабилли, спутник орқали кўрсатиладиган телевизорлар, телетайп ва факсимал алоқалар, алоқа спутниклари билан боғлиқ. Янги XX асрни «ахборот асли» бўлиш ҳамда ахборотни асосий «ресурс»га айланиши тўғрисидаги қарашлар реалликка айланиб, айрим мамлакатлар тараққиётнинг устувор йўналишини белгилмоқда. Ахборот соҳасидаги техник тараққиёт кўпгина ижтимоий, сиёсий муоммоларни ҳал этиш имкониятини беришга қодир эканлиги шубҳасиз. Айни пайтда, оммавий ахборот ахборот воситалари, дунёда «мафкуравий кураш» ёки «инсон онги ва тафаккурини эгаллаш унга таъсир кўрсатиш» майдони ҳамдир. Бугунги мураккаб сиёсий мафкуравий жараёнлар буни тасдиқламоқда. Оммавий ахборот воситалари турли ҳалқлар маданий ҳаётига, тафаккур тарзига, урф-одат, анъаналарга, қадриятларга ҳам таъсир кўрсатиш ва қўпроқ таъсир «майдонига» эга бўлиши имкониятига эга. Унга алоҳида эътиборини қаратиш ва фуқароларда унга нисбатан «мафкуравий иммунитетни» шакллантириш ҳам алоҳида аҳамият касб этаётганлигини инкор этиб бўлмайди. ОАВ жамияти маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад-юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби ишончини шакллантиришда, ҳамда ҳалқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодини (И.Каримов) уйғотишда ва қарор топтиришда муҳим рол ўйнайди. ОАВ жамоатчилик фикрини

уйготади, шакллантиради, йўналтиради ва уларни сафарбар этиш «қувватига» эга. Шунинг учун мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, унда ОАВ муҳим ўрин тутади.

16.2. ОАВ «Тўртинчи ҳокимиёт» эканлиги. Жамият ҳаётнинг демократиятлашиши

ОАВ инсонларни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан узвий боғлайди. Ҳамда уларни бу жараёнларга иҳтирок этишга туртки беради. Шунда «ахборот холис», «иишончли», «аниқ», бўлиши муҳим. Нохолис, далиллар билан тўсиқ тасдиқламаган, ёки «ёлғон» ахборотлар инсон ҳаётига, шунингдек, унинг кўлами, ахборотни қамровли даражасига қараб халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар салбий таъсир кўрсатади. Оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий «тўртинчи ҳокимиёт»га айлантириш жараёни ҳамма жойда ҳам анча мураккаб кечеётганлиги кузатилмоқда.

Хусусан, ахборот таҳлилида эскича фикр юритиш ўз таъсирини сақлаб турибди. Эски сарқитлардан жудо бўлиш эса дунёқарашлар, психология, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган курашлар билан бирга бормоқда.

Инсонлар эга бўлаётган ахборотнинг характеристири ва тарқатиш усуслари ташвиқот кўринишларига ҳам таъсир этади ва уни белгилаб боради. Ахборотнинг қундалик бўлаётган воқеа ва ҳодисалар билан мос келиши сиёсий муносабатларда шахс фаоллигини оширади. Фуқароларнинг мустақиллигини, эркин фикрини янада мустаҳкамлайди. Ҳозирги замонда ахборот тарқатиш техникалари қисқа муддатда кенг аудиторияни қамраб олиш имкониятига эга. У кўпрк «чегара» билмайдиган омилга айланиб қолди.

Бугун инсонлар дунё ахбороти «майдони» билан бирга яшяпти. Сиёsat, сиёсий муносабатларни ва жараёнларни ахборот билан боғлиқлиги эса ошиб бормоқда. Бу уни ҳисобга олишни тақозо этади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасида, ҳозирги пайтда жамият ҳаёти ва фаолиятига ОАВ ролини фаоллаштириш қўйидагича тасаввур этилмоқда. Биринчидан, оммавий-ахборот воситалари имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш; оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимиёт билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва муҳим, инсон ва жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва оммавий ахборот воситаларини тайёрлаш жараёнини кўриб чиқиши. Ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усусларини ва воситаларини ўзгартиришда уларга ёрдам бериш; иккинчидан, ОАВ фаоллигини ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштиришга алохида аҳамият берилмоқда. Бу соҳада муйян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ОАВ соҳасида фуқароларнинг эркинликларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, белгилаб қўйилди. Матбуот

тўғрисида, ҳамда журналистлар фаолияти, ахборот олиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Демократик жамият қуриш вазифалари матбуот ва сўз эркинлиги тамоилига амал қиласи. ОАБ ни сиёсий қарорлар қабул қилишида бевосита ўрни бор. Шунингдек, ахборот сиёсати, мамлакат сиёсий режими, характеристи билан бевосита боғлиқ. Масалан, авторитар ва тоталитар режимлар «ахборот»ни бўғиш, уни «сир» сақлашдан унга «хукмронлик» қилишда кўпроқ манфаатдор. Демократик жамиятлар эса ахборотни эркин алмашиш, унинг хилма-хиллигидан кўпроқ манфаат кўради. Бу шу жамиятларни яшовчилигини таъминлаб беради.

Янги аср, сиёсий муносабатларни ахборот майдони билан боғлиқлигини янада ошириши шубҳасиз. Бу ҳар бир мамлакат, ҳамда дунё ахборот марказлари олдида янги маъсулиятли вазифалар қўяди. ОАБ такомиллашиб борган сари унинг холислиги ҳам ортиб бориши керак. Мамлакатлар, халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, озод ва фаровон ҳаётни, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамланиб боришига хизмат қилиши зарур. Оммавий ахборот дунё ҳамжамияти ҳаётини бойитиши, уни ранг-баранг бўлишига кўмаклашиши, халқларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиши, хукуқий, эркин, демократик жамият қуриш талабларига мос тушади.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситалари «Тўртинчи ҳокимият» сифатида инсонлар онги, қалби, дунёқарашига, хоҳиш – иродасига таъсир этишнинг муҳим омилидир. У мамлакатлар, халқлар ҳаётида мавжуд сиёсий жараёнларни шаклланиши қарор топишида, кишилар иродасини йўналтиришда ўзига хос «ҳокимият», таъсир кўрсатиш қувватига эга эканлиги билан характерли. ОАБ инсонларни ҳокимиятга нисбатан муносабатини шакллантиради, уларни сиёсий жараёнларни амалга оширишнинг муҳим субъектига айланишига хизмат қиласи. Бу эса ахборотнинг «холис»лигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ахборот майдонида ҳам турли сиёсий кучлар, мамлакатлар, халқлар, социал групкалар билан боғлиқ «манфаатлар», «қарашлар» бир-бири билан дуч келади. Ахборот холислиги таъминланмаса у «хавф-хатар», «бекарорлик» омилига айланиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш вазифалари эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топишини тақозо этади. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор. (И. Каримов). Бундан кейин ҳам оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин, чукурроқ кириб бораверади. Ўзбекистон буни табиий хол деб қабул қилмоқда. Мустақиллик йилларида нашрлар сони кўпаймоқда. Ҳозир мамлакатимизда 490 дан ортиқ газета ва 138 дан ортиқ журналлар чоп этилмоқда. Радио ва телекўрсатувларнинг ҳажми кўпаяди. Уларнинг жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида тутган ўрни ортиб бормоқда.

+абул қилинган +онунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан ОАБ жамоат назоратини таъминлашда ўзига хос мавқега эга. Шунингдек, ОАБ давлат ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган ўзига хос механизmdir. Айни пайтда ОАБ ҳар бир киши ўз фикрини эркин ифода эта олишига имкон берадиган мансабдир. Шунинг билан

бирга ОАБ демократик жараёнларни амалга ошириш, демократик қадриятларни химоя қилиш, жамоатчилик фикрига кучли таъсир ўтказишга қодир ва мамлакатимизда, дунёда демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Таянч тушунчалар:

Ахборот: Оммавий воситалари, сўз ва матбуот эркинлиги, «тўртинчи ҳокимият», холис ахборот, ахборотнинг жамият ҳаётига таъсири, ахборот ва демократия. Ахборотлашган жамият.

Мустақил иш учун топшириқлар

1. Ахборотни сиёсий ҳаёт ва режим билан боғлиқлигини таҳлил этинг.
2. Ахборотлашган жамият деганда нимани тушунасиз?
3. Демократик жамиятда ахборот ролининг ошиб боришига эътибор берилишининг сабабларини аниқланг.
4. Ўзбекистонда ОАБ ва унинг имкониятлари тўғрисида ўз фикр ва муроҳазаларингизни билдиринг.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.; Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт. Т.; Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.; Ўзбекистон.; 1999.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.; Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И. А «Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Т.; Ўзбекистон 2000.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Т.; Ўзбекистон, 2000.
7. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.; Ўзбекистон 2000.
8. Азизхўжаев А. А. Давлатчилик ва маънавият. Т.; Шарқ, 1997.
9. Азизхўжаев А. А. Демократия халқ ҳокимияти демакдир. Т.; 1996.
10. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. Академия, 2000.
11. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 2001й.
12. Каримов И. А. Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Ўзбекистон овози» 31 августъ. 2002й.
13. www.google.ru.